

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки



Молиявий барқарорлик шарҳи

2025 йил

Молиявий барқарорлик шарҳи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан йилига икки марта чоп этилади. Мазкур шарҳда макромолиявий шароитлар таҳлили, тизимли хатарларни аниқлаш ва таъсирини баҳолаш ҳамда макропруденциал сиёсат масалалари қамраб олинган.

Мазкур шарҳ 2026 йил 1 январгача бўлган маълумотлар асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланган.

Шарҳ 2026 йил июль ойида чоп этилган.

Фикр ва мулоҳазаларингизни udjumanazarov@cbu.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Қисқартмалар

XBЖ	Халқаро валюта жамғармасы
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
BSSM	Bayesian state space model
CAR	Регулятив капиталнинг монандлик коэффициентлари
ССА	Contingent claims analysis
ССоВ	Капиталнинг консервация буфери
ССуВ	Контрциклик капитал буфер
СЕТ1	I даражали асосий капитал
CoVaR	Conditional value at risk
D-SIB	Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар
DSTI	Қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати
EVT	Экстремал қийматлар назарияси
GaR	Growth-at-Risk
GMM	Generalized method of moments
HaR	House price at risk
НН	Херфиндаль-Хиршман
НР	Hodrick-Prescott
LCR	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициентлари
LGD	Loss given default
LTV	Кредит суммасининг гаров суммасига нисбати
NSFR	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентлари
PD	Probability of default
pnCCyB	Ижобий нейтрал контрциклик капитал буфери
ROA	Активлар рентабеллиги
ROE	Капитал рентабеллиги
SSM	State space model
SyRB	Тизимли хатар буфери
Tier 1	I даражали капитал
UCI	Uzbekistan Composite Index

2025 йил учун молиявий барқарорлик шарҳи

Мундарижа

Умумий хулоса	3
Эрта огоҳлантирувчи кўрсаткичлар харитаси	6
I. Макромолиявий шароитлар	9
1-ҳавола. Яқин Шарқ минтақасидаги ҳолатнинг молиявий барқарорликка таъсири .	18
II. Молиявий сектор	23
2.1. Банк сектори	23
2-ҳавола. Валюта хатарини баҳолашнинг экстремал қийматлар назариясига асосланган ёндашуви	44
3-ҳавола. Тизимли хатарлар сўровномаси	46
2.2. Нобанк молия сектори	49
III. Номолиявий сектор	57
3.1. Уй хўжалиги сектори.....	57
4-ҳавола. Аҳоли қарз юки сўровномаси.....	72
3.2. Корпоратив сектор	76
IV. Активлар бозори	80
4.1. Кўчмас мулк бозори	80
5-ҳавола. Уй-жойларнинг фундаментал нарҳини аниқлаш бўйича потенциал талаб модели	91
4.2. Капитал бозори	93
V. Банк тизими бўйича макро стресс-тест	99
5.1. Макроиктисодий сценарийлар	99
5.2. Тўлов қобилияти макро стресс-тести.....	105
6-ҳавола. Хатарлар шароитида уй-жой нарҳлари	118
5.3. Ликвидлилик макро стресс-тести.....	120
VI. Макропруденциал сиёсат	127
6.1. Макропруденциал сиёсат воситалари.....	127
6.2. Хатарлар ва енгиллаштирувчи чоралар.....	133
7-ҳавола. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ моддий хавфлар	136
Иловалар	145
Атамалар	189

Умумий хулоса

Ўзбекистон молиявий шароитларида енгиллашиш кузатилди. 2025 йил якунига келиб, глобал ноаниқликларнинг бироз пасайганлиги, шунингдек банк сектори, валюта бозори ҳамда макроиқтисодий ҳолатдаги ижобий ўзгаришлар мамлакат молиявий шароитларининг енгиллашишида ўз аксини топди. Ўзбекистоннинг келгуси даврлардаги иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатарлар кўлами қисқарган ва ўсиш суръати асосий савдо ҳамкор давлатларга нисбатан юқорироқ бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон банк сектори молиявий барқарор ва хатарларга бардошли шаклланмоқда. 2025 йилда банк тизими молиявий стресс ҳолати ўзининг тарихий энг пастки қийматиғача тушган. Банклар фаолиятида юзага келган юқори даромадлилик, депозитлар портфелининг кенгайиши ҳамда кредит йўқотишлари эҳтимолининг пасайиши натижасида банк тизимининг тўлов қобилияти янада мустаҳкамланди. Шу билан бирга, банк активлари таркибида юқори ликвидли активлар миқдорининг ортиши ҳамда депозит портфелида талаб қилиб олингунча депозитлар улушининг қисқариши банк тизими ликвидлигининг янада яхшиланишига хизмат қилди. Шунингдек, молиявий стресснинг банк тизимиға тарқалиши билан боғлиқ хавф даражаси камайган. Банкларнинг кредит ва депозит портфели бўйича долларлашув даражаси пасайган.

Ўзбекистонда макропруденциал сиёсат воситалари Базел III стандартлари асосида тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, капитал консервация буфери (2,5 фоиз), контрциклик капитал буфери (1,5 фоиз) ва тизимли аҳамиятға молик банклар учун капитал буфери (1 фоиз) амалиётға жорий этилди. Шунингдек, банклар капиталининг монандлигига қўйиладиган минимал талаблар Базел III стандартларига мувофиқлаштирилди. Бундан ташқари, қарздорларға йўналтирилган макропруденциал воситалар, жумладан қарзға хизмат кўрсатишнинг даромадға нисбати, кредитнинг гаровға нисбати ҳамда қарзнинг даромадға нисбати бўйича бевосита талаблар жорий этилди ва такомиллаштирилди. Кредит портфели диверсификациясини таъминлаш мақсадида айрим кредит турлари бўйича қўшимча концентрация талаблари амалиётға татбиқ этилди.

Банклар Базел III стандартлари асосида ўрнатилган минимал капитал монандлик ва капитал буфер талабларига тўлиқ жавоб бермоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, тизимли аҳамиятға молик банкларнинг I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти капитал буферларини инобатға олган ҳолда ўрнатилган минимал 9,5 фоизлик, бошқа

банкларда эса 8,5 фоизлик талабдан юқори шаклланди. Шунингдек, 2026 йил бошида барча банкларнинг жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 13 фоиздан юқори бўлди.

Макропруденциал чораларнинг қатъийлаштирилиши ва аҳоли даромадларининг ўсиши натижасида уй хўжалиги секторида ижобий ҳолат кузатилди. Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека ва автокредитлар учун кредитнинг гаровга нисбати (LTV) бўйича бевосита чекловларнинг ўрнатилиши ушбу кредитларни гаров билан таъминланганлик даражасини яхшиланишида намоён бўлди. Аҳолига кредит ажратишда қарздорларга йўналтирилган воситаларнинг қатъийлаштирилиши уй хўжаликларининг қарз юки даражасини пасайишида ўз ифодасини топди. Бунда, ипотека ва автокредит сегментларида қарз юкининг тушиш динамикаси қайд этилди.

Чакана кредитлашда юқори фаоллик сақланиб қолмоқда. Битта қарздорга тўғри келадиган микроқарз шартномалар сони ортиб бормоқда. Микроқарзлар бўйича муаммоли кредитларнинг сифат таркиби ёмонлашган. 2025 йилда микроқарзлар бўйича ўртача DSTI кўрсаткичи 37 фоиздан 40 фоизгача кўтарилди. Шу билан бирга, микроқарзлар бўйича концентрация даражаси пасаймоқда.

Уй-жойларнинг бозор нархи фундаментал нархларнинг стандарт четланиш оралиғига қайтди. Кўчмас мулк бозорида уй-жой таклифининг ортиши ҳамда бозор нархларида кузатилган тузатишлар шароитида аҳоли даромадининг кўпайиши ҳамда ипотека кредит ажратиш шартларининг енгиллашиши натижасида аҳолининг уй-жой харид қилиш қобилияти яхшиланди ҳамда фаоллиги ортди. Бозор иштирокчилари активлар нархининг ўсишига эмас, балки барқарор ижара даромадига таянувчи эҳтиёткорона сармоёга ўтмоқда.

Тўлов қобилияти макро стресс-тести натижаларига кўра, хатарли сценарий бўйича шокларнинг банклар капиталига таъсири вақт тафовути билан намоён бўлиши мумкин. I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти хатарли сценарий бўйича 2028 йил якунида 5,6 фоизгача ва банк тизими жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 6,8 фоизгача пасайиши мумкин. Банк дефолти таъсирида юзага келиши мумкин бўлган тарқалиш хатарининг кўлами пастлигича қолмоқда. Уй-жой нархлари арзонлашишининг ипотека кредитлари бўйича йўқотишга таъсири жуда паст баҳоланмоқда.

Ликвидлилик стресс-тести натижалари хатарли сценарий бўйича соф пул кирими банк тизими бўйича мусбат ҳолатда сақланиб қолишини кўрсатди. Банк тизими бўйича активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари


орасидаги номутаносиблик даражаси яхшиланган. Ликвидлилик муаммоси энг юқори даражада кузатилиши мумкин бўлган банкларда ҳам кутилаётган манфий соф пул киримини қоплашга етарли активларининг мавжудлиги банк тизими бўйича ликвидлилик хатарини бартараф эта олади.

Молиявий барқарорликка таъсир қилиши мумкин бўлган ташқи хатарлар узоқ муддатли, ички хатарлар қисқа муддатли хусусиятга эга бўлмоқда. Ушбу хатарларга геосиёсий беқарорликлар таъсирида глобал молиявий шароитларнинг қатъийлашиши, микроқарзлар бўйича кредит хатари, кибер ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хатарлар киради.

Эрта оголантирувчи кўрсаткичлар харитаси

Кўрсаткич	2019				2020				2021				2022				2023				2024				2025							
	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4				
Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути																																
Миллий валютадаги кредитлар ва ғазначилик облигацияларнинг фоиз ставкалари орасидаги фарқи																																
Молиявий шароитлар индекси (FCI)																																
Жами кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути																																
Номинал ЯИМ тафовути																																
Молиявий стресс индекси (FSI)																																
Кредитнинг ЯИМга нисбати ўсиш суръати																																
Жорий операциялар ҳисоби балансининг ЯИМга нисбати																																
Молиявий цикл индекси																																
Кредитнинг депозитга нисбати																																
Капитал рентабеллиги (ROE)																																
Муаммоли кредитларнинг (NPL) ўсиш суръати																																
Банк тизими активларининг ЯИМга нисбати																																
Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (NSFR)																																
Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR)																																
Жами банк кредитлари қолдигининг ўсиши (YoY)																																
Хорижий валютадаги кредитларнинг улуши																																
Активлар рентабеллиги (ROA)																																
Лeverаж коэффиценти																																
I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти																																
Жами активларда юқори ликвидли активларнинг улуши																																
Валюта позицияси																																
Банк секторининг концентрация даражаси (активлар бўйича)																																

Кўрсаткич	2019				2020				2021				2022				2023				2024				2025			
	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1	Q2	Q3	Q4
Нобарқарор молиялаштириш коэффициенти	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Жами мажбуриятлар таркибида нобарқарор молиялаштиришнинг улуши	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Уй хўжаликлари кредитлари қолдигининг ўсиши	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Корпоратив кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути	Yellow	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Уй хўжаликлари кредитларининг ЯИМга нисбати тафовути	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Жами кредитлар таркибида корпоратив кредитларнинг улуши	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Корпоратив кредитларнинг ўсиш суръати	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Жами кредитлар таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг улуши	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Жисмоний шахслар бўйича қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Уй-жой нархининг аҳоли ихтиёридаги даромадга нисбати	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Ипотека кредитларининг ўсиш суръати	Red	Red	Red	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Ипотека кредитлари қолдиги бўйича левераж	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Уй-жой нархларининг ўсиш суръати	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow
Ўзбекистон суверен еврооблигациялар G-спреди	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow



Эрта огоҳлантирувчи кўрсаткичлар харитаси 2025 йилда валюта хатарларига нисбатан банк тизими таъсирчанлигининг ортганлиги ҳамда кредит хатарларининг сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўсиш суръатининг секинлашишига қарамай, банк кредит портфели таркибида чакана кредитлар улуши ортиб бормоқда (1-илова).

Хорижий валютадаги банк тизими активлари ва мажбуриятларининг миқдори орасидаги фарқни кенгайтиши 2025 йил якуни бўйича соф очиқ валюта позициясининг ошишида намоён бўлди. Жумладан, узун валюта позициясининг кузатилиши банк тизимининг валюта курсига таъсирчанлигини оширди.

Миллий валютадаги кредитлар ва ғазначилик облигациялари фоиз ставкалари орасидаги фарқнинг кенгайтиши кредит таваккалчилиги мукофотининг (credit risk premium) ошаётганлигидан далолат беради. Хусусан, ғазначилик фоиз ставкаларига нисбатан кредитлар фоиз ставкасининг секинроқ пасайиши банкларнинг кредит хатарини юқорироқ баҳолаётганлигини кўрсатмоқда.

2025 йилда қарздорларга йўналтирилган макропруденциал сиёсат воситаларининг қатъийлаштирилиши жисмоний шахсларнинг банк ва банкдан ташқари жами мажбуриятларини инobatга олган ҳолдаги умумий қарз юки кўрсаткичидаги ижобий ўзгаришларда ўз аксини топди. Хусусан, аҳоли қарз юки ҳолатининг яхшиланиши банклардаги жисмоний шахслар кредит портфели бўйича йўқотишлар хавфини камайтирди.

Шу билан бирга, банк тизимининг мамлакат иқтисодиётидаги юқори салмоғи банкларда юзага келадиган хатарларнинг макроиктисодий оқибатларининг сезиларли бўлишидан далолат беради.

I. Макромолиявий шароитлар

2025 йил якунида глобал молиявий шароитлар енгиллашди. Савдо сиёсати бўйича юқори тарифлар ва ноаниқликларнинг салбий таъсири технология билан боғлиқ инвестицияларнинг ортиши ҳамда енгиллашган молиявий шароитлар орқали қопланди¹. Шунингдек, қулай молиялаштириш шароитлари ва валюта ўзгарувчанлигининг пасайиши бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатларга портфел инвестициялар оқимини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, миллий валютадаги қарз бозорларига барқарор капитал кириб келиши кузатилди².

Глобал ноаниқликлар биров пасайган. 2025 йилнинг I ярмида кузатилган савдо сиёсатига оид юқори хавотирларнинг иккинчи ярим йилликда нисбатан енгиллашганлиги савдо сиёсати ноаниқлик индексининг (Trade Policy Uncertainty (TPU) Index)³ пасайишида ўз ифодасини топди. Шунингдек, халқаро миқёсда иқтисодчиларнинг ноаниқликлар тўғрисидаги хавотирлари биров пасайган. Бунда, жаҳон ноаниқлик (World Uncertainty Index, WUI)⁴ индексининг 2025 йил якунида пасайиш фазасига ўтган. Иқтисодий сиёсат бўйича глобал ноаниқликларнинг қисқарганига қарамай, 2025 йилда жаҳонда геосиёсий ҳолат бўйича хавотирларнинг сақланиб турганлиги геосиёсий хатар (Geopolitical Risk (GPR) Index)⁵ индексидаги тебранишларда намоён бўлди.

¹ International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.

² International Monetary Fund. (2026, January). World Economic Outlook.

³ Matteo Iacoviello. (2026). Trade Policy Uncertainty (TPU) Index.

Индексда 7 та етакчи газеталар инobatга олинган: Boston Globe, Chicago Tribune, Guardian, Los Angeles Times, New York Times, Wall Street Journal, Washington Post.


⁴ World Uncertainty Index. (2026). World Uncertainty Index (WUI): Global.

⁵ Matteo Iacoviello. (2026). Geopolitical Risk (GPR) Index.


Индексда 10 та етакчи газеталар инobatга олинган: Chicago Tribune, Daily Telegraph, Financial Times, Globe and Mail, Guardian, Los Angeles Times, New York Times, USA Today, Wall Street Journal, Washington Post.

1-чизма. Глобал ноаниқликлар ва хатар индекслари


Жаҳон ноаниқлик индекси*




Жаҳон иқтисодий сиёсат ноаниқлик индекси**



Савдо сиёсати ноаниқлик индекси***



Геосиёсий хатар индекси****



Манбалар: Жаҳон ноаниқлик индекси, Жаҳон иқтисодий сиёсат ноаниқлик индекси ва Matteo Iacoviello.

Изоҳлар: Индексларнинг юқори қиймати ноаниқликлар ва хатарлар даражасининг юқорилигини, аксинча паст қиймати ноаниқликлар ва хатарлар даражасининг пастлигини англатади.

*Жаҳон ноаниқлик индекси 143 та мамлакатни қамраб олиб, Economist Intelligence Unit томонидан мамлакатлар бўйича чоп этиладиган ҳисоботларида қўлланилган “ноаниқлик” (ёки унинг вариантлари) сўзлари сонининг ушбу ҳисоботларнинг жами сўзларидаги улушини 1 млн мартага кўпайтирилган қиймати ва мамлакатлар ЯИМдан келиб чиққан ҳолда ўртача тортилган қийматини ҳисоблаш орқали аниқланади.

**Жаҳон иқтисодий сиёсат ноаниқлик индекси 18 та мамлакат бўйича ҳисобланган ушбу индекслар ва мамлакатлар ЯИМдан келиб чиққан ҳолда ўртача тортилган қийматини ҳисоблаш орқали аниқланади. Ҳар бир мамлакатда чоп этиладиган газеталардаги “иқтисодиёт”, “сиёсат” ва “ноаниқлик” сўзларига алоқадор жумлалар иштирок этган мақолаларни ушбу газеталарнинг жами мақолалардаги улуши топилади. Сўнгра, ушбу нисбатларнинг 1997–2015 йиллардаги ўртача қийматини 100 га тенглаштириш орқали нормаллаштирилган ҳолда ҳисобланади.

***Савдо сиёсати ноаниқлик индексини аниқлашда жами 7 та етакчи газеталардаги савдо сиёсатининг ноаниқлиги муҳокама қилинадиган мақолалар умумий сонининг жами мақолалар сонигаги улушлари ҳисобланади. Якуний индекс қийматини нормаллаштирилган ҳолда аниқлашда ҳар бир фоиз улуш 100 га тенглаштирилади.

****Геосиёсий хатар индексини аниқлашда жами 10 та энг етакчи газеталардаги, жумладан АҚШнинг 6 та, Бирлашган Қиролликнинг 3 та ва Канаданин 1 та чоп этиладиган газеталардаги хатарли геосиёсий воқеаларга оид мақолалар сонининг ушбу газеталардаги жами мақолалар сонигаги улушлари топилади. Ҳисобланган улушларнинг 1985–2019 йиллардаги ўртача қийматини 100 га тенглаш орқали якуний геосиёсий хатар индекси баҳоланади.

Жаҳон фонд бозорларида ижобий тенденция кузатилди. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ҳамда жаҳон Morgan Stanley Capital International (MSCI) индексларининг ҳар бири бўйича 2025 йилдаги ўртача кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 14 фоизга ошди. Жумладан, дунёдаги етакчи марказий банклар томонидан монетар сиёсатнинг энгиллаштирилиши билан боғлиқ кутилмалар туфайли шаклланган инвесторларнинг ижобий муносабати юқори акция нархларини вужудга келтирди⁶. Хусусан, 2025 йилда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар бўйича MSCI индексининг ўртача кўрсаткичи мос равишда 4 010 ва 1 225 АҚШ долларларида шаклланган, жаҳон бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 915 АҚШ долларини ташкил этди⁷. Шунингдек, MSCI индексининг ортиши халқаро молия бозорларида инвесторларнинг ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар корхоналари бўйича хатар кутилмаларининг яхшиланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон молиявий шароитларида энгиллашиш кузатилди. 2025 йил якунига келиб, ташқи молиявий секторда кузатилган барқарор вазият, шунингдек банк сектори, валюта бозори ҳамда макроиқтисодий ҳолатдаги ижобий ўзгаришлар мамлакат молиявий шароитларининг энгиллашишида ўз аксини топди. Хусусан, халқаро молия бозорларида инвесторлар кутилмаларини ифодалайдиган Чикаго опционлар биржасининг ўзгарувчанлик индекси (VIX)⁸ 2025 йил якунида ойлик ўртача 16 кўрсаткичда шаклланди ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоизга камайди⁹. Шунингдек, 2025 йилда хорижий валютадаги Ўзбекистон суверен еврооблигацияларига нисбатан инвесторлар томонидан баҳоланган хатар даражасини ўзида акс эттирувчи даромадлилик кўрсаткичи бенчмарк облигацияларга нисбатан пасайди.


⁶ International Monetary Fund. (2026, January). World Economic Outlook.

⁷ Morgan Stanley Capital International. (2026). Real Time Index Data Search.


⁸ VIX индекси – CBOE (Chicago Board Options Exchange) ўзгарувчанлик индекси бўлиб, фонд бозоридаги стресс даражасини ифодалайди. VIX индексининг қанчалик юқори бўлиши бозордаги стресс ва ноаниқликлар даражасининг шунчалик юқори эканлигидан далолат беради.

⁹ Federal Reserve Bank of St. Louis. (2026). CBOE Volatility Index: VIX.

2-чизма. MSCI индекслари*, АҚШ доллари



3-чизма. Чикаго опционлар биржасининг ўзгарувчанлик индекси (VIX)**



Манбалар: Morgan Stanley Capital International ва Federal Reserve Bank of St. Louis.

Изоҳлар: *MSCI индекслари 23 та ривожланган ва 24 та бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлардаги йирик корхоналарнинг акциялари нархларини қамраб олган жаҳон фонд бозоридаги вазиятни акс эттирувчи индекслар ҳисобланади. Ушбу индекслар қийматининг ортиши жаҳон қимматли қоғозлар бозорида акциялар нархида ижобий ўзгариш кузатилганлигини англатади.

**Чикаго опционлар биржасининг ўзгарувчанлик индексининг (VIX) юқори бўлиши бозордаги стресс ва ноаниқликлар даражасининг баланд эканлигидан, аксинча паст бўлиши стресс ва ноаниқликларнинг камайганидан далолат беради.


Ички валюта бозорида босимнинг пасайиши мамлакат молиявий шароитлари енгиллашида намоён бўлди. 2025 йил якуни бўйича АҚШ долларига нисбатан миллий валюта алмашинув курси 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 6,9 фоизга мустаҳкамланди¹⁰. Ўзбекистоннинг халқаро расмий захира активлари 66,3 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Хусусан, мамлакатнинг халқаро расмий захира активлари 2025 йил давомида 61 фоизга, олтинни инобатга олмаганда 23 фоизга кўпайган¹¹. Шунингдек, 2025 йил давомида тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга сотилган чет эл валютасига қараганда 9,7 млрд АҚШ доллари миқдорида кўпроқ чет эл валютаси сотиб олинган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилга қараганда 44 фоизга ошган¹².

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Валюталар курслари архиви.


¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари.

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

3-чизма. Ўзбекистон молиявий шароитлар индекси*



4-чизма. 2026 йилда реал ЯИМ ўсиш суръати бўйича GaR модели натижалари



Манбалар: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Молиявий шароитлар индексининг¹³ мусбат қийматлари молиявий шароитларнинг қатъийлашишини, манфий қийматлари молиявий шароитларнинг енгиллашини англатади.

**Эҳтимоллик зичлик функцияси тасодифий миқдорнинг маълум оралиқдаги эҳтимоллик зичлигини¹⁴ ифодалайди.

***Кумулятив тақсимот функцияси тасодифий миқдорнинг маълум бир қийматни қабул қилиш эҳтимоллик даражасини¹⁵ ифодалайди ва эҳтимоллик зичлик функциясидан интеграл олиш орқали аниқланади.

¹³ Ўзбекистон молиявий шароитлар индексини ҳисоблаш методологияси Марказий банк тадқиқотларида келтирилган.

¹⁴ Эҳтимоллик зичлиги – белгиланган оралиқ бирлигига тўғри келадиган тасодифий миқдорнинг содир бўлиш эҳтимоллиги. Эҳтимоллик зичлиги 0 дан кичик бўлмаган қийматларга эга бўлади.

¹⁵ Эҳтимоллик даражаси – содир бўлиш имконининг миқдорий кўрсаткичи. Эҳтимоллик даражаси 0 ва 1 оралиғида шаклланади.

Ўзбекистоннинг келгуси даврлардаги иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатарлар кўлами қисқарди. 2025 йил якуни бўйича хатарлар шароитидаги иқтисодий ўсиш (Growth at Risk, GaR)¹⁶ модели натижасига кўра, 5 фоиз эҳтимоллик билан хатарлар шароитида мамлакат реал ЯИМ ўсиш суръати кейинги бир йилда 6,9 фоизда шаклланиши мумкин. 2025 йил мамлакатда хатарлар кўламининг қисқарганлиги ҳамда молиявий шароитларнинг енгиллашганлиги ҳисобига мазкур кўрсаткич 2024 йил якунида баҳоланган даражасига нисбатан 1 фоиз бандга юқори бўлди.

Якуний истеъмол харажатлари ҳисобига ички талабнинг ортиши мамлакат иқтисодий ўсишига ҳисса қўшмоқда. 2025 йилда Ўзбекистон ЯИМнинг йиллик реал ўсиш суръати 7,7 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 1 фоиз бандга ортди¹⁷. Хусусан, 2025 йилда соф экспорт манфий сальдоси кенгайишининг реал ЯИМ ўсишига салбий таъсири мамлакатда ички талабнинг ортиши ҳисобига қопланди. 2025 йилда ички талабнинг реал ЯИМ ўсиш суръатига таъсири ижобий 5,3 фоиз бандни, соф экспорт манфий сальдоси салбий 2,2 фоиз бандни ташкил этди. Ички талабнинг юқори шаклланишида уй хўжаликлари якуний истеъмол харажатларининг доимий нархларда йиллик 9,5 фоизга¹⁸ ўсиши асосий омил бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари асосий савдо ҳамкор давлатларга нисбатан юқорироқ бўлиши кутилмоқда. ХВЖнинг прогнозларига кўра, Ўзбекистонда реал ЯИМ йиллик ўсиш суръати 2026 йил ва 2027 йилда мос равишда 6,5 ва 5,9 фоизларни¹⁹, Жаҳон банки прогнози бўйича 6,4 ва 6,7 фоизларни²⁰ ташкил этмоқда. Шунингдек, ХВЖ маълумотлари асосида ҳисобланган Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари бўйича ўртача иқтисодий ўсиш суръатлари 2026 йилда 3,8 фоиз, 2027 йилда 3,5 фоиз даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда.

¹⁶ Хатарлар шароитидаги иқтисодий ўсиш (Growth at Risk) модели методологияси 2024 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.


¹⁷ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари (якуний истеъмол усулида, чораклик).

¹⁸ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Якуний истеъмол харажатларининг ўсиш суръатлари (чораклик).


¹⁹ International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.

²⁰ World Bank. (2026, April). Industrial Policy. Europe and Central Asia Economic Update.


5-чизма. ЯИМ йиллик ўсишининг декомпозицияси*, фоиз банд




6-чизма. Ўзбекистон ва асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодиётининг²¹ реал ўсиш суръатлари, %**



7-чизма. Жорий операциялар ҳисоби баланси, млрд АҚШ доллари



8-чизма. Жорий операциялар ҳисоби баланси манфий сальдосининг ЯИМга нисбати, %




Манбалар: Миллий статистика қўмитаси, ХВЖ ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Ички талаб якуний истеъмол харажатлари ва ялпи жамғаришлар йиғиндисидан иборат. ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблашда юзага келган статистик тафовут чизмада акс эттирилмаган.


**Чизмадаги тўртбурчак шакл Ўзбекистон ва маълумотлари қўлланилган савдо-ҳамкор давлатлар учун ЯИМнинг ўртача тортилган ўсиш суръатлари орасидаги фарқни кўрсатади. Ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, тўртбурчак шакли ҳам шунчалик узун бўлади. Агарда Ўзбекистон ЯИМининг ўсиш даражаси ўртача тортилган ўсиш суръатидан ортиқ бўлса, тўртбурчакнинг ички қисми тўлиқ бўялган рангда ва аксинча кичик бўлса, оқ рангда бўлади. Вертикал қора чизиқнинг энг юқори нуқтаси маълум бир йил учун мазкур давлатлар орасида максимум ўсиш кўрсаткичини, унинг қуйи нуқтаси эса минимум ўсиш суръатига эга бўлган давлатнинг кўрсаткичини билдиради.

²¹ Жанубий Корея, Россия, Туркия, Хитой ва Қозоғистон давлатлари ҳисобга олинган.

9-чизма. Ўзбекистон тижорат банкларининг соф ташқи активлари таркиби, трлн сўм



10-чизма. Ўзбекистон банкларининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг ЯИМга нисбати, %



Манба: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Жорий операциялар ҳисоби баланси манфий сальдосининг ЯИМга нисбати қисқармоқда. 2025 йилда ЯИМга нисбатан жорий операциялар ҳисоби баланси манфий сальдоси 3,9 фоизни, 2024 йилда 4,7 фоизни ташкил этган²². Хусусан, 2025 йилдаги 19,9 млрд АҚШ доллари миқдоридagi савдо баланси тақчиллиги бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг 14,1 млрд АҚШ долларлик ижобий сальдоси²³ ҳисобига қисман қопланди. Шунингдек, ХВЖ томонидан Ўзбекистоннинг жорий операциялар ҳисоби баланси манфий сальдосининг ЯИМга нисбати 2026 ва 2027 йилларда мос равишда 1,3 ва 3,4 фоизларда бўлиши²⁴ прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон банк тизимининг глобал макромолиявий шароитларга таъсирчанлиги сақланиб қолмоқда. 2025 йилда тижорат банкларининг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари²⁵ 11 фоизга, норезидентларга бўлган талаблар²⁶ 29 фоизга ўсди. Тижорат банкларининг соф ташқи активлари

²² International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.

²³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси (стандарт кўриниши).

²⁴ International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.

²⁵ Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – тижорат банклари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзларни ифодалайди.

²⁶ Норезидентларга бўлган талаблар – тижорат банклари кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек норезидентларга ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловлари акс эттирилади.

бўйича манфий сальдоси 2025 йил якунида 178,3 трлн сўмни ташкил этиб, йиллик ҳисобда 6 фоизга ортган²⁷. Ўз навбатида, банк тизими бўйича норезидентлар олдидаги мажбуриятлар номинал ЯИМга нисбатан секинроқ ўсди. Жумладан, тижорат банкларининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг ЯИМдаги улуши 2025 йил якунида 13 фоизни ташкил этди ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1 фоиз бандга камайди. Банк тизимининг ташқи хатарларга сезгирлиги ошган бўлса-да, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва юқори ўсиши банкларнинг глобал интеграциялашуви билан боғлиқ хавотирларни камайтирмоқда.


²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

1-хавола. Яқин Шарқ минтақасидаги ҳолатнинг молиявий барқарорликка таъсири

Яқин Шарқдаги геосиёсий ўзгаришлар энергия нархларининг ортиши, глобал молиявий шароитларнинг қатъийлашиши ва ташқи савдонинг мураккаблашуви орқали Ўзбекистон молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиш хавфи сақланиб қолмоқда.

Хусусан, энергия нархларининг ортиши глобал инфляциянинг юқорилашига ва юқори фоиз ставка муҳитининг юзага келишига олиб келиши мумкин. Глобал молиявий шароитларнинг қатъийлашиши дунёнинг етакчи марказий банклари томонидан асосий фоиз ставкаларнинг оширилиши ва суверен халқаро облигацияларга талабнинг пасайиши орқали Ўзбекистоннинг ташқи молиялаштириш харажатларини оширади. Бундан ташқари, ташқи савдо билан боғлиқ ўзгаришлар импорт маҳсулотлари нархининг ортиши ва экспорт товарлари рақобатбардошлигининг пасайиши ҳисобига Ўзбекистон савдо баланси манфий сальдосининг кенгайишига сабаб бўлиши мумкин.

11-чизма. Яқин Шарқдаги геосиёсий ўзгаришларнинг трансмиссион каналлар орқали Ўзбекистон молиявий барқарорлигига таъсири



Манба: Марказий банк.

2026 йил бошида глобал энергия нархларининг сезиларли даражада ўсиши кузатилди. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, 2026 йилда глобал миқёсда нефт нархи 22 фоизга, табиий газ нархи 17 фоизга ошиши прогноз қилинган²⁸. Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий кескинликлар таъсирида нефт таъминотидаги узилишлар ва савдо йўлларидаги чекловлар глобал энергия нархларининг кескин ошишига сабаб бўлди. Жумладан, Яқин Шарқдаги беқарорлик фонида глобал миқёсда ўртача нефть ва табиий газ нархлари 2026 йил март ойида февраль ойига нисбатан мос равишда 41 ва 24 фоизга ўсди²⁹. Глобал энергия нархларининг кескин ортиши транспорт ва ишлаб чиқариш харажатларини оширади, бу эса глобал инфляция босимини кучайтиради.

Геосиёсий нобарқарорлик таъсирида энергия нархларининг ортиши глобал инфляция кутилмаларини оширди. Жумладан, Яқин Шарқдаги геосиёсий кескинликлар таъсирида ХВЖ глобал инфляция прогнозларини оширди. 2025 йил октябрь ойидаги прогнозларда 2026 йилдаги ўртача глобал инфляция даражаси 3,7 фоизни ташкил этиши³⁰ белгиланган эди. 2026 йил апрель ойида глобал инфляция кутилмалари қайта кўриб чиқилди ҳамда 4,4 фоизгача оширилди³¹. Инфляцион кутилмаларнинг юқори баҳоланиши халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларнинг ортишида ўз ифодасини топмоқда.

Глобал инфляцион босим юқори фоиз ставка муҳитини юзага келтириши мумкин. Жумладан, глобал миқёсда асосий ставкалар бўйича кутилмалар йўналиши юқорига кўтарилди, хусусан баъзи мамлакатларда асосий ставкалар кутилмаси пасайишдан ортиш динамикасига ўзгарди. Бу эса, нархлар ўсишини мўътадиллаштириш учун марказий банклар томонидан сиёсатнинг қатъийлаштирилиши инвесторлар кутилмаларида акс этмоқда³². Хусусан, Европа Марказий банки томонидан евро ҳудуд учун асосий фоиз ставка 2026 йилда 2 фоиздан 2,5 фоизгача оширилиши кутилмоқда³³.

Юқори фоиз ставка муҳитининг юзага келиши ташқи молиялаштириш харажатларини оширади. Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий кескинликларнинг содир бўлиши инвесторларнинг хатар кутилмалари ортиши сабабли молия бозорларида фоиз ставкаларнинг кўтарилишига таъсир кўрсатди. Жумладан, 6 ойлик EURIBOR фоиз ставкаси 2026 йил апрель ойида ўртача 2,5 фоизгача³⁴, 12 ойлик EURIBOR фоиз ставкаси 2026 йил бошига нисбатан 0,5 фоиз бандга ортиб, 2,7 фоизгача кўтарилди³⁵. Халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларнинг ортиши молия тизими иштирокчилари, хусусан тижорат банклари учун ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларини ошириши мумкин.

²⁸ International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.

²⁹ World bank. (2026). World Bank Commodities Price Data (The Pink Sheet).

³⁰ International Monetary Fund. (2025, October). World Economic Outlook.

³¹ International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.


³² International Monetary Fund. (2026, April). Global Financial Stability Report.

³³ International Monetary Fund. (2026, April). World Economic Outlook.


³⁴ European Central Bank. (2026). Euribor 6-month - Historical close, average of observations through period, Euro area, Monthly.

³⁵ European Central Bank. (2026). Euribor 1-year - Historical close, average of observations through period, Euro area, Monthly.


12-чизма. Глобал энергия нархларининг йиллик ўсиш прогнози*, %




13-чизма. Глобал инфляция прогнози**, %



14-чизма. Узок муддатли EURIBOR*** фоиз ставкаси динамикаси, %



15-чизма. Хорижий валютада жойлаштирилган Ўзбекистон суверен еврооблигациялари жорий нархи****, %



Манбалар: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ХВЖ ва Европа марказий банки.

Изоҳлар: Глобал нефт нархини ҳисоблашда Brent, Дубай ва West Texas Intermediate маркали нефт нархлари инобатга олинган. Шунингдек, табиий газ нархи Европа, Япония ва АҚШ табиий газ нархларини ўз ичига олади.


**Глобал инфляция даражаси ҳар бир мамлакат бўйича инфляция кўрсаткичи ҳамда харид қобилияти паритетига асосланган ЯИМ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача тортилган қийматини ҳисоблаш орқали аниқланади. Глобал инфляция даражаси сифатида ўртача истеъмол нархлари ўзгариши инобатга олинган.

***Euro Interbank Offered Rate (EURIBOR) – Европа тижорат банкларининг бир-бирига кредит ажратишидаги ўртача фоиз ставкасини ифодалайди. Хусусан, ушбу фоиз ставкалар халқаро пул бозорларида кредитлар ажратишда бенчмарк фоиз ставкаси сифатида фойдаланилади.


****Ўзбекистон суверен еврооблигациялари жорий нархи облигацияларнинг ўз номинал қийматига нисбатан ўзгаришини ифодалайди.

Молиявий бекарорлик шароитида инвесторлар ўз маблағларини хавфсиз активларга йўналтиришга мойиллиги кучаяди. Жумладан, глобал ноаниқликлар ривожланаётган мамлакатларнинг суверен қарз инструментларига бўлган талабни камайтириб, ушбу қимматли қоғозлар бозор нархининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, 2026 йил март ойида Ўзбекистон суверен еврооблигациялари бозор нархида пасайиш кузатилиб, нисбатан пастроқ фоиз ставкада чиқарилган облигациялар бозор нархи номинал қийматидан пастда шаклланди. Глобал ноаниқликларнинг давом этиши давлат қимматли қоғозларини халқаро молия бозорларига қўшимча жойлаштиришда юқори фоиз ставканинг юзага келишига ва натижада қарзга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларнинг ортишига сабаб бўлиши мумкин.

16-чизма. Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари* билан ташқи савдо айланмаси



17-чизма. Ўзбекистоннинг Эрондан ўтувчи темир йўл савдо коридори орқали мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси**



■ Ташқи савдо айланмаси, млрд АҚШ доллари
 — Жами ташқи савдо айланмасидаги улуши, % (ўнг шкала)

Манба: Миллий статистика қўмитаси.

Изоҳлар: *Жаҳон банкининг Яқин Шарқ мамлакатлари гуруҳи бўйича Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ, Исроил, Иордания, Ливан, Миср, Саудия Арабистони, Сурия Араб Республикаси, Уммон, Фаластин, Эрон, Яман, Қувайт ва Қатар давлатлари инобатга олинган.

**Ўзбекистон Эрон орқали ўтувчи темир йўл савдо коридоридан фойдаланган ҳолда Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Индонезия, Покистон, Малайзия, Уммон ва Ҳиндистон мамлакатлари билан ташқи савдони амалга оширади.

Ўзбекистон ташқи савдосида Яқин шарқ минтақасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, 2025 йилда Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2024 йилга нисбатан 52 фоизга ошиб, 2,2 млрд АҚШ долларига³⁶ етди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Форс кўрфази мамлакатлари³⁷, шунингдек Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ҳамда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари³⁸ билан ташқи савдо муносабатлари Эрон орқали ўтувчи халқаро транспорт коридорига таянади³⁹. Хусусан, Ўзбекистоннинг Эрон орқали ўтувчи транспорт коридоридан фойдаланган ҳолда мамлакатлар билан амалга оширилаётган ташқи савдо айланмаси 2025 йилда 3,8 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, мамлакат жами ташқи савдо айланмасининг қарийб 5 фоизига тўғри келган.

Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий кескинликлар Ўзбекистоннинг ташқи савдо баланси манфий сальдосини кенгайтишга сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, минтақадаги геосиёсий вазият оқибатида халқаро савдо транзит йўлларида чекловларнинг вужудга келиши, суғурта ва логистика харажатларининг ошиши ҳамда етказиб бериш муддатларининг узайиши ташқи савдо самарадорлигини пасайтириши мумкин. Ушбу шароитда, импорт маҳсулотлари нархининг ортиши ва экспорт рақобатбардошлигининг пасайиши натижасида мамлакатда ташқи савдо манфий сальдосининг кенгайтиши кутилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда хорижий валюта таклифини қисқартириб, миллий валюта курсига босимни юзага келтириши мумкин.

Яқин Шарқ минтақасидаги вазиятнинг кескинлашуви банк тизими тўлов қобилияти ва ликвидлигини макро стресс-тест орқали баҳолаш учун ишлаб чиқилган хатарли сценарийда инобатга олинган. Жумладан, хатарли сценарий бўйича реал ЯИМ ўсишини GaR модели орқали баҳолашда ташқи геосиёсий ноаниқликлар таъсирида юқори хомашё нархлари ва таъминот занжиридаги узилишлар натижасида ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши, мамлакатда яратиладиган таклиф ҳажмининг қисқариши каби омиллар ҳисобга олинган. Шунингдек, хатарли сценарийни ишлаб чиқишда иқтисодий ўсишнинг пасайиши ҳамда глобал инфляцион босим таъсирида юқори фоиз ставка муҳитининг юзага келиши натижасида кредит хатарининг ортиши инобатга олинган. Бундан ташқари, ташқи молиялаштириш харажатларининг юқорилаши таъсирида банкларнинг хорижий валютадаги соф фоизли даромадида юзага келиши мумкин бўлган салбий ўзгаришлар хатарли сценарийда баҳоланган (V Боб).

³⁶ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ташқи савдо айланмаси ўсиш суръати (мамлакатлар кесимида, ойлик).

³⁷ Форс кўрфази мамлакатларидан Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон билан Ўзбекистон ташқи савдоси амалга оширилади.

³⁸ Жануби-Шарқий Осиё давлатлари сифатида Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Вьетнам инобатга олинган.

³⁹ Транспорт вазирлиги. (2019). Ўзбекистон Республикасининг халқаро транспорт йўлаклари.


II. Молиявий сектор

2.1. Банк сектори

Ўзбекистон банк сектори молиявий барқарор ва хатарларга бардошли шаклланмоқда. 2025 йилда банклар фаолиятида юзага келган юқори даромадлилик, депозитлар портфелининг кенгайиши ҳамда кредит йўқотишлари эҳтимолининг пасайиши натижасида банк тизимида тўлов қобилияти янада мустаҳкамланди. Шу билан бирга, банк активлари таркибида юқори ликвидли активлар миқдорининг ортиши, депозит портфелида талаб қилиб олингунча депозитлар улушининг қисқариши банк тизими ликвидлигининг янада яхшиланишига хизмат қилди.

Банк тизими молиявий стресс ҳолати ўзининг тарихий энг пастки қиймати гача тушди. 2025 йил якуни бўйича ички валюта бозори ҳамда банк секторида кузатилган ижобий ўзгаришлар, шунингдек пул бозоридаги ҳолатнинг барқарор сақланиб қолганлиги молиявий стресс индексининг⁴⁰ ўртача ва бир стандарт четланишидан паст шаклланишида ўз ифодасини топди.

18-чизма. Ўзбекистон молиявий стресс индекси




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Молиявий стресс индексининг 1 га яқин бўлиши стресс даражасининг юқорилигини, 0 га яқин бўлиши стресс даражасининг пастлигини кўрсатади.


⁴⁰ Ўзбекистон молиявий стресс индексини ҳисоблаш методологияси Марказий банк тадқиқотларида келтирилган.

Банкларда ликвидликнинг мустаҳкамланиши ҳамда даромадлиликнинг ортиши молиявий стресс индексининг пасайишига хизмат қилди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк тизими бўйича сўндириш муддати бир йилдан юқори депозитлар қолдиғи 156,7 трлн сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 31 фоизга ўсди⁴¹. Узоқроқ муддатли депозитлар ҳажмининг ортиши, шунингдек банк тизими бўйича жами депозит қолдиғининг узоқ муддатли трендига нисбатан юқори шаклланиши банклар ликвидлиги ҳолатининг мустаҳкамланишида ўз ифодасини топди.

19-чизма. Банклар қирқимида ΔCoVaR



20-чизма. Банк тизими учун ΔCoVaR



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: ΔCoVaR ⁴² кўрсаткичининг ўсиши банк тизимида тизимли хатарлар ошаётганлигини, пасайиши эса камаяётганлигини англатади.

Банк тизими учун ΔCoVaR кўрсаткичи экспоненциал ҳаракатланувчи ўртачаси орқали кўрсатилган⁴³.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Банк тизими фаолияти кўрсаткичлари.

⁴² Банклар қирқимида ΔCoVaR кўрсаткичини ҳисоблашда кузатувлар даврида маълумотларнинг узоқ вақт қатори мавжудлиги, шунингдек маълум бир банкнинг банк тизими умумий ҳолатидан кескин фарқ қилмаслигидан келиб чиққан ҳолда 33 та банк инобатга олинган. Банк тизими учун ΔCoVaR кўрсаткичи ҳар бир банк бўйича ΔCoVaR кўрсаткичи ҳамда банк капиталининг банк тизими жами капиталдаги улушларининг ўзаро кўпайтмалари йиғиндисини абсолют қийматлари орқали ҳисобланган.

Экспоненциал ҳаракатланувчи ўртача тасодифий ва қисқа муддатли тебранишларни камайтириш орқали кўрсаткич қийматини текислаш усули ҳисобланади. Экспоненциал ҳаракатланувчи ўртача оддий ҳаракатланувчи ўртачадан фарқли равишда, кўрсаткичининг сўнгги қийматларига юқориқозон бериши натижасида кўрсаткич қийматидаги жорий ўзгаришлар аниқроқ ифодаланади.

⁴³ Экспоненциал ҳаракатланувчи ўртача методологияси 2024 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

Молиявий стресснинг банк тизимига тарқалиши билан боғлиқ хавф даражаси камайган. 2025 йилда банклар даромадининг ортиши, ликвидлилик ва тўлов қобилиятининг яхшиланиши банк тизими учун хатар остидаги йўқотишнинг шартли қиймати (Delta Conditional Value-at-Risk, ΔCoVaR)⁴⁴ кўрсаткичининг пасайишида ўз ифодасини топди. Шунингдек, банклар қирқимидаги ΔCoVaR кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ушбу ижобий тенденция молиявий стресснинг банк тизимига тарқалиш хатари камайганлигидан далолат бермоқда.

Тизимли аҳамиятга молик банкларнинг дефолт эҳтимоли пасайган. Тизимли шартли талаблар таҳлили (Systemic Contingent Claims Analysis, Systemic CCA)⁴⁵ банкларда дефолтгача бўлган масофа⁴⁶ 2025 йилда кенгайганлигини кўрсатди. Танлаб олинган тизимли аҳамиятга молик банклар⁴⁷ капитали бозор қийматининг ўсиши, хатарсиз фоиз ставканинг пасайиши дефолтгача бўлган масофанинг мусбат даражада сақланиб қолишида ўз ифодасини топди. Таҳлил қилинган банкларда дефолтгача бўлган масофанинг ортиши натижасида модел асосида баҳоланган дефолт эҳтимолининг оддий арифметик ўртача қиймати 2025 йил давомида 4 фоиз бандга пасайиб, 46 фоизда шаклланди.

Банкларда юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар таъсиридаги тарқалиш хатари кўлами пасайган. 2025 йилда таҳлил қилинган тизимли аҳамиятга молик банклар активлари бўйича кутилаётган йўқотишлари умумий миқдори 29 фоизга камайди. Ўз навбатида, банк тизими активлари бўйича 5 фоиз эҳтимоликда юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг банк тизими активларидаги улуши 2025 йилда 4 фоиз бандга пасайиб, йил якунида 12 фоизни ташкил этди. Бунинг натижасида, содир бўлиши мумкин бўлган тарқалиш хатари бўйича баҳоланган жами эҳтимолий йўқотишлар миқдори қисқарди.


⁴⁴ Динамик ΔCoVaR ни ҳисоблаш методологияси Марказий банк тадқиқотларида келтирилган.

⁴⁵ Тизимли шартли талаблар таҳлили методологияси бўйича батафсил маълумот 2025 йил I ярим йиллиги учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.


⁴⁶ Дефолтгача бўлган масофа баҳоланган активлар қийматининг белгиланган хатар чегарасидан узоқда бўлган стандарт оғишлар сонини ифодаловчи ўлчов ҳисобланади.

⁴⁷ Тизимли шартли хатарлар таҳлили ёндашувида банкларнинг акциялари фонд биржасидан рўйхатдан ўтганлиги, акциялар нархининг ўзгарувчанлиги ҳамда вақт каторлари бўйича маълумотларнинг етарлилиги асосида тизимли аҳамиятга молик банклар танлаб олинган.


21-чизма. Дефолтгача масофа⁴⁸, стандарт оғишлар сони




22-чизма. Дефолт эҳтимоли, %⁴⁹



23-чизма. Тизимли аҳамиятга молик банклар активларининг эҳтимолий йўқотишлари, натурал логарифм⁵⁰



24-чизма. Банк тизими активларининг энг хатарли⁵¹ ҳолатидаги йўқотишларнинг активларга нисбати, %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Дефолтгача бўлган масофанинг 0 га тенг бўлиши дефолт эҳтимолининг 50 фоизга тенглигини, мусбат қиймати дефолт эҳтимолининг 50 фоиздан кам эканлигини, аксинча манфий қиймати дефолт эҳтимолининг 50 фоиздан юқори эканлигини англатади.

⁴⁸ Дефолтгача бўлган масофа умумлаштирилган дефолт эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда тескари стандарт нормал тақсимот ёрдамида аниқланади:

$$\Phi(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^x e^{-\frac{t^2}{2}} dt$$

$$y = \Phi^{-1}(1 - x)$$

Бунда,

$\Phi(x)$ – стандарт нормал тақсимотнинг кумулятив тақсимот функцияси;

y – умумий дефолтгача бўлган масофа;

x – умумий дефолт эҳтимоли.

⁴⁹ Банкларнинг дефолт эҳтимоли арифметик ўртача қийматидан фойдаланиб умумлаштирилган.

⁵⁰ Банк активларининг эҳтимолий йўқотишларини умумлаштириш мақсадида ҳар бир тижорат банкларининг эҳтимолий йўқотишлари йиғиндиси сўм бирлигидан натурал логарифм кўринишида стандартлаштирилган.

⁵¹ Банк тизими активлари бўйича энг хатарли ҳолатидаги йўқотишлари (Expected shortfall) тизимли аҳамиятга молик банкларнинг эҳтимолий йўқотишлари ҳажми ҳамда банкларнинг ўзаро боғлиқлиги орқали аниқланади ва активлардаги йўқотишларнинг $\text{VaR}(\alpha)=0,95$ даражасидан ошадиган молиявий зарарларни эҳтимолий қийматини ифодалайди.

Кредит бозори ҳолати яхшиланган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 28 фоизни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос ҳолатига нисбатан деярли ўзгаришсиз шаклланди. Шунингдек, 2025 йилда фоизли харажатларни қоплаш коэффициенти⁵² 20 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 8 фоиз бандга ошди. Бунда, 2025 йилда фоизли харажатларнинг 2024 йилга нисбатан 15 фоизга ортишига қарамай, солиқ тўлагунга қадар соф фойданинг 1,9 мартага кўпайганлиги⁵³ ҳисобига фоизли харажатларнинг қопланиш даражаси мустаҳкамланди.

Қарзга хизмат кўрсатувчи даромадларнинг ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Аҳоли депозитлари чакана кредит портфелига нисбатан тезроқ суръатларда ўсмоқда. 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахсларнинг депозит қолдиғи 169,1 трлн сўмни ташкил этиб, йиллик ҳисобда 30 фоизга ошди. Жисмоний шахсларга ажратилган банк кредитлари қолдиғи 24 фоизга кўпайиб, 220,3 трлн сўмга етди⁵⁴. Шунингдек, 2025 йилда аҳоли даромадини ортиши ҳисобига жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг аҳоли ихтиёридаги даромадига нисбати 17 фоизга камайди.

Банк тизими молиявий барқарорлик ҳолати мустаҳкамланди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, субстандарт ва муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 15 фоизни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос ҳолатига нисбатан 6 фоиз бандга камайган. Шунингдек, банк тизими активлар рентабеллиги 2025 йил давомида 1,4 фоиздан 2,2 фоизгача ошди⁵⁵. Банкларнинг ликвидлилик ва капитал монандлик кўрсаткичлари яхшиланди.


⁵² Фоизли харажатларни қоплаш коэффициенти солиқ тўлагунга қадар соф фойдани фоизли харажатлар миқдорида бўлиш орқали аниқланади.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.


⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

25-чизма. Кредит бозори ҳолати




26-чизма. Молиявий барқарорлик ҳолати




Манбалар: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Кўрсаткичларнинг 0 га яқин жойлашиши ҳолатнинг яхшиланганлигини, аксинча 1 га яқин жойлашиши ёмонлашганини ифодалайди.

27-чизма. I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти, %




28-чизма. Капитал монандлик коэффиценти, %




- Интерквартил оралик
- Банк тизими
- Медиана
- Тизимли аҳамиятга молик банклар

29-чизма. Капитал монандлик коэффицентлари ўзгаришининг тақсимланиши, %

I даражали асосий капитал



Жами регулятив капитал



Манба: Марказий банк.

Банклар етарлича капитал буфер билан таъминланган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк тизими бўйича жами регулятив капитал монандлик коэффиценти 18,3 фоизни ташкил этиб, 2025 йилда 0,9 фоиз бандга ортди. Бунда, капитал миқдорининг ортиши 3,1 фоиз бандлик, таваккалчиликка тортилган активлар зичлигидаги ўзгариш 0,9 фоиз бандлик ижобий таъсир кўрсатган. Тизимли аҳамиятга молик банклар бўйича жами регулятив капитал монандлик коэффиценти 17,9 фоизда шаклланди. Шунингдек, капитал етарлилик кўрсаткичлари бўйича интерквartil ораликлари⁵⁶ қисқариб, банк тизими ва тизимли аҳамиятга молик банклар кўрсаткичлари медиана қийматига нисбатан бироз пастроқда жойлашди. Хусусан, банк тизими бўйича I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти 14,7 фоизни, тизимли аҳамиятга молик банклар бўйича 14,8 фоизни ташкил этди. 2026 йил 1 январдан эътиборан тизимли аҳамиятга молик банклар учун 1 фоиз миқдорида кўшимча капитал буферининг жорий этилиши⁵⁷ ушбу банкларнинг тўлов қобилиятини янада оширишга хизмат қилади.

Банк тизими активлари таркибида инвестиция ва қимматли қоғозлар улуши ортган. 2026 йил 1 январь ҳолати бўйича банк тизими жами активлари миқдори йиллик ҳисобда 20 фоизга ортиб, 924,8 трлн сўмга етди. Банк активлари таркибида 63 фоизи кредитлар, 11 фоизи инвестиция ва қимматли қоғозлар ҳиссасига тўғри келди. Активлар таркибида кредитларнинг улуши юқори даражада сақланиб қолганига қарамай, банкларнинг инвестицион портфели ортиб бормоқда. Жумладан, 2025 йилда банк тизими активлари таркибидаги инвестиция ва қимматли қоғозларнинг соф миқдори 73 фоизга ортиб, 103 трлн сўмни ташкил этди.


Банк тизими молиялаштириш манбалари таркибида депозитлар кўлами тобора ортиб бормоқда. 2025 йил якуни бўйича банк тизими молиялаштириш манбаларининг 45 фоизи депозитлар, 27 фоизи кредитлар ҳамда 15 фоизи капитал ҳиссасига тўғри келди. Банк мажбуриятлари ва капитали таркибида кредитларнинг улуши 4 фоиз бандга қисқарган бўлса, депозитларнинг улуши 5 фоиз бандга ортган. Бунда, 2026 йил 1 январь ҳолатига депозитларнинг қолдиғи 417,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос ҳолатига нисбатан 35 фоизга ошган⁵⁸.

⁵⁶ Интерквartil оралик – бу 25 ва 75 квантил чегаралари орасидаги оралик.


⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 2 октябрдаги “Банклар капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 21/6–сонли қарори.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.


30-чизма. Банк активларининг декомпозицияси, %




31-чизма. Банк манбаларининг декомпозицияси, %



32-чизма. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (NSFR), %




33-чизма. Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR), %




Манба: Марказий банк.

Банк тизимида ликвидлик ҳолати барқарор шаклланмоқда. 2025 йил якунида банк тизими бўйича ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR)⁵⁹ 208 фоизни, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (NSFR)⁶⁰ 120 фоизни ташкил этиб, йиллик ҳисобда мос равишда 14 ва 5 фоиз бандга ортди. Шунингдек, тизимли аҳамиятга молик банкларнинг LCR ва NSFR кўрсаткичлари банк тизими медиана қийматидан пастда шаклланиб, мос равишда 182 ва 120 фоизларни ташкил этди.

34-чизма. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда⁶¹ таваккалчиликка тортилган активлар зичлиги, %



35-чизма. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда⁶² таваккалчиликка тортилган активлар рентабеллиги, %



■ Интерквартил оралиқ
— Медиана
— Ўзбекистон

Манбалар: ваколатли давлат органлари ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

⁵⁹ Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR) – юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати орқали аниқланади.

⁶⁰ Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (NSFR) – барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасининг барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати орқали аниқланади.

⁶¹ ХВЖ таснифининг Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар (Emerging Market and Developing Economies) гуруҳи бўйича Албания, Бирлашган Араб Амирликлари, Болгария, Бразилия, Бутан, Венгрия, Гватемала, Гондурас, Грузия, Доминикан, Замбия, Колумбия, Конго Демократик Республикаси, Лесото, Маврикий, Малайзия, Мальдив ороллари, Мексика, Молдова, Мўғулистон, Панама, Парагвай, Покистон, Польша, Руминия, Самоа, Сейшел ороллари, Сомали, Таиланд, Тожикистон, Тонга, Тринидад ва Тобаго, Украина, Черногория, Шимолий Македония, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Кувайт ва Ҳиндистон давлатлари инobatга олинган.

⁶² ХВЖ таснифининг Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар (Emerging Market and Developing Economies) гуруҳи бўйича Албания, Бразилия, Венгрия, Гватемала, Гондурас, Доминикан, Колумбия, Конго Демократик Республикаси, Малайзия, Мальдив ороллари, Мексика, Молдова, Панама, Парагвай, Покистон, Сейшел ороллари, Тонга, Шимолий Македония, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ҳиндистон давлатлари инobatга олинган.

Ўзбекистон банк тизимида таваккалчиликка тортилган активлар зичлиги⁶³ юқорилигича қолмоқда. 2025 йилда Ўзбекистон банк тизими бўйича таваккалчиликка тортилган активлар зичлиги 93 фоиздан 89 фоизгача пасайди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда таваккалчиликка тортилган активлар зичлиги бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган давлатлари интерквartil оралиғи юқори чегарасидан 20 фоиз бандга баландроқ шаклланди.

Ўзбекистон банк тизимининг таваккалчиликка тортилган активлари рентабеллиги нисбатан паст шаклланмоқда. Ўзбекистон бўйича таваккалчиликка тортилган активлар рентабеллиги⁶⁴ 2025 йил якунида 2,4 фоизни ташкил этди. Таваккалчиликка тортилган активлар рентабеллиги бўйича Ўзбекистон кўрсаткичи бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган давлатларнинг интерквartil оралиғидан пастда жойлашган.

Банк тизимида юқори даромадлилик кузатилган. 2025 йилда банк тизими бўйича жами соф фойда⁶⁵ миқдори 15,5 трлн сўмда шаклланиб, 2024 йилга қараганда 2,2 баробарга кўпайди. Соф фойданинг юқори суръатларда ўсиши натижасида 2025 йилда банкларнинг капитал рентабеллиги⁶⁶ 5,8 фоиз бандга ортиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 12,4 фоиз миқдорида шаклланди.

Активлар рентабеллигида⁶⁷ ижобий тенденция кузатилди. 2025 йил якуни бўйича активлар рентабеллиги 2,2 фоизни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос ҳолатига нисбатан 0,8 фоиз бандга ортди. 2025 йилда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар миқдорининг 2024 йилга нисбатан 4 фоизга ортиши активлар рентабеллигига салбий таъсир кўрсатди. Соф фоизли даромадлар миқдорининг 11 фоизга ҳамда соф фоизсиз даромадларнинг 39 фоизга кўпайиши⁶⁸ ҳисобига активлар рентабеллиги ошди.

⁶³ Таваккалчиликка тортилган активлар зичлиги таваккалчиликка тортилган активларнинг жами активларга нисбати орқали топилади. Ушбу кўрсаткич жами активларнинг ўртача таваккалчилик даражасини ифодалайди. Таваккалчиликка тортилган активлар зичлигининг юқори бўлиши банк активлари хатар даражасининг ёмонлашганини, аксинча камайиши эса активлар хатар даражаси яхшиланганини билдиради.

⁶⁴ Таваккалчиликка тортилган активлар рентабеллиги – йиллик кўринишга келтирилган солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг банк тизими таваккалчиликка тортилган активлари ўртача миқдorigа нисбати орқали аниқланади.


⁶⁵ Соф фойда – фойда солиғи тўлангандан ва фойда бўйича тузатишлар амалга оширилгандан сўнг молиявий фаолиятнинг натижалари бўйича олинган соф фойда.

⁶⁶ Капитал рентабеллиги (ROE) – йиллик кўринишга келтирилган соф фойданинг банк тизими жами капитали ўртача миқдorigа нисбати орқали аниқланади.


⁶⁷ Активлар рентабеллиги (ROA) – йиллик кўринишга келтирилган солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг банк тизими жами активларининг ўртача миқдorigа нисбати орқали аниқланади.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.


36-чизма. Банк сектори бўйича соф фойда, трлн сўм




37-чизма. Банк сектори рентабеллиги, %



38-чизма. Активлар рентабеллиги (ROA) декомпозицияси, %



39-чизма. 2026 йил 1 январь ҳолатига ликвидлик кўрсаткичлари, %



Манба: Марказий банк.

Изоҳ: LCR ва NSFR кўрсаткичлари мос равишда 400 ҳамда 180 фоиздан юқори бўлган банклар графикда акс эттирилмаган.

Банк тизими бўйича кредит портфели сифати яхшиланган. 2026 йил 1 январь ҳолатиган кўра, муаммоли кредитлар миқдори йиллик ҳисобда 15 фоизга камайиб, 18,1 трлн сўмни ташкил этди⁶⁹. 2025 йилда кредит портфели ортди, муаммоли кредитлар миқдори камайди. Бунинг натижасида, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши банк тизими бўйича 2025 йилда 1 фоиз бандга пасайиб, 3 фоизга етди. Тизимли аҳамиятга молик банкларда кредит портфелининг 3 фоизини муаммоли кредитлар ташкил қилди ҳамда 1,3 фоиз бандга камайди. Шунингдек, Ўзбекистонда муаммоли кредитларнинг улуши юқори даромадли мамлакатларни инобатга олмагандаги Европа ва Марказий Осиё давлатлари гуруҳи бўйича медиана кўрсаткичига яқинлашди. 2025 йил якунига кўра, муаммоли кредитлар таркибида “қоникарсиз” ва “шубҳали” деб таснифланган кредитлар улуши мос равишда 38 ва 33 фоизларни ташкил этди.

Кредит йўқотишларининг банклар тўлов қобилиятига таъсири камайган. 2025 йил якунида махсус захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитларнинг банк тизими регулятив капиталига нисбати 6 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 4 фоиз бандга пасайган. Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти⁷⁰ 7 фоиз бандга ошиб, 53 фоизни ташкил этди. Бу эса, юзага келиши мумкин бўлган кредит йўқотишларига нисбатан банк тизими бардошлилиги ортганлигидан далолат беради. Шунингдек, миллий валюта алмашинув курси муаммоли кредитлар улушининг йиллик ўзгаришига деярли таъсир кўрсатмади.

Банкларда мавжуд юқори ликвидли активлар миқдори ортган. 2026 йил 1 январь ҳолатига жами банк активлари таркибида юқори ликвидли активларнинг улуши 21 фоизда шаклланиб, 2025 йил бошига нисбатан 4 фоиз бандга ошди. 2025 йил давомида юқори ликвидли активлар миқдори 42 фоизга ортди. Бунда, банк активлари таркибидаги Марказий банкдаги маблағларининг 27 фоизга⁷¹, давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг 81 фоизга кўпайиши асосий таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлди.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.


⁷⁰ Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти муаммоли кредитлар бўйича яратилган махсус захираларнинг муаммоли кредитлар ҳажмига нисбати орқали аниқланади.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.


40-чизма. Муаммоли кредитлар ҳажми ва кредит қолдиғининг йиллик ўсиш суръати




41-чизма. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлар таркибидаги улуши, %



42-чизма. Европа ва Марказий Осиё давлатлари⁷² бўйича муаммоли кредитларнинг улуши, %




43-чизма. Муаммоли кредитларнинг сифати бўйича таркиби, %




Манбалар: Халқаро валюта жамғармаси, ваколатли давлат органлари ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

⁷² Жаҳон банки таснифининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари (юқори даромадли мамлакатлар мустасно) гуруҳи бўйича Албания, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Грузия, Косово, Молдова, Тожикистон, Туркия, Украина, Черногория, Шимолий Македония, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари инobatга олинган.


44-чизма. Муаммоли кредитлар ва эҳтимолий зарарларни қоплаш захиралари, %




45-чизма. Муаммоли кредитлар улушининг йиллик ўзгариши декомпозицияси, %



46-чизма. Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, %



47-чизма. Жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг ЯИМга нисбати, %



Манба: Марказий банк.

Изоҳ: 2020 йил 1 июндан бошлаб юқори ликвидли активлар учун 10 фоизлик минимал талаб ўрнатилган.

Чакана кредитлашда юқори фаоллик сақланиб қолмоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, банклар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи йиллик ҳисобда 24 фоизга ошиб, 220,3 трлн сўмни ташкил этди. Юридик шахсларнинг кредит қолдиғи 383,7 трлн сўмни ташкил этиб, йиллик ҳисобда 8 фоизга ўсди. 2025 йилда жисмоний шахслар кредитларининг банк тизими кредит портфелидаги улуши 33 фоиздан 36 фоизгача ортди. Шунингдек, 2025 якунига кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг ЯИМга нисбати мос равишда 12 ва 21 фоизларда шаклланди⁷³.


Банкларнинг кредит ва депозит портфели бўйича долларлашув даражаси пасаймоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, хорижий валютадаги кредитлар қолдиғи жами кредит портфелининг 39 фоизини ташкил этди ва 2025 йилда қарийб 4 фоиз бандга камайди. Шунингдек, хорижий валютада жалб этилган депозитларнинг жами депозит портфелидаги улуши 2025 йил давомида 25 фоиздан 21 фоизгача пасайди. Кредитлар бўйича долларлашувнинг қисқариши валюта курси ўзгарувчанлиги ҳисобига қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятидаги салбий ўзгаришлар таъсирида юзага келадиган кредит хатарларини камайтирмоқда.

Ўзбекистон банк тизимида кредитларнинг ЯИМга нисбати пасайиш тенденциясини намоён этди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда банклар кредит портфелининг ЯИМга нисбати 33 фоизни ташкил этиб, йиллик ҳисобда 2 фоиз бандга камайди. Ўзбекистонда кредитларнинг ЯИМга нисбати Европа ва Марказий Осиё давлатлари интерквартил оралиғининг пастки чегарасида жойлашган. Шунингдек, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг медианасига нисбатан Ўзбекистонда кредитларнинг ЯИМга нисбати 7 фоиз бандга баландроқ шаклланган. Умуман олганда, Ўзбекистонда кредитларнинг ЯИМга нисбати тенденциясида кузатилган пасайиш иқтисодиётдаги умумий қарз юки даражасининг камайганлигини ифодалайди.


⁷³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

48-чизма. Кредитнинг ЯИМга нисбати, %

Европа ва Марказий Осиё давлатлари⁷⁴




Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари⁷⁵




■ Интерквартил оралиқ — Медиана — Ўзбекистон

49-чизма. Долларлашув даражаси, улуш %

Кредит қолдиғи бўйича



Депозит қолдиғи бўйича




■ Миллий валюта ■ Хорижий валюта

Манбалар: ХВЖ, ваколатли давлат органлари, Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.


⁷⁴ Жаҳон банки таснифининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари гуруҳи бўйича Албания, Арманистон, Болгария, Венгрия, Германия, Грузия, Испания, Косово, Латвия, Молдова, Озарбайжон, Польша, Россия, Словакия, Тожикистон, Туркия, Украина, Хорватия, Черногория, Швеция, Эстония, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари инобатга олинган.

⁷⁵ ХВЖ таснифининг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари гуруҳи бўйича Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари ҳисобга олинган.


Хорижий валютадаги депозитларнинг йиллик ўсиш суръати, %




Хорижий валютадаги кредитларнинг йиллик ўсиш суръати, %



Валюта позицияси, трлн сўм



Валюта позициясининг жами регулятив капиталга нисбати, %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Хорижий валютадаги кредит ва депозитлар қолдиғининг АҚШ доллари эквивалентидаги йиллик ўсиш суръати давр охиридаги кредит ва депозитлар қолдиғининг сўм эквивалентидаги қиймати ва мазкур кундаги валюта алмашинув курсининг ўзаро нисбати орқали аниқланган.


Банк тизимининг валюта хатарларига таъсирчанлиги биров ортган. 2025 йил якуни бўйича хорижий валютадаги кредитлар ва депозитлар қолдиғининг АҚШ доллари эквивалентидаги қиймати йиллик ҳисобда мос равишда 11 ва 21 фоизга ўсган. Хусусан, кредитлар қолдиғининг АҚШ доллари эквивалентида йиллик ўсиш суръати 2025 йилда 2024 йилга нисбатан 8 фоиз бандга, депозитлар эса 19 фоиз бандга тезлашган. Жумладан, банклар балансида хорижий валютадаги депозитлар қолдиғининг ортиши Ўзбекистон резидентларининг хорижий мамлакатларга эркин инвестиция киритиш имконияти мавжуд шароитда⁷⁶ депозиторлар ўз маблағларини ташқи активларга йўналтириш эҳтимоли юқорилиги туфайли банкларда ликвидлилик хатарини оширади. Хорижий валютадаги кредитларнинг кўпайиши натижасида валюта курси ўзгариши таъсирида юзага келиши мумкин бўлган кредит хатари кўлами ортади. Шу билан бирга, хорижий валютадаги банк тизими талаблари ва мажбуриятлари миқдори орасидаги фарқнинг 2025 йил якуни бўйича 4 трлн сўмгача⁷⁷ ошиши валюта хатарлари таъсирида юзага келиши мумкин йўқотишларни кўпайишидан далолат беради. Ўз ўрнида, 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, соф очик валюта позициясининг жами регулятив капиталга нисбати 2,7 фоизни⁷⁸ ташкил этиб, белгиланган меъёрий талаблардан пастда шаклланиши валюта хатарлари бўйича йўқотишларни қоплашга банк тизими тўлов қобилиятининг етарли эканлигидан далолат беради.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2026 йил 2 июндаги “Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 15/1–сонли қарори.


⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.


54-чизма. Кредитнинг депозитга нисбати ва улар орасидаги фарк




55-чизма. Кредитлар ва депозитлар концентрацияси*, НН индекси



56-чизма. Банклар қирқимида депозитлар ва кредитларнинг йиллик ўсиш суръатлари, 2025 йил %**



57-чизма. Марказий Осиё ва Кавказ давлатларида депозитлар улуши*, % 2026 йил 1 январь ҳолатига**



Манбалар: ваколатли давлат органлар ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: *Herfindahl-Hirschman Index (НН) банк хизматлари бозоридаги рақобат даражасига кўра паст даражада (1000 дан паст), ўрта даражада (1000 дан 1800 гача) ва юқори даражада концентрациялашган (1800 дан юқори) гуруҳларга бўлинади. НН индекси ҳар бир банк бўйича депозит ва кредит қолдиғининг жами банк тизими депозит ва кредит қолдиғидаги улуши квадратлари йиғиндиси орқали ифодаланган.

**Чизмада яшил ранг депозитлар ҳажмининг ўсиш суръати кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори, жигарранг кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатидан паст бўлган банкларни ифодалайди. Ҳар бир банк бўйича банк активининг жами активлардаги улуши пуфакчалар ўлчамида ўз аксини топган.

***Ҳар бир давлат бўйича жами банк активларининг мамлакат ЯИМдаги улуши пуфакчалар ўлчамида ўз аксини топган.

Банк тизимида кредитлар ва депозитлар ҳажми орасидаги тафовут қисқармоқда. 2025 йил якунига кўра, банк тизими бўйича кредит қолдиғи йиллик ҳисобда 13 фоизга, депозитлар қолдиғи 35 фоизга ўсди. Бунинг натижасида, кредитларнинг депозитларга нисбати кўрсаткичи 2025 йилда 28 фоиз бандга камайиб, 145 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 2026 йил 1 январь ҳолатига банк тизими бўйича кредитлар ва депозитлар орасидаги тафовут 186,7 трлн сўмда шаклланиб, 2025 йил бошига нисбатан 17 фоизга қисқарди.

Кредитлар ва депозитлар қолдиғи бўйича паст даражадаги концентрация сақланиб қолмоқда. 2025 йилда банк кредитлари бўйича НН индекси 89 бирликка камайиб, 835 ни ташкил этди. Бунда, юридик шахслар кредитлари бўйича концентрация даражаси 1120 га, жисмоний шахслар бўйича эса 703 га тенг бўлди. Шунингдек, 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк депозитлари қолдиғи бўйича НН индекси 606 гача пасайиб, паст даражадаги концентрациялашув гуруҳида шаклланди.

Ўзбекистон банк тизимининг мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши нисбатан пастлигича қолмоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига, жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 31 фоизни ташкил этиб, 2025 йил бошига нисбатан 3 фоиз бандга камайди⁷⁹. Ўзбекистонда депозитларнинг банк мажбуриятларидаги улуши 53 фоизни ташкил этиб, 6 фоиз бандга ортди. Ўзбекистон банк тизимида жами мажбуриятлар таркибида депозитларнинг улуши ортиб боришига қарамай, 2025 йил якуни бўйича Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари кўрсаткичларига нисбатан пастроқ шаклланди.

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

2-ҳавола. Валюта хатарини баҳолашнинг экстремал қийматлар назариясига асосланган ёндашуви

Геосийёсий беқарорлик таъсирида халқаро логистиканинг қийинлашуви натижасида савдо айланмасининг қисқариши, хусусан жорий ҳисоб баланси манфий сальдосининг сақланиб қолиши ички валюта бозорида босимни юзага келтириши мумкин. Бу эса ўз навбатида, хорижий валюта курси тебраниши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган тизимли хатарларни баҳолаш заруратини янада оширади. Анъанавий статистик ёндашувлар, одатда тақсимотнинг марказий қисмига таянади ва хатарларни ўртача динамика асосида баҳолайди. Молиявий инқирозлар кўпинча юзага келиш эҳтимоли паст, аммо жиддий йўқотишларга олиб келадиган экстремал тебранишлар билан боғлиқ бўлади.

Тижорат банклари балансида хорижий валютадаги активлар улушининг юқори бўлиши уларнинг валюта курси тебранишлари натижасида юзага келадиган валюта хатарига нисбатан таъсирчанлигини оширади. Хусусан, миллий валюта курсининг экстремал ўзгаришлари банкларда очиқ валюта позицияси кузатилган шароитда бевосита йўқотишларнинг юзага келишига таъсир кўрсатади. Шунингдек, валюта курсининг кескин ўзгариши таъсирида хорижий валютадаги активлар сифатининг ёмонлашиши кредит хатарининг ортишига, тўлов қобилиятининг ёмонлашишига ва дефолт хавфининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, макроиқтисодий нобарқарорлик ва экстремал шоклар шароитида банкларнинг бардошлилигини ҳамда ушбу хатарларнинг бутун банк тизимига тарқалиш жараёнини баҳолаш алоҳида долзарблик касб этади.

Экстремал қийматлар назариясига (Extreme Value Theory, EVT)⁸⁰ асосланган ёндашувлар оддий тақсимот қонуниятлари илғай олмайдиган экстремал ўзгарувчанликни ва тизимдаги занжирли реакциялар натижасида юзага келадиган банк инқирозларини баҳолаш имконини беради (2-илова).

EVTга асосланган ёндашувда валюта курси ўзгарувчанлигининг манфий экстремал қийматлари алоҳида моделлаштирилади. Шу асосда, валюта курси манфий ўзгарувчанлигининг кутилаётган қиймати қуйидаги кўринишда ифодаланади⁸¹:

$$ES_{q,t+1} = \mu_{t+1} + \sigma_{t+1}ES_q^{EVT}$$

Бу ерда,

$ES_{q,t+1} - t + 1$ даврдаги валюта курси манфий ўзгарувчанлигининг q -квантил даражасидаги шартли кутилаётган қиймати;

μ_{t+1} – Autoregressive Moving Average (ARMA) модели асосида баҳоланган шартли ўртача;

σ_{t+1} – Generalized Autoregressive Conditional Heteroskedasticity (GARCH) модели асосида баҳоланган шартли стандарт оғиш;


ES_q^{EVT} – EVT асосида стандартлаштирилган қолдиқлар учун баҳоланган q -квантил даражасидаги валюта курсининг кутилаётган қиймати.

⁸⁰ Nikzad, R. (2011). Extreme Value Theory with an Application to Bank Failures through Contagion. University of Ottawa.

⁸¹ Soltane, H., Karaa, A., & Bellalah, M. (2012) Conditional VaR using GARCH-EVT approach: Forecasting Volatility in Tunisian Financial Market. Journal of Computations & Modelling.

Олдинги даврдаги маълумотлар тўплами асосида кейинги давр учун валюта курсининг кутилаётган экстремал қиймати аниқланиб, тижорат банклари балансига таъсири баҳоланади. Бунинг натижасида, банкларда вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишлар миқдори аниқланади.

58-чизма. Валюта курсининг экстремал қийматида банкларнинг очик валюта позициясидаги ўзгаришлар ва регулятив капиталга нисбати



Манба: Марказий банки.

Изоҳ: Валюта курсининг экстремал қийматида очик валюта позициясидаги ўзгаришлар миқдорини ҳисоблашда модел орқали баҳоланган валюта курси таъсирида соф очик валюта позициясининг сўм эквивалентидаги номинал қийматининг ўзгариши инобатга олинган. Чизмадаги яшил ранг валюта курсининг экстремал қийматида соф очик позицияси жами регулятив капиталга нисбатан ўрнатилган талабни бажара оладиган, жигарранг белгиланган нормативни бажара олмайдиган банкларни ифодалайди.

Валюта курсининг тарихий ўзгарувчанлиги асосида EVT ёндашуви орқали валюта курсининг экстремал қийматлари 2026 йил I ярим йиллиги якуни учун баҳоланди. Бу орқали, банкларнинг активлари ва мажбуриятларида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар миқдори, шунингдек ўзгаришлар таъсиридаги очик валюта позициясининг жами регулятив капиталга нисбати аниқланди.

Банк тизимида хорижий валютадаги активлар миқдори хорижий валютадаги мажбуриятлардан юқорилиги боис валюта курсининг экстремал қийматлари натижасида банк тизимининг узун валюта позицияси жами регулятив капиталга нисбатан 3,3 фоизгача ортиши мумкин. Банклар қирқимида фақатгина битта банкда соф очик валюта позицияси бўйича белгиланган нормативнинг⁸² бажарилмаслиги кузатилиши мумкин. Шунингдек, хорижий валютадаги активлари миқдори хорижий валютадаги мажбуриятлар миқдоридан кам бўлган банклари орасида энг кўпи билан жами регулятив капиталга нисбатан 1,8 фоизгача соф очик валюта позицияси камайиши мумкин. Бунда, валюта курси кескин ўзгаришининг банклар балансига бевосита таъсири натижасида тижорат банкларида дефолт ҳолатлари кузатилмаганлиги туфайли тарқалиш хатари мавжуд эмас.


⁸² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 30 апрелдаги “Очик валюта позициясини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 8/1-сон қарори.

3-хавола. Тизимли хатарлар сўровномаси

Марказий банк томонидан 2026 йил январь ойида мамлакат молия тизимида юзага келиши мумкин бўлган тизимли хатарларни баҳолаш юзасидан барча тижорат банклари (респондентлар) иштирокида навбатдаги сўровнома⁸³ ўтказилди.

Геосиёсий хатарлар, аҳоли қарз юкининг ортиши, валюта курси ўзгарувчанлиги, юқори инфляция ҳамда кредит хатарлари Ўзбекистон молия тизимида салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган асосий хатарлар сифатида сақланиб қолмоқда. Бунда, респондентларнинг геосиёсий вазият кескинлашуви, валюта курси ва инфляция даражаси суръатларининг тезлашиши билан боғлиқ хавотирлари пасайган. Кредит хатари бўйича хавотирлар эса кучайган ва асосий хатарлар қаторидан жой олган.

59-чизма. Ўзбекистон молия секторидаги асосий тизимли хатарлар



Манба: Марказий банк сўровномаси.


Изоҳ: Тизимли хатарларнинг шрифти катталиги уларнинг муҳимлиги даражасидан келиб чиққан. Муҳимлиги даражаси 1 дан 5 гача бўлган шкала бўйича вазнлар асосида ҳисобланган.

Ҳар бир респондент томонидан қайд этилган 5 та энг муҳим тизимли хатарларнинг вазнлар асосида ҳисобланган тўпламидаги улушларда геосиёсий хатарлар 56 фоиз, аҳоли қарз юки ортиши 32 фоиз, валюта курси ўзгарувчанлиги 31 фоиз, юқори инфляция даражаси 28 фоиз ва кредит хатарлари 28 фоизни ташкил этди⁸⁴. Бундан ташқари, респондентлар томонидан кибер хужумлар, йирик қарз олувчилар дефолти, иқтисодий пасайиш, ликвидлилик ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфлар Ўзбекистон молия тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатарлар сифатида қайд этилган.


⁸³ Тизимли хатарларни аниқлаш бўйича сўровнома намунаси 2023 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

⁸⁴ Мазкур саволда ҳар бир банк томонидан 5 тадан тизимли хатарлар санаб ўтилган. Бунда, вазнлар бўйича ҳисобланган молия тизимида таъсир этувчи маълум бир хатар турини танлаган респондентлар сонининг жами респондентлар сонидagi улуши, бошқа бир хатар турининг респондентлар ўртасида тизимли хатар сифатида баҳоланиш даражаси билан ўзаро боғлиқ эмас. Банклар томонидан белгиланган тизимли хатарларнинг барча респондентлар жавоблари орасида тарқалиши ўзаро боғлиқсиз ҳодисалар (non-mutually exclusive) ҳисобланади. Шунга қўра, респондентлар томонидан қайд этилган хатар турлари бўйича улушларнинг йиғиндиси 100 фоизлик тўпландан келиб чиқилмаган.

60-чизма. Тизимли хатарларнинг содир бўлиш эҳтимоли, %



61-чизма. Сўнгги 6 ой давомида молиявий барқарорлик ҳолатидаги ўзгаришлар, %



Манба: Марказий банк сўровномаси.

Сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 62 фоизи қисқа муддатда тизимли хатарлар юзага келиш эҳтимоли паст дея баҳолаган бўлиб, бу кўрсаткич 2025 йил июль ойида ўтказилган сўровнома натижаларига нисбатан 15 фоиз бандга ортган. Шу билан бирга, хатарлар содир бўлиш эҳтимолини юқори дея таъкидлаган респондентларнинг жами респондентлар таркибидаги улушида камайиш кузатилиб, аввалги сўровнома натижаларига нисбатан 5 фоиз бандга пасайган.

Шунингдек, ўрта муддатли истиқболда респондентларнинг тизимли хатар содир бўлиш эҳтимоли бўйича кутилмалари ўртача даражада сақланиб қолмоқда. Хусусан, тизимли хатарлар юзага келиш эҳтимоли ўртача деб белгилаган респондентларнинг улуши 2025 йил июль ойида ўтказилган сўровнома натижаларига нисбатан 9 фоиз бандга ортиб, 59 фоизга тўғри келган. Бундан ташқари, ўрта муддатда тизимли хатар содир бўлиш эҳтимоли юқори деб баҳолаган иштирокчиларнинг улуши 5 фоиз бандга камайиб, 9 фоизни ташкил этди. Тизимли хатарлар юзага келиш эҳтимолини паст дея баҳолаган респондентларнинг улуши 29 фоизгача пасайган.

Ўтган 6 ой давомида респондентларнинг 62 фоизи кредитга бўлган талабнинг ошганлигини таъкидлаган. Мазкур кўрсаткич 2025 йилнинг мос даврида ўтказилган сўровнома натижаларига нисбатан 15 фоиз бандга юқорилаган.

Шунингдек, респондентлар томонидан молиявий барқарорлик ҳолати яхшиланганлиги қайд этилган. Хусусан, банклараро ликвидлилик ҳолати яхшиланган дея қайд этган респондентларнинг улуши 59 фоизни ташкил этиб, 2025 йилнинг июль ойида ўтказилган сўровнома натижалари билан таққослаганда 17 фоиз бандга ошган.

Банкларнинг 47 фоизи қисқа муддатли молиялаштириш манбаларида ўсиш кузатилганини таъкидлаган бўлиб, бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос давридаги сўровнома натижаларига нисбатан 8 фоиз бандга ошган. Узоқ муддатли молиялаштириш манбалари яхшиланганини билдирган респондентларнинг улуши 41 фоизгача ошган.

2.2. Нобанк молия сектори

Нобанк молия сектори барқарор суръатларда кенгаймоқда. Микромолия ташкилотлари активларининг юқори суръатларда ўсиши билан бирга капитал етарлилик коэффицентининг ўрнатилган минимал талаблардан баланд сақланиб қолиши тўлов қобилияти бўйича хатарларни пасайтирмоқда. Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш компанияси активлари юқори даромадлилик билан ортиб бормоқда.

Нобанк молия сектори⁸⁵ кўлами кенгайиб бораётган бўлса-да, мамлакат иқтисодиётидаги улуши нисбатан пастлигича қолмоқда. Нобанк молия сектори активларининг ЯИМга нисбати 2025 йил давомида 1,7 фоиздан 1,9 фоизгача ошди. Жумладан, нобанк молия сектори активлари йиллик ҳисобда 36 фоизга ўсиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра 34,9 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, нобанк молия сектори активларининг асосий 43 фоизлик улуши суғурта ташкилотлари ҳиссасига тўғри келди.

Нобанк кредит ташкилотлари⁸⁶ кредит портфелининг ўсиш суръати юқори база эффекти ҳисобига нисбатан секинлашган. 2025 йил якунида нобанк кредит ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 16,8 трлн сўмга етиб, йиллик ҳисобда 39 фоизга ўсди. Ушбу кредитларнинг учдан бир қисми ипотекани қайта молиялаштириш компанияси томонидан ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. 2025 йил давомида микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг кредит портфели 45 фоизга⁸⁷, ипотекани қайта молиялаштириш компанияси томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 29 фоизга⁸⁸ ўсди.


⁸⁵ Нобанк молия сектори таҳлилида нобанк кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари инобатга олинган.

⁸⁶ Нобанк кредит ташкилотлари микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш компаниясини ўз ичига олади.


⁸⁷ Марказий банк. (2026). Нобанк кредит ташкилотларининг кўрсаткичлари.

⁸⁸ Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси. (2026). Молиявий ҳисоботлар.


62-чизма. Нобанк молия сектори активлари, трлн сўм



63-чизма. Нобанк кредит ташкилотлари кредит қолдиғининг йиллик ўсиш суръати, %



64-чизма. Суғурта ташкилотлари активлари рентабеллиги⁸⁹, %



65-чизма. Суғурта ташкилотлари активлари, трлн сўм



Манбалар: Миллий статистика қўмитаси, Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги, Корпоратив ахборот ягона портали ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Суғурта сектори учун активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичи барча суғурта ташкилотларининг баланс маълумотларини умумлаштирган ҳолда ҳисоблаб чиқилган.

⁸⁹ Активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичи солиқларни тўлашдан олдинги йиллик соф даромадни ўртача жами активларга бўлиш орқали ҳисобланади.

Суғурта ташкилотлари активлари бўйича рентабеллик нисбатан пастроқ шаклланди. 2025 йил III чорак якунига кўра, суғурта ташкилотларининг солиқ тўлагунга қадар соф фойдаси 2024 йилнинг мос даврига нисбатан деярли ўзгармаган шароитда жами активлар ҳажмининг йиллик ҳисобда 34 фоизга ортиши активлар рентабеллиги кўрсаткичининг пасайишида ўз ифодасини топди. Хусусан, умумий ҳисобда суғурта ташкилотларининг активлар рентабеллиги 2024 йил III чорак якунидаги 8,4 фоиздан 2025 йилнинг дастлабки 9 оyi якунида 6,9 фоизгача пасайди. 2025 йилда суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар активлари умумий суғурта ташкилотларига нисбатан тезроқ ўсди. 2025 йил якунида жами суғурта ташкилотлари таркибида умумий суғурта ташкилотлари активларининг улуши 95 фоизни ташкил этди.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели диверсификацияланмоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, суғурта ташкилотларининг жами инвестиция миқдори йиллик ҳисобда 46 фоизга ўсиб, 9,6 трлн сўмга етди. Инвестиция портфелининг 63 фоизи депозитлар, 17 фоизи кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳисобига тўғри келди. Бунда, 2025 йил давомида депозитлар миқдори 32 фоизга, кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳажми 266 фоизга ўсди⁹⁰.

Суғурта бозорида ихтиёрий суғурталаш амалиёти оммалашмоқда. 2025 йилда жами суғурта мукофотлари⁹¹ ҳажми 13,5 трлн сўмни, жами суғурта тўловлари⁹² 3 трлн сўмни ташкил этди. Жами суғурта мукофотларининг 96 фоизи ҳамда жами суғурта тўловларининг 95 фоизи умумий суғурта ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган. 2025 йил давомида амалга оширилган ихтиёрий суғурта мукофотларининг жами суғурта мукофотларидаги улуши 93 фоизга етди. Шунингдек, жами суғурта тўловларининг 86 фоизи ихтиёрий суғурта шартномалари доирасида юз берган суғурта ҳодисалари бўйича суғурталовчи ташкилотлар томонидан тўлаб берилган. 2025 йилда амалга оширилган ихтиёрий суғурталаш таркибида кредитларни суғурта қилиш бўйича суғурта полисларининг жами суғурта мукофотлари 3,6 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 63 фоизга кўпайди⁹³.


⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги. (2025). Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг 2025 йил якунлари бўйича умумий кўрсаткичлари.

⁹¹ Суғурта мукофоти – суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига суғурта шартномасида шарт қилиб кўрсатилган тартибда ва муддатларда миллий валютада ёки чет эл валютасида тўланадиган суғурта учун тўлов.


⁹² Суғурта тўлови – бу суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчига, суғурталанган шахсга (наф олувчига) ҳар бир суғурталанган шахс учун суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги. (2025). Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг 2025 йил якунлари бўйича умумий кўрсаткичлари.


66-чизма. Суғурта ташкилотларининг инвестициялари таркиби, трлн сўм




67-чизма. Суғурта тўловларининг мукофотларга нисбати, %



68-чизма. Суғурта ташкилотларининг чораклик суғурта тўловлари, трлн сўм



69-чизма. Суғурта ташкилотларининг чораклик суғурта мукофотлари, трлн сўм



Манбалар: Истикболли лойихалар миллий агентлиги ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Суғурта мукофотлари суғурта тўловларига нисбатан тезроқ ўсди. 2025 йил давомида амалга оширилган суғурта мукофотлари 2024 йилга нисбатан 38 фоизга, суғурта тўловлари 35 фоизга кўпайди⁹⁴. Натижада, суғурта тўловларининг мукофотларга нисбати 2025 йилда 2024 йилдаги 23 фоиздан 22 фоизгача пасайди. Жумладан, 2025 йилда ҳаётни суғурта қилиш соҳасида юқори тафовут кузатилиб, суғурта мукофотлари йиллик ҳисобда 105 фоизга, суғурта тўловлари 7 фоизга ўсди.


Суғурта бозорида мукофотлар бўйича концентрациялашувнинг ўрта даражаси сақланиб қолди. 2025 йилда жами суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари бўйича НН индекси 2024 йилга нисбатан 96 бирликка ортиб, 1277 ни ташкил этди. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги мукофотларининг жами суғурта мукофотларидаги улуши 2025 йилда 4 фоизни ташкил этиши мамлакатнинг умумий суғурта бозоридаги концентрация хатари бўйича хавотирларни пасайтиради.

Ўзбекистонда суғурта хизматларининг оммалашиб даражаси иқтисодий ўхшаш кўплаб мамлакатлардан пастроқ шаклланмоқда. 2025 йил якуни бўйича Ўзбекистонда суғурта хизматларининг оммалашиб даражаси 2024 йил якунидаги 6,4 промилледан 7,3 промиллегача ошди. 2025 йил якунига кўра, Ўзбекистонда суғурта хизматларининг оммалашиб даражаси Европа ва Марказий Осиё давлатлари интерквартил оралигининг⁹⁵ пастки чегарасида шаклланди. Ўзбекистон бўйича суғурта хизматларининг зичлиги йиллик ҳисобда 45 фоизга ортиб, 2025 йил якунида 29,3 АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларнинг ортиши мамлакатда суғурта хизматларига бўлган талабнинг ортиб бораётгани, шунингдек суғурта бозорининг қамрови ва иқтисодийдаги аҳамияти ошаётганлигидан далолат беради.


⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги. (2025). Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг 2025 йил якуни бўйича умумий кўрсаткичлари.

⁹⁵ Интерквартил оралик – бу 25 ва 75 квантил чегаралари орасидаги оралик.


70-чизма. Суғурта хизматлари зичлиги, АҚШ доллари




71-чизма. Суғурта хизматларининг оммалашуш даражаси, %



72-чизма. Суғурта бозорида мукофотлар бўйича концентрация даражаси, НН индекси⁹⁶



73-чизма. Европа ва Марказий Осиё давлатларида⁹⁷ суғурта хизматларининг оммалашуш даражаси, %



Манбалар: ваколатли давлат органлари, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Промилле (%) соннинг мингдан бир улушини ёки фоизнинг ўндан бир қисмини ифодалайди.


Суғурта хизматлари зичлиги (insurance density) жами суғурта мукофотларини аҳоли сонига нисбати орқали аниқланади. Ушбу нисбатни ҳисоблашда йиллик жами суғурта мукофотлари инобатга олинган.

Суғурта хизматларининг оммалашуш даражаси (insurance penetration) жами суғурта мукофотларининг номинал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади. Бунда, суғурта мукофотлари ва номинал ЯИМ кўрсаткичларининг мос даврлардаги қийматларидан фойдаланилган.


⁹⁶ НН индекси паст даражада концентрациялашган (1000 дан паст), ўрта даражада концентрациялашган (1000 дан 1800 гача) ва юқори даражада концентрациялашган (1800 дан юқори) гуруҳларга бўлинади.

⁹⁷ Жаҳон банки таснифининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари (юқори даромадли мамлакатлар мустасно) гуруҳи бўйича Арманистон, Босния ва Герцеговина, Грузия, Косова, Молдова, Озарбайжон, Украина, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари инобатга олинган.

74-чизма. Микромолия ташкилотларининг капитал етарлилик коэффиценти, %



75-чизма. Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясининг активлар рентабеллиги, %



Манбалар: Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: 2023 йил 14 апрелдан эътиборан микромолия ташкилотларининг капитал етарлилик коэффицентига минимал талаб ўрнатилган.

Микромолия ташкилотларининг капитал етарлилик коэффиценти⁹⁸ ўрнатилган минимал талабдан уч баробар юқори шаклланмоқда. 2025 йил якуни бўйича микромолия ташкилотларининг капитал етарлилик коэффиценти 30 фоизни ташкил этиб, йиллик ҳисобда 2 фоиз бандга пасайган. Ушбу кўрсаткич ўрнатилган минимал талабга нисбатан юқори даражаси сақланиб қолди. 2025 йилда кредит портфелининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобига микромолия ташкилотларининг активлари йиллик ҳисобда 50 фоизга, жами капитал миқдори 40 фоизга ошган. Жумладан, 2025 йил давомида микромолия ташкилотлари жами капиталининг ўсишида устав капитал миқдорининг йиллик ҳисобда 51 фоизга, жорий йил фойдасининг 10 фоизга ортиши⁹⁹ асосий таъсир этувчи омиллардан бўлди.

Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясининг активлар рентабеллиги ўзининг тарихий юқори даражасида шаклланди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, ипотекани қайта молиялаштириш компанияси активлар

⁹⁸ Микромолия ташкилоти капиталининг етарлилик коэффиценти микромолия ташкилоти жами хусусий капиталининг жами активларига нисбати орқали ҳисобланади.

⁹⁹ Марказий банк. (2026). Нобанк кредит ташкилотларининг кўрсаткичлари.

рентабеллиги¹⁰⁰ 3,5 фоизни ташкил этиб, йиллик ҳисобда 0,7 фоиз бандга ортди. 2025 йил якуни бўйича жами активлар миқдорининг йиллик ҳисобда 33 фоизга ўсишига қарамай, солиқ тўлагунга қадар соф фойданинг 73 фоизга кўпайиши активлар рентабеллиги кўрсаткичидаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. 2025 йилда соф фоизли даромаднинг йиллик ҳисобда 74 фоизга ортиши ва 257,4 млрд сўмда¹⁰¹ шаклланиши ташкилотнинг даромадлилик кўрсаткичини яхшиланишига хизмат қилди.

¹⁰⁰ Активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичи солиқларни тўлашдан олдинги йиллик соф даромадни ўртача жами активларга бўлиш орқали ҳисобланади.

¹⁰¹ Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси. (2026). Молиявий ҳисоботлар.

III. Номолиявий сектор

3.1. Уй хўжалиги сектори

Макропруденциал чораларнинг қатъийлаштирилиши ва аҳоли даромадларининг ўсиши натижасида уй хўжалиги секторида ижобий ҳолат кузатилди. Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека ва автокредитлар учун кредитнинг гаровга нисбати (LTV) бўйича бевосита чекловларнинг ўрнатилиши¹⁰² ушбу кредитларни гаров билан таъминланганлик даражасини яхшиланишида намоён бўлди. Аҳолига кредит ажратишда қарздорларга йўналтирилган воситаларнинг қатъийлаштирилиши¹⁰³ уй хўжаликларининг қарз юки даражасини пасайишида ўз ифодасини топди.


Аҳолининг қарз мажбуриятлари сони бўйича тақсимотида нобанк ташкилотларнинг улуши ортмоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами қарздор аҳолининг 62 фоизи банклардан, 20 фоизи банкдан ташқари ташкилотлардан қарз мажбуриятларига эга. Ўз навбатида, 2025 йилда банкдан қарздор аҳолининг улуши 19 фоиз бандга камайган. Нобанк ташкилотлардан қарздорларнинг улуши 9 фоиз бандга ортган. Қарз олувчиларнинг 18 фоизида ҳам банклар ҳам банкдан ташқари ташкилотлар олдида молиявий мажбуриятлари мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 10 фоиз бандга юқорилаган.

Аҳолининг жами қарз мажбуриятлари суммаси таркибида асосий улуш банк сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. 2025 йил якунига кўра, жисмоний шахслар қарз мажбуриятларининг 94 фоизи банклар, 6 фоизи нобанк ташкилотлар томонидан ажратилган. 2024 йилнинг мос даврида мазкур кўрсаткичлар мос равишда 96 ва 4 фоизларни ташкил этган. Бунда, уй хўжаликлари жами қарз мажбуриятларида нобанк ташкилотларнинг улуши нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда.


¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 8 апрелдаги “Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 7/3-сонли қарори.

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 26 январдаги “Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 42/16-сонли қарори.

76-чизма. Қарз олувчилар сони бўйича тақсимот*



77-чизма. Қарз суммаси бўйича тақсимот**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳлар: Банкдан ташқари ташкилотлар таҳлилида нобанк кредит ташкилотлари ва номолиявий ташкилотлар инобатга олинган.

*Диagramмадаги шаклларнинг чегараланган юзалари ҳажми кредит ёки қарз мажбурияти мавжуд жисмоний шахслар сонига пропорционал равишда белгиланган. Кредит ёки қарз мажбурияти мавжуд аҳоли сонини аниқлашда жисмоний шахсларнинг шахсий идентификацион рақамидан фойдаланилган. Ҳисоб-китоблар қарз олувчилар сони бўйича амалга оширилган бўлиб, бунда битта қарз олувчида банк ёки банкдан ташқари ташкилотлардан мавжуд бир неча кредит ёки қарз шартномалари инобатга олинмаган.


**Банк ва банкдан ташқари ташкилотлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредит ва қарз қолдиғининг тақсимланишида ушбу ташкилотлар томонидан аҳолига ажратилган маблағларнинг улуши мос равишда келтирилган. Доираларнинг юзаси белгиланган ташкилот томонидан аҳолига ажратилган қарз мажбуриятлари ҳажмига пропорционал равишда ҳисобланган.

78-чизма. Банкдан қарздор аҳолининг молиявий мажбуриятлари, улуш %

2025 йил 1 январь ҳолатига



2026 йил 1 январь ҳолатига



■ Бир неча қарз мажбуриятлари мавжуд ■ Битта қарз мажбурияти мавжуд

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Аҳолига ажратилаётган кредитлар таркибида бир неча қарз мажбуриятларига эга бўлган қарздорлар улуши ўсиб бормокда. 2025 йил давомида банкдан кредит олган аҳолининг 53 фоизида банклар ва банкдан ташқари ташкилотлар олдида бир неча қарз мажбуриятлари мавжудлиги кузатилди. Бунда, бир вақтнинг ўзида бир неча кредитларга хизмат кўрсатиш зарурати қарздорларнинг тўлов қобилиятларини заифлаштириши мумкин.

Банкдан кредит олган аҳолининг умумий қарз юки даражасида пасайиш кузатилди. 2025 йилда банкдан кредит олган жисмоний шахсларнинг банк ва банкдан ташқари барча мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолдаги ўртача DSTI кўрсаткичи¹⁰⁴ 2024 йилдаги 38 фоиздан 37 фоизга тушди. Шунингдек, DSTI кўрсаткичи 50 фоиз ва ундан паст бўлган қарз олувчилар бўйича кредит суммасининг жами кредит ҳажмидаги улуши 74 фоизга тенг бўлиб, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 58 фоизни ташкил этган.

Ипотека ва автокредит сегментларида қарз юкининг тушиш динамикаси қайд этилди. 2025 йилда тижорат банкларидан ипотека кредити олган жисмоний шахсларнинг жами мажбуриятларини инобатга олган ҳолдаги ўртача DSTI кўрсаткичи 49 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 22 фоиз бандга пасайган. Бунда, DSTI кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлган қарз олувчиларнинг жами кредит суммасидаги улуши пасайиб, 30 фоизни ташкил этди. Автокредитлар бўйича ўртача DSTI кўрсаткичи 60 фоиздан 37 фоизгача пасайган. Шунингдек, DSTI кўрсаткичи 50 фоиз ва ундан паст бўлган қарз олувчилар бўйича кредит суммасининг улуши 84 фоизга етди.

¹⁰⁴ DSTI кўрсаткичини ҳисоблаш методологияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Аҳолининг қарз мажбуриятларини бажариш ҳолати таҳлилида келтирилган.


79-чизма. Банкдан қарздор жисмоний шахсларнинг банкдан ташқари жами мажбуриятларини инобатга олган ҳолдаги DSTI тақсимоти



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: DSTI кўрсаткичи даромадга эга ва ойлик даромади ўртача уй хўжалигининг бир ойлик минимал яшаш харажатида кам бўлмаган қарз олувчилар бўйича ҳисобланган. Банкдан кредит олган жисмоний шахсларнинг DSTI кўрсаткичини ҳисоблашда таҳлил этилаётган даврда ажратилган кредит мажбуриятларига қўшимча тарзда банк, нобанк ва номолиявий ташкилотлар билан тузилган ҳамда амалда бўлган кредит ва қарз шартномалари бўйича барча мажбуриятлар инобатга олинган.

80-чизма. Банкдан қарздор жисмоний шахсларнинг банкдан ташқари жами мажбуриятларини инобатга олган ҳолдаги DSTI ўртачаси¹⁰⁵



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.



Изоҳ: Ўртача DSTI даражаси жисмоний шахсларнинг мавжуд мажбуриятлари бўйича жами ойлик тўлов миқдорини уларнинг ойлик даромадига нисбати кўрсаткичининг ўртача арифметик қийматини ҳисоблаш орқали аниқланган.

Микроқарзлар бўйича ҳолат бироз ёмонлашган. 2025 йилда микроқарз олган аҳоли жами кредит миқдорининг 71 фоизда DSTI кўрсаткичи 50 фоиздан паст бўлган. 2025 йилда микроқарзлар бўйича ўртача DSTI кўрсаткичи 2024 йилдаги 37 фоиздан 40 фоизгача кўтарилди. Микроқарз ажратишда аниқ мақсад ва гаров таъминоти талаб этилмаслиги ушбу бозорда қарз олувчилар кўламининг тез кенгайишига ҳамда қарз юкининг нисбатан юқорирак шаклланишига туртки бўлмоқда.


Ипотека ва автокредитлар LTV даражаси пастроқ бўлган гуруҳларга ўтган. Ипотека кредитлари таркибида LTV кўрсаткичи 80 фоиздан паст бўлган кредитларнинг улуши 67 фоизга етиб, 2024 йилга нисбатан 6 фоиз бандга ошган. Автокредитлар бўйича LTV даражаси 75 фоиздан юқори бўлган кредитларнинг улуши 2024 йил билан таққослаганда 9 фоиз бандга қисқариб, 66 фоизни ташкил этди. 2025 йилда банклар томонидан аҳолига ажратилган ипотека ҳамда автокредитларнинг ўртача LTV кўрсаткичлари мос равишда 76 ва 73 фоизга тенг бўлди.

¹⁰⁵ Жисмоний шахслар бўйича DSTI кўрсаткичини ҳисоблашда расмий ойлик даромади ўртача уй хўжалиқларининг бир ойлик минимал яшаш харажатларидан кам бўлмаган қарз олувчилар камраб олинган. 2025 йил учун аҳоли қарз юки даражасини аниқлашда банкдан жами кредит олувчиларнинг 49 фоизи камраб олинган. Ушбу кўрсаткич ипотека кредитида 80 фоиз, автокредитда 39 фоиз, микроқарзда 52 фоизни ташкил этган.

81-чизма. Ипотека кредитлари бўйича LTV¹⁰⁶ кўрсаткичлари, %



82-чизма. Автокредитлар бўйича LTV кўрсаткичлари, %




■ 2024 ■ 2025

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳ: Ўртача тортилган LTV кўрсаткичи ҳар бир кредит бўйича LTV даражаси ва кредит ҳажми асосида ўртача тортилган қиймати орқали аниқланган.

¹⁰⁶ 2025 йил 24 июлдан бошлаб ипотека ва автокредитлар бўйича бевосита LTV чекловлари жорий этилган. Бунда, ипотека кредитлари ажратишда LTV кўрсаткичи банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган кредитлар бўйича 80 фоиздан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштириладиган ипотека кредитлари бўйича 85 фоиздан ошмаслиги белгиланди. Шунингдек, автокредитлар бўйича LTV кўрсаткичининг энг юқори даражаси 75 фоиз этиб ўрнатилди.


83-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути¹⁰⁷, фоиз банд




84-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган кредит турларининг ЯИМга нисбати, %



85-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръати* (YoY), %



86-чизма. Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиқлари, трлн сўм



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: *Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таркибида микроқарзлар кредит карта, овердрафт ва микрокредитлар кесимида қайта таснифланган. Бунда, микрокредитлар таркибига ўзини ўзи банд қилган шахсларга тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда муайян мақсадлар учун фойдаланиш шarti билан 300 млн сўмгача бўлган миқдорда ажратилган маблағлар киритилган.

¹⁰⁷ Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбатининг узок муддатли тренди Базел ёндашувига кўра, чораклик маълумотлар учун 400 000 силликлаш параметридан фойдаланган ҳолда бир томонлама НР фильтри ёрдамида аниқланган.


Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг жами кредитлар портфелидаги улуши ўсишда давом этмоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахслар кредит портфели 220,3 трлн сўмга етди ҳамда банк тизими умумий кредит портфелидаги улуши 2025 йил мос даврига нисбатан 3 фоиз бандга ортиб, 36 фоизни ташкил қилди. Банк тизими чакана кредит портфели таркибида микроқарзлар ҳамда микрокредитлар қолдиғида юқори йиллик ўсиш кузатилиб, мос равишда 46 ва 51 фоизларни ташкил этди. Бундан ташқари, ипотека кредитлар қолдиғи йиллик ҳисобда 17 фоизлик ўсиш қайд этган¹⁰⁸.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ҳамда узоқ муддатли тренди орасида манфий тафовут сақланиб қолмоқда. 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банклар томонидан ажратилган чакана кредит қолдиғининг ЯИМга нисбати 12 фоизга тўғри келиб, узоқ муддатли трендига нисбатан 0,8 фоиз банд манфий тафовут шаклланган. Жисмоний шахслар кредит портфели таркибида юқори улушга эга бўлган ипотека кредитлари ҳамда микроқарзлар қолдиғининг ЯИМга нисбати мос равишда 4 ва 3 фоизларни ташкил этган. Микрокредит ва автокредитлар бўйича ушбу кўрсаткич 2 фоизга тўғри келди.


Аҳоли жон бошига ҳисобланган номинал ЯИМнинг АҚШ долларисидаги қиймати сезиларли ошди. 2025 йил якунига кўра, аҳоли жон бошига ҳисобланган номинал ЯИМнинг АҚШ долларисидаги қиймати 3 879 АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 614 АҚШ долларига ортган. Бунда, номинал ЯИМда кузатилган юқори ўсиш суръатига аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ортиши ҳамда валюта курси ўзгариши 677 АҚШ долларлик ижобий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, доимий аҳоли сони ортишининг пасайтирувчи таъсири 63 АҚШ долларини ташкил этган.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Банк тизими фаолияти кўрсаткичлари.


87-чизма. Аҳоли жон бошига ҳисобланган номинал ЯИМ декомпозицияси*, АҚШ доллари




88-чизма. Аҳоли жон бошига ҳисобланган АҚШ долларидаги номинал ЯИМнинг йиллик ўзгариш декомпозицияси, %



89-чизма. Уй хўжалиги секторида кредит олувчилар сони ва ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган кредит олувчилар сони**



90-чизма. Иш ҳақининг йиллик ўсиши суръати (YoY), %



Манба: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Аҳоли жон бошига ЯИМ муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ ҳажмини мамлакатнинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади. Шунингдек, аҳоли жон бошига номинал ЯИМни АҚШ долларидаги эквиваленти миллий валютадаги аҳоли жон бошига номинал ЯИМ миқдорини ушбу даврдаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача алмашинув курсига бўлиш орқали ҳисобланади.

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони инobatга олинган. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони – муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қиладиган 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардан иборат.


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал ЯИМнинг АҚШ долларларидаги қиймати ўсиш суръатларида жадаллашиш кузатилди. 2025 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМнинг АҚШ доллари эквивалентидаги йиллик ўсиш суръати 19 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 8 фоиз бандга юқорилаган. Мазкур ўзгаришга асосан номинал ЯИМ ҳажмининг ортишига ҳисса қўшиб, 20 фоизлик ижобий таъсир кўрсатган. Шунингдек, валюта алмашинув курсидаги ўзгаришлар 1 фоизлик қўшимча ўсишни таъминлади, аҳоли сонининг ортиши эса ўсиш суръатига 2 фоизлик салбий таъсир кўрсатди.

Кредит олувчиларнинг ўсиш динамикаси сақланиб қолмоқда. Аҳоли даромадлари ортомқда ҳамда кредитга бўлган талаб сақланиб қолмоқда. 2025 йил якунида банк кредитларига эга аҳоли сони 5,2 млн кишига етиб, йиллик 11 фоиз ўсиш қайд этди. Шу билан бирга, ҳар 1 000 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолига тўғри келадиган қарздорлар сони 20 кишига ортиб, 244 кишини ташкил этди. 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ўртача ҳисобланган номинал иш ҳақи йиллик ҳисобда 19 фоизга¹⁰⁹, реал иш ҳақи эса 9 фоизга ўсган.


2025 йилда аҳолининг автомобил харид қилиш қобилияти ошган. Аҳоли даромадларининг ортиши ҳамда автокредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида аҳолининг автокредит орқали транспорт воситалари харид қилиш имкониятлари яхшиланди. 2025 йилда ажратилган автокредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2024 йилга нисбатан 3 фоиз бандга пасайиб, 24 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, автокредитларнинг ўртача тортилган муддати 3,3 йилга тўғри келиб, 2024 йил билан таққослаганда 0,6 йилга қисқарган.

¹⁰⁹ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2025 йил январь-декабрь.


91-чизма. Автомобил харид қилиш қобилияти индекси




92-чизма. Автокредитлар бўйича ўртача тортилган муддатлар ва фоиз ставкалари



93-чизма. Автомобил олди-сотди шартномалари сони, минг дона



94-чизма. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳамда импорт қилинган энгил автомобиллар сони, минг дона



Манба: Адлия вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Божхона қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: Автомобил харид қилиш қобилияти индексининг тушиши аҳоли томонидан автомобил харид қилиш имкониятининг пасайганини, аксинча ортиши эса автомобил харид қилиш имкониятининг ошганлигини англатади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар таркибида махсус энгил автомобиллар инobatга олинмаган.

Автомобиллар бозорида фаоллик сусайган. 2025 йилда автомобиллар бозорида таклиф ҳажми ошган. Ўзбекистонда 2025 йил давомида махсус енгил автомобиллардан ташқари қарийб 403,6 мингта енгил автомобил ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми 2024 йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз шаклланди¹¹⁰. Енгил автомобиллар импорт ҳажми 79,8 мингтани ташкил этиб, йиллик ҳисобда 7 фоизга кўпайган¹¹¹. Шунингдек, импорт таркибида нисбатан арзонроқ автомобиллар улуши ортиши натижасида уларнинг ўртача қиймати 14,7 минг АҚШ долларигача пасайиб, 2024 йил билан солиштирганда 14 фоизга арзонлашган. Айни пайтда, 2025 йил давомидаги автомобил олди-сотди шартномалари сони 665 мингтани ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 22 фоизга камайган.

Автокредитлар бозорида концентрация даражаси пасайишда давом этмоқда. 2025 йил якунига кўра, автокредитлар қолдиғи бўйича НН индекси 1 038 ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 191 бирликка камайган ва паст концентрациялашув гуруҳига яқинлашган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, барча банклар автокредитлар қолдиғи 39,7 трлн сўмни ташкил этиб, жами кредит портфелининг 7 фоизиди шаклланди¹¹². Шу билан бирга, автокредитларнинг чакана кредит портфелидаги улуши нисбатан юқори бўлган айрим банкларда автокредитлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръатлари тезлашган. Ўз навбатида, амалдаги макропруденциал талабларга мувофиқ автокредитларнинг банк кредит портфелидаги улуши 25 фоиздан ошмаслиги белгиланган¹¹³.


¹¹⁰ Миллий статистика қўмитаси. (2025). Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши.

¹¹¹ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси. (2026). Истеъмол товарлар импорти тўғрисида маълумот (Транспорт воситалари).


¹¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Банк тизими фаолияти кўрсаткичлари.

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 8 апрелдаги “Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 7/3-сонли қарори.

95-чизма. Автокредитлар қолдиғи бўйича концентрация даражаси, НН индекси*




96-чизма. Банклар қирқимида автокредитлар ҳолати, % 2026 йил 1 январь**



97-чизма. Микроқарзлар бўйича муаммоли кредитлар, %



98-чизма. Микроқарзлар бўйича муаммоли кредитлар таркиби, %




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳлар: *НН индекси рақобат даражасига кўра паст даражада концентрациялашган (1000 дан паст), ўрта даражада концентрациялашган (1000 дан 1800 гача) ва юқори даражада концентрациялашган (1800 дан юқори) гуруҳларга бўлинади.

**Автокредит қолдиғининг йиллик ўсиш суръати 400 фоиздан юқори бўлган банклар инobatта олинмаган. Шунингдек, узук тўғри чизиқлар банк тизими бўйича 2026 йил 1 январь ҳолатига кўрсаткичларнинг ўртача қийматларини англатади.

99-чизма. Микроқарз олувчилар сони, млн киши




100-чизма. Ҳар бир микроқарз олувчига тўғри келадиган шартномалари сони, дона



101-чизма. Банклар қирқимида жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар ҳолати*, 2026 йил 1 январь



102-чизма. Банклар томонидан ажратилган микроқарзлар қолдиғи бўйича концентрация даражаси, НН индекси**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Микроқарзлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръати 200 фоиздан юқори бўлган банклар инobatга олинмаган. Шунингдек, узук тўғри чизиклар банк тизими бўйича 2026 йил 1 январь ҳолатига кўрсаткичларнинг ўртача қийматларини англатади.

**НН индекси ракобат даражасига кўра паст даражада концентрациялашган (1000 дан паст), ўрта даражада концентрациялашган (1000 дан 1800 гача) ва юқори даражада концентрациялашган (1800 дан юқори) гуруҳларга бўлинади.

Микроқарзлар бўйича муаммоли кредитларнинг қоплаш коэффициенти юқори шаклланди. 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, микроқарзлар бўйича муаммоли кредитлар учун яратилган захиралар миқдорининг муаммоли кредитлардаги улуши 50 фоизга тўғри келиб, 2025 йилнинг мос ҳолатига нисбатан 11 фоиз бандга ошган. Шунингдек, микроқарзлар бўйича муаммоли кредитларнинг жами микроқарзлардаги улуши 2025 йил якунида 4 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан деярли ўзгаришсиз шаклланган.

Микроқарзлар бўйича муаммоли кредитларнинг сифат таркиби биров ёмонлашган. 2025 йил якунига кўра, микроқарзлар бўйича муаммоли кредитларнинг 49 фоизи “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ҳиссасига тўғри келган. Мазкур кўрсаткич 2024 йил билан таққослаганда 2 фоиз бандга юқорилаган. Микроқарзлар сифатининг ёмонлашиши мазкур сегментда кредит хатари билан боғлиқ хавотирлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Битта қарздорга тўғри келадиган микроқарз шартномалар сони ортиб бормоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банкларидан микроқарз олувчилар сони қарийб 2,7 млн кишини ташкил этиб, 2025 йил мос даври билан таққослаганда 16 фоизга ошган. Шунингдек, ҳар бир микроқарз олувчига тўғри келадиган ўртача шартномалар сони 1,7 тадан 1,9 тагача кўпайган. Бу ҳолат, микроқарзлар бўйича бир нечта қарз мажбуриятларига эга жисмоний шахсларда қарз юкининг ошишига ҳамда банкларда кредит йўқотишлари юзага келиш хавфини кучайтириши мумкин.

Микроқарзлар бўйича концентрация даражаси пасаймоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, микроқарзлар қолдиғи бўйича НН индекси 920 ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2025 йил мос даврига нисбатан 76 бирликка камайиб, паст концентрациялашув гуруҳида шаклланган. Шу билан бирга, микроқарзлар қолдиғи 48,9 трлн сўмга етди ҳамда жами кредит портфелидаги улуши 8 фоизни ташкил этди. Банк тизимида микроқарзлар бўйича концентрация даражаси камайганига қарамасдан, баъзи банклар кредит портфели таркибида микроқарзлар улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда.

4-ҳавола. Аҳоли қарз юки сўровномаси

Марказий банк томонидан Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари бўйича жами 5,8 минг респондентлар иштирокида 2026 йил I ярим йиллиги учун аҳоли қарз юки даражасини аниқлаш бўйича навбатдаги сўровнома¹¹⁴ ўтказилди. Аҳоли қарз юки даражасини баҳолашда респондентларнинг банк ва банкдан ташқари ташкилотлар олдидаги мажбуриятлари инобатга олинган.

Сўровнома иштирокчилари орасида оила аъзолари сони 5 кишидан иборат бўлган респондентлар энг катта улушга эга бўлиб, 28 фоизни ташкил этди. Шунингдек, респондентларнинг катта қисми асосий меҳнат фаолияти бўйича оилавий ўртача ойлик даромади 12 млн сўмгача эканлигини қайд этган.

Бундан ташқари, жами респондентларнинг 19 фоизи қўшимча даромад манбаига эга эканини билдирган. Хусусан, мазкур респондентларнинг 58 фоизида 4 млн сўмгача бўлган қўшимча ойлик даромади мавжуд.

Жами респондентларнинг 77 фоизи ўзи ёки оила аъзоларидан бирида банк ва банкдан ташқари қарз мажбуриятлари мавжудлигини қайд этган. Шу билан бирга, респондентларнинг 68 фоизи банкдан қарз мажбуриятига эга бўлиб, ушбу респондентларнинг ҳар бешдан бирида банкдан ташқари қарз мажбуриятлари ҳам мавжуд.

Қарз маблағларининг 20 фоизи уй-жой сотиб олиш ёки таъмирлаш, 18 фоизи автомобил харид қилиш мақсадида жалб қилинган. Шунингдек, қарз мажбуриятига эга респондентларнинг 8 фоизи мавжуд қарзни сўндириш учун қарз жалб қилганлигини қайд этишган.

Жами респондентларнинг 68 фоизида барча қарз мажбуриятлари бўйича ойлик тўлов миқдори 6 млн сўмдан кам суммани ташкил этмоқда. Шу билан бирга, респондентларнинг 48 фоизи қарз мажбуриятлари бўйича тўлов муддати 3 йилдан кам қолаётганлигини билдиришган. Қарз мажбуриятлари бўйича қолган тўлов муддати 5 йил ва ундан ортиқ дея таъкидлаган респондентларнинг улуши 27 фоизни ташкил этган.


Респондентларнинг 61 фоизи қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтаришда қийинчиликларга дуч келаётганлигини маълум қилишган. Шунингдек, қарз мажбурияти мавжуд респондентларнинг 47 фоизи кейинги 6 ой давомида тўлов қобилиятининг яхшиланишини, 42 фоизи ўзгариш бўлмаслигини кутмоқда.

Жами респондентларнинг 15 фоизи кейинги 6 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари томонидан қўшимча қарз олишга эҳтиёж борлигини билдирган. Хусусан, ушбу респондентларнинг чорак қисми қарз маблағлар ҳисобига уй-жой сотиб олиш ёки таъмирлашни режалаштирган.


¹¹⁴ Марказий банк томонидан мазкур сўровнома 2026 йил 20–27 январь кунлари ўтказилган.

Аҳолининг қарз юки бўйича сўровнома намунаси 2024 йил I ярим йиллиги учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.


103-чизма. Оила аъзолари сони, %




104-чизма. Oilанинг асосий иш фаолияти бўйича ўртача ойлик даромади, %




105-чизма. Oilада қўшимча даромаднинг мавжудлиги




106-чизма. Oilанинг қўшимча ойлик даромади, %



107-чизма. Банк ва банкдан ташқари қарз мажбуриятининг мавжудлиги




108-чизма. Банкдан қарз мажбуриятининг мавжудлиги



Манба: Марказий банк сўровномаси.


109-чизма. Банкдан қарздор респондентларнинг банкдан ташқари мажбуриятларининг мавжудлиги




110-чизма. Банк ва банкдан ташқари олинган қарзларнинг мақсадлари, %




111-чизма. Жами қарз мажбуриятлари бўйича ойлик тўлов миқдори, %




112-чизма. Жами қарз мажбуриятлари бўйича қолган тўлов муддати, %



113-чизма. Қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтаришдаги қийинчиликларнинг мавжудлиги




114-чизма. Кейинги 6 ой давомида тўлов қобилиятидаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк сўровномаси.


115-чизма. Кейинги 6 ой давомида қўшимча қарз олиш режалари



116-чизма. Кейинги 6 ой давомида олиниши режалаштирилган қарз мақсадлари, %



117-чизма. Банкдан қарздор респондентларнинг қарз юки тақсимоти



Манба: Марказий банк сўровномаси.

Банкдан қарздор респондентларнинг жами мажбуриятлари бўйича ўртача қарз юки даражаси¹¹⁵ 51 фоизни ташкил этди¹¹⁶ ва медиана кўрсаткичи 47 фоизга тўғри келди. Шунингдек, қарз юки тақсимоти бўйича респондентларнинг 47 фоизида қарз юки даражаси 50 фоиздан юқори даражада шаклланган. Ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра 1 фоиз бандга пасайган бўлиб, аҳоли қарз юки даражасида бироз яхшиланиш кузатилганлигини кўрсатмоқда.

¹¹⁵ Банк кредитлари мавжуд респондентларнинг жами ўртача қарз юки даражаси банк ва банкдан ташқари қарз мажбуриятлари бўйича жами ойлик тўлов миқдорининг жами асосий ва қўшимча ойлик даромадларига нисбати орқали ҳисобланган.

¹¹⁶ Респондентларнинг ойлави асосий ва қўшимча ойлик даромадлари, харажатлари, шунингдек қарзлари бўйича ойлик тўловлар миқдорини аниқлашда жавобларда келтирилган оралиқларнинг юқори ва қуйи чегараларининг ўртача қиймати инобатга олинган. Шунингдек, юқоридан чегараланмаган оралиқнинг шартли юқори чегараси, ушбу оралиқнинг қуйи чегарасига олдинги оралиқ катталигини (юқори ва қуйи чегаралари орасидаги фарк) қўшиш орқали аниқланган.


3.2. Корпоратив сектор

Корпоратив секторда хавотирлар пасайган. Миллий валютанинг мустаҳкамланиши ҳамда корпоратив кредитлар таркибида миллий валютадаги кредитлар улушининг ортиши ушбу секторда валюта хатарларининг маълум даражада пасайишига хизмат қилди. Шунингдек, корпоратив секторда таҳлил этилган корхоналар даромадлигининг ошиши, молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг яхшиланиши ушбу корхоналар молиявий ҳолати мустаҳкамлангани ҳамда мажбуриятларни бажара олмаслик эҳтимоли камайганини кўрсатмоқда.


Хорижий валютада ажратилган кредитлар қолдиғининг АҚШ доллари эквивалентидаги қиймати ошмоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига корпоратив кредитлар йиллик ҳисобда 8 фоизга ўсиб, 383,7 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, корпоратив кредитлар ўсиш суръатининг секинлашишига хорижий валютада ажратилган кредитлар қолдиғининг сўм эквивалентидаги ўсиши пасайгани таъсир кўрсатди. Хусусан, 2025 йил якунида хорижий валютадаги кредитлар қолдиғининг сўм эквивалентидаги қиймати 236,8 трлн сўмга етиб, 4 фоиз бандга ошган. Хорижий валютада ажратилган кредитлар ҳажми АҚШ доллари эквивалентида 11 фоизга ошган. 2025 йил давомида юридик шахсларга хорижий валютада ажратилган кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкаси 10 фоиз атрофида шаклланди. Шу билан бирга, миллий валютада ажратилган корпоратив кредитлар миқдори йиллик ўсиш суръати 16 фоизда шаклланиб, 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига 146,9 трлн сўмга етди.

Юридик шахслар кредит портфели қолдиғининг ЯИМга нисбати ва унинг узоқ муддатли тренди ўртасидаги манфий шаклланган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, корпоратив кредитлар қолдиғининг ЯИМга нисбати 21 фоизни ташкил этиб, узоқ муддатли трендига нисбатан манфий тафовут шаклланган. Шунингдек, корпоратив кредитлар портфели таркибида асосий улушни эгаллаган саноат тармоғи бўйича кредитлар қолдиғи йиллик ҳисобда 7 фоизга қисқариб, 143 трлн сўмда шаклланди. 2025 йил якунига кўра, саноат тармоғига ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 8 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, қурилиш тармоғига ажратилган кредитлар қолдиғида 46 фоизлик юқори ўсиш кузатилди.


118-чизма. Корпоратив кредит қолдиқлари ва йиллик ўсиш суръати




119-чизма. Хорижий валютадаги корпоратив кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка, %



120-чизма. Тармоқлар бўйича корпоратив кредит қолдиқларининг йиллик ЯИМга нисбати, %




121-чизма. Юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути, фоиз банд




Манба: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоблари.


122-чизма. Мажбуриятларнинг капиталга нисбати ҳамда зарар кўраётган корхоналар улуши, %




123-чизма. Фоизли харажатларни қоплаш коэффициенти, %



124-чизма. Мутлақ ҳамда жорий ликвидлик коэффициенти, %



125-чизма. Активлар рентабеллиги, %



Манбалар: Корпоратив ахборот ягона портали, корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари ва Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Изоҳлар: Таҳлилда йирик солиқ тўловчи ва (ёки) йирик қарзи мавжуд бўлган 440 та корхона маълумотлари асосида аниқланган.

Фоизли харажатларни қоплаш коэффициенти солиқ тўлагунга қадар соф фойдани фоизли харажатлар миқдорига нисбати орқали ҳисобланади. Фоизли харажатларни қоплаш коэффициенти корхонанинг солиқ тўлангунга қадар соф фойдаси унинг қарзлари бўйича фоизли харажатларини неча баробарига қоплаши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг 100 фоиздан паст бўлиши корхона жорий даромадларидан фойдаланган ҳолда фоиз тўловлари бўйича қарз мажбуриятларини бажара олмаслиги ва натижада дефолт хавфи юқори эканлигидан огоҳлантиради.

Корпоратив секторда таҳлил қилинган корхоналар¹¹⁷ левераж коэффиценти пасайди. 2025 йил якуни бўйича корхоналар мажбуриятининг капиталга нисбати 152 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 7 фоиз бандга камайди. Шунингдек, таҳлил этилган ташкилотлар бўйича зарар кўраётган корхоналар улуши 2 фоиз бандга камайиб, жами корхоналарнинг 37 фоизини ташкил этди. Бу ўз навбатида, корхоналарнинг молиявий ҳолати яхшилангани ҳамда мажбуриятларни бажариш бўйича тўлов қобилияти ортганлигини ифодалайди.

Корхоналарда фоизли харажатларни қоплаш ҳолати яхшиланган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, корхоналарда фоизли харажатларни қоплаш коэффиценти ортиб, 937 фоизга етган. Бунда, корхоналар даромадининг ўсиши ҳамда зарар кўраётган корхоналар улушининг камайиши ҳисобига ушбу кўрсаткич яхшиланди. Шу билан бирга, 51 фоиз корхоналарда фоизли харажатларни қоплаш коэффиценти 100 фоиздан паст бўлиб, бу 2024 йил мос даврига нисбатан деярли ўзгаришсиз шаклланди.

Корхоналарнинг ликвидлилик ҳолати мустаҳкамланган. 2025 йил якуни бўйича корхоналар мутлақ ликвидлилик коэффиценти¹¹⁸ 11 фоизни ташкил этган бўлиб, 2024 йил мос даври билан солиштирганда 4 фоиз бандга ўсган. Шу билан бирга, жорий ликвидлилик коэффиценти¹¹⁹ йиллик 2 фоиз бандга ошиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 131 фоизда шаклланган. Ушбу ҳолат корхоналарнинг қисқа муддатли мажбуриятларни ўз вақтида қоплаш имконияти мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Корхоналарнинг рентабеллиги ортмоқда. 2025 йил якунига кўра, корхоналарнинг активлар рентабеллиги 19 фоизни ташкил этган. 2025 йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич йиллик ҳисобда 8 фоиз бандга ошган.

¹¹⁷ Корпоратив секторни таҳлил қилишда йирик қарз оловчи ва йирик солиқ тўловчи ташкилотлар орасидан маълумотларнинг мавжудлиги асосида 440 та корхона танлаб олинган.

¹¹⁸ Мутлақ ликвидлилик коэффиценти корхонанинг пул маблағлари унинг жорий мажбуриятларини қандай даражада қоплашини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич корхонанинг энг ликвид бўлган пул маблағларининг жорий мажбуриятларга нисбати орқали ҳисобланган.

¹¹⁹ Жорий ликвидлилик коэффиценти жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичнинг 100 дан юқори бўлиши корхонанинг молиявий ҳолати барқарор эканлигини билдиради. Молиявий барқарорлик шарҳларида корпоратив секторда таҳлил қилинадиган корхоналар рўйхати йирик қарз оловчилар таркибининг янгилаб борилиши ҳамда маълумотларнинг мавжудлиги туфайли ўзгариши мумкин.

IV. Активлар бозори

4.1. Кўчмас мулк бозори


Уй-жойларнинг бозор нархи баҳоланган ўртача фундаментал нарх атрофида шаклланди. Кўчмас мулк бозорида талабни рағбатлантирувчи омиллардаги ижобий ўзгаришлар уй-жойларнинг фундаментал қийматини ортишида ўз ифодасини топган. Жумладан, уй-жой таклифининг ортиши ҳамда бозор нархларида кузатилган тузатишлар шароитида аҳоли даромадининг кўпайиши ҳамда ипотека кредит ажратиш шартларининг енгиллашиши натижасида аҳолининг уй-жой харид қилиш қобилияти яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, кўчмас мулк бозорида фаолликнинг ортишига таъсир кўрсатди ва талабни рағбатлантирди.

Уй-жойларнинг бозор нархи фундаментал нархларнинг стандарт четланиш оралиғига қайтди. 2025 йилда уй-жойларнинг бозор нархи кўчмас мулк бозорида уй-жойларнинг фундаментал қийматини баҳолаш бўйича нарх ва даромад, Bayesian state space model (BSSM), квантил регрессия ҳамда потенциал талаб (Potential Demand) модел натижалари бўйича ўртача қийматига нисбатан бир стандарт четланиш оралиғида шаклланди. Ушбу ҳолат, кўчмас мулк бозорида бозор нархларининг шаклланишида фундаментал омилларнинг таъсири ортганлигини ифодаламоқда.


Миллий валюта курсининг мустаҳкамланиши уй-жой нархларидаги тузатишларни хорижий валюта эквивалентида енгиллашига хизмат қилди. 2025 йил якуни бўйича уй-жойларнинг бозор нархи йиллик ҳисобда 4,8 фоизга камайди¹²⁰. 2025 йилда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курсининг мустаҳкамланиши ҳисобига уй-жой нархлари хорижий валюта эквивалентида йиллик 1,5 фоизга ошди.

¹²⁰ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Уй-жойларнинг нархлари индекси динамикаси (ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан).

126-чизма. Уй-жойларнинг бозор ва фундаментал нархлари, 1 м² учун млн сўмда



127-чизма. Уй-жойларнинг бозор нархи ва фундаментал нархлар ўртачаси бўйича стандарт четланиш орилиғи



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Уй-жойларнинг ўртача фундаментал нархи нарх ва даромад¹²¹, Bayesian state space model¹²², квантил регрессия¹²³ ҳамда потенциал талаб моделлари орқали аниқланган фундаментал нархларнинг оддий ўртача арифметик қийматини ҳисоблаш орқали топилган.

Чизмадаги тўртбурчак шакл уй-жойларнинг бозор ва ўртача фундаментал нархлари орасидаги фарқни кўрсатади. Агар бозор нархи ўртача фундаментал нархидан катта бўлса, тўртбурчакнинг ички қисми тўлиқ бўялган ва аксинча кичик бўлса, оқ рангда бўлади.

Уй-жойларнинг ўртача бозор нархи очиқ интернет веб-саҳифаларидаги эълонлар асосида ҳисобланган бўлиб, олди-сотди шартномалар ушбу нархларда тузилганлигини билдирмайди.

Ўзбекистон бўйича уй-жойларнинг ўртача бозор нархи ҳудудлар кесимида ўртача уй-жой нархлари ва олди-сотди шартномалар сонидан келиб чиққан ҳолда нархларнинг ўртача тортилган қиймати орқали аниқланади. Ҳудудлар бўйича уй-жойларнинг ўртача бозор нархи якка тартибдаги уй-жойлар ва кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг ўртача нархлари ва олди-сотди шартномалар сонидан келиб чиққан ҳолда нархларнинг ўртача тортилган қиймати орқали ҳисобланади.


Фундаментал нархлар ўртачаси бўйича стандарт четланиш орилигининг қуйи чегараси модел натижалари ўртача қийматидан ушбу ўртача фундаментал нархнинг барча даврлар учун умумий ҳисобланган стандарт четланишини айириш орқали аниқланади. Фундаментал нархлар ўртачаси бўйича стандарт четланиш орилигининг юқори чегараси эса, модел натижалари ўртача қиймати ва ушбу ўртача фундаментал нархнинг барча даврлар учун умумий ҳисобланган стандарт четланиш йиғиндиси орқали ҳисобланади.

¹²¹ Нарх ва даромад модели методологияси 2022 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.


¹²² Bayesian state space model (BSSM) методологияси 2024 йил I ярим йиллик учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

¹²³ Квантил регрессия модели методологияси 2024 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.


128-чизма. Уй-жойларнинг бозор нархи индекслари (2020 Q1=100)




129-чизма. Қурилиш-монтаж ишлари, %



130-чизма. Ишга туширилган янги хонадонлар сони, минг дона



131-чизма. Уй-жойлар сони, млн дона



Манбалар: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Қурилиш-монтаж ишлари нархининг йиллик ўсиш суръати бироз тезлашган. 2025 йил якунига кўра, қурилиш-монтаж ишлари нархлари йиллик 5,6 фоизга ўсиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоиз бандга ошган¹²⁴. Хусусан, қурилиш-монтаж ишлари харажатларининг ортиши шароитида кўчмас мулк бозорида уй-жойлар нархининг камайиши ўтган даврларда юқори баҳоланган нархлардаги тузатишлар билан изохлаш мумкин.

2025 йилда кўчмас мулк бозорида таклиф ҳажми ортди. 2025 йилда қурилиш ишлари ҳажмининг ЯИМга нисбати 17 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 1,7 фоиз бандга ортган. Қурилиш ишлари ҳажмининг ошиши кўчмас мулк бозорида қўшимча таклифни яратган. Хусусан, 2025 йил давомида ишга туширилган янги хонадонлар сони 2024 йилга нисбатан 3,6 фоизга кўпайди ва 69,1 мингтани ташкил этди¹²⁵. Шунингдек, 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 7,7 млн дона уй-жойлар мавжуд¹²⁶.

Аҳолининг ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш қобилияти мустаҳкамлана бошлади. Банклар томонидан ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларнинг нисбатан пасайиши ва кредит сўндириш муддатининг узайиши ипотека кредитлари учун сарфланадиган ойлик тўлов миқдорини камайишига сабаб бўлди. 2025 йилда ипотека кредит ажратиш шартларининг нисбатан енгиллашганлиги билан бирга ўртача ойлик номинал иш ҳақининг 19 фоизга ўсганлиги¹²⁷ ҳисобига аҳолининг ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш имкониятлари яхшиланди. Жумладан, аҳолининг уй-жой харид қилиш қобилияти индекси 2025 йил давомида 115 фоиздан 126 фоизгача ошди. Уй-жой харид қилиш қобилиятининг ортиши 2025 йилда шахсий уй-жойга эга бўлмаган уй хўжаликлари сонининг 2024 йилга нисбатан 34,7 мингтага камайишида ўз ифодасини топган.


¹²⁴ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва қурилиш ишлари бўйича нархлар индекси динамикаси (ўтган ойга нисбатан).

¹²⁵ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ишга туширилган хонадонлар сони (чораклик).

¹²⁶ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Квартира (уй)лар сони.

¹²⁷ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи (чораклик).


132-чизма. Уй-жой харид қилиш қобилияти индекси*, %




133-чизма. Шахсий уй-жойга эга бўлмаган уй-хўжаликлари сони ва жами уй-хўжаликлардаги улуши



134-чизма. Уй-жой нархларининг аҳоли жон бошига ҳисобланган номинал ЯИМга нисбати, %**



135-чизма. Уй-жой нархининг ижара ҳаққига нисбати*, индекс**



Манбалар: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Уй-жой харид қилиш қобилияти индексининг пасайиши аҳоли томонидан уй-жой харид қилиш имкониятининг пасайганини, аксинча ортиши эса уй-жой харид қилиш имкониятининг ортганини англатади.

**Уй-жойларнинг ўртача нархи очик интернет веб-саҳифаларидаги эълонлар асосида ҳисобланган бўлиб, уй-жойларнинг 1 кв. метр учун тўғри келадиган ўртача нархни ифодалайди.

***Уй-жой нархлари йиллик ўсиш суръатининг ижара ҳақларининг йиллик ўсиш суръатига нисбати инобатга олинган.

Аҳолининг умумий даромадлари уй-жой нархларига нисбатан сезиларли даражада тезроқ ўсган. 2025 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 48,8 млн сўмни ташкил этиб¹²⁸, 2024 йилга нисбатан номинал ҳисобда 18 фоизга ошди. Аҳоли жон бошига ЯИМ миқдорининг ортиши ва уй-жой нархларининг арзонлашиши ҳисобига 2025 йил якунида уй-жой бозор нархларининг аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМга нисбати 19 фоизгача пасайди.


Бозор иштирокчилари активлар нархининг ўсишига эмас, балки барқарор ижара даромадига таянувчи эҳтиёткорона сармоёга ўтмоқда. Уй-жой нархларининг йиллик ўсиши ижара ҳақлари ўсишига нисбатан паст шаклланди. 2025 йилда уй-жой нархлари ўсиш суръатининг ижара ҳақлари ўсишига нисбатининг бирдан паст даражага тушиши кўчмас мулк бозорига инвестиция киритиш хусусияти ўзгарганлигидан далолат беради. Хусусан, талаб томонидан уй-жойга бўлган спекулятив қизиқишнинг сусайиши нархлардаги тузатишларни келтириб чиқарувчи омиллардан бўлди. Кўчмас мулк бозоридаги ижара ҳақлари қарийб 3 фоизга ўсди¹²⁹.

Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг ўсиши шароитида уй-жой нархларида тузатишлар кузатилмоқда. 2025 йил якунига кўра, Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақининг йиллик ўсиш суръати уй-жой нархлари ўсишига нисбатан 24 фоиз бандга юқорироқ бўлди. 2025 йил якуни бўйича Ўзбекистонда уй-жой нархлари йиллик ўсиш суръатининг ўртача ойлик иш ҳақининг йиллик ўсиш суръатига нисбати Европа ва Марказий Осиё давлатларининг интерквартил оралиғининг пастки чегарасидан пастроқ шаклланишида ўз ифодасини топди.


¹²⁸ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти.

¹²⁹ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ўзбекистон Республикаси бўйича барча товар ва хизматлар нархлари индекси, ўтган ойга нисбатан.


6-чизма. Уй-жой нархининг ўртача иш ҳақиға нисбати*, индекс




137-чизма. Ўзбекистонда аҳоли сонининг йиллик ўсиши, %



138-чизма. Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари¹³⁰ бўйича аҳоли зичлиги (1 км² га тўғри келадиган аҳоли сони), киши



139-чизма. Европа ва Марказий Осиё давлатлари¹³¹ бўйича уй-жой нархининг ўртача иш ҳақиға нисбати, индекс



— Интерквартил оралиқ
 — Медиана
 — Ўзбекистон

Манбалар: Бирлашган миллатлар ташкилоти, ваколатли давлат органлари, Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: *Уй-жой нархлари йиллик ўсиш суръатининг ўртача ойлик иш ҳақининг йиллик ўсиш суръатига нисбати инобатга олинган.

¹³⁰ Халқаро валюта жамғармаси таснифининг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари гуруҳи бўйича Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари инобатга олинган.

¹³¹ Жаҳон банки таснифининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари гуруҳи бўйича Арманистон, Болгария, Венгрия, Германия, Грузия, Кипр, Латвия, Норвегия, Озарбайжон, Фарер ороллари, Шимолий Македония ва Ўзбекистон давлатлари инобатга олинган.


Ўзбекистон кўчмас мулк бозорида демографик омил таъсири камаймоқда. 2025 йил якунига кўра Ўзбекистон доимий аҳолисининг йиллик ўсиш суръати 2024 йилдаги 2 фоизлик кўрсаткичдан 1,8 фоизгача пасайди. Хусусан, 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 38,2 млн кишини ташкил этиб, мамлакат ҳудудининг 1 км² майдонига ўртача 85 киши тўғри келди¹³². Жумладан, Ўзбекистонда аҳоли зичлиги 2025 йил якунида Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари интерквартил оралиғининг юқори чегарасидан пастроқ шаклланди.

Кўчмас мулк бозорида фаоллик орта бошлади. 2025 йил давомида турар жой билан боғлиқ нотариал имзоланган олди-сотди шартномалар сони 2024 йилга нисбатан 15 фоизга ортиб, 295,4 мингтани ташкил этди. Жумладан, 2025 йилда аҳоли умумий даромадларининг реал ҳисобда 9,2 фоизга ўсиши¹³³, шунингдек шахсий уй-жойга эга бўлган уй-хўжаликлари сонининг 2024 йилга нисбатан 207,3 мингтага кўпайиши кўчмас мулк бозоридаги фаолликни ортишида ўз ифодасини топди. Шунингдек, 2025 йилда аҳолига ипотека кредитлари ажратиш кўлами ортди. Бунда, уй-жой олди-сотди шартномаларининг 24 фоизи ажратилган ипотека кредитлари ҳисобига тўғри келган.


¹³² Миллий статистика қўмитаси. (2026). Ўзбекистон Республикасида демографик ҳолат.

¹³³ Миллий статистика қўмитаси. (2026). Аҳоли реал умумий даромадлари ўсиш суръатлари (чораклик).


140-чизма. 2026 йил 1 январь ҳолатига банклар қирқимида I даражали капитал ва ипотека кредитларни жами кредитларга нисбати*, %




141-чизма. Аҳолига ажратилган ипотека кредитларнинг ўртача миқдори, млн сўм



142-чизма. Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари сони, мингта



143-чизма. Ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган ипотека кредит олувчилар сони, киши**




Манбалар: Миллий статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳлар: *Чизмада I даражали капитални жами кредитларга нисбати 60 фоиздан юқори бўлган банклар инobatга олинмаган.

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони инobatга олинган. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони – муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардан иборат.


144-чизма. Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари сонининг уй-жой олди-сотди шартномалари сонигаги улуши, %




145-чизма. Уй-жой олди-сотди шартномалари сони*, мингта



146-чизма. Аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси, %



147-чизма. Аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг ўртача тортилган муддати, йил



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: *Якка тартибдаги уй-жойлар ва кўп қаватли уйлардаги хонадонлар бўйича нотариал расмийлаштирилган турар жой билан боғлиқ олди-сотди шартномалари сони ҳисобга олинган.

Кўчмас мулк бозорида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг аксарият банкларга таъсири пасайган. 2026 йил 1 январь ҳолатида, банк тизими бўйича ипотека кредитларининг жами кредит портфелидаги улуши 13 фоизни¹³⁴, I даражали капитални жами кредитларга нисбати 21 фоизни ташкил этди. Кредит портфели таркибида ипотека кредитлари нисбатан юқорироқ бўлган айрим банкларда жами кредитларга нисбатан I даражали капитал миқдорининг паст шаклланганлиги ҳисобига кўчмас мулк бозоридаги тузатишлар ушбу банклар тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банклар томонидан ипотека кредитларини ажратиш кўлами кенгайган. 2025 йил давомида аҳолига банклар томонидан 70,4 мингта ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 20 фоизга кўпайган¹³⁵. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли таркибида ҳар 1000 кишига тўғри келадиган ипотека кредит олувчилар сони 2025 йилда 18 кишидан 20 кишига етди. Аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг ўртача миқдори 2025 йилда 2024 йилдаги 290,5 млн сўмдан 301,3 млн сўмгача ошди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ортиши ва ипотека кредит шартларининг енгиллашганлигидан далолат бериб, ипотека кредитлари кўчмас мулк бозоридаги талабнинг ошишига таъсир кўрсатди.

Банкларнинг ипотека кредит стандартлари енгиллашган. 2025 йилда аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг ўртача тортилган сўндириш муддати 17,2 йилни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 0,6 йилга узайган. Шунингдек, 2025 йилда ўртача тортилган ипотека кредит фоиз ставкаси 19,2 фоизда шаклланиб, 2024 йилга нисбатан 0,6 фоиз бандга пасайган. Бунда, ипотека кредитлаш шартларининг енгиллашиши аҳолини уй-жой харид қилиш имкониятларини ошириб, кўчмас мулк бозоридаги талабни оширувчи таъсир кўрсатади.

¹³⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредитлар колдиғи тўғрисида кредитлар турлари бўйича маълумот.

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). 2025 йил Статистик бюллетень.

5-ҳавола. Уй-жойларнинг фундаментал нарҳини аниқлаш бўйича потенциал талаб модели

Кўчмас мулк бозорида уй-жойларнинг фундаментал қийматини янада аниқроқ баҳолаш, шунингдек нарх шаклланишини талаб томонидан таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида потенциал талаб модели¹³⁶ ишлаб чиқилди (З-илова).

Ушбу модел иқтисодиётда банд бўлган аҳоли томонидан кўчмас мулк бозорида яратилиши мумкин бўлган талаб асосида фундаментал қийматини баҳолашга асосланади. Хусусан, уй-жойга бўлган потенциал талаб меҳнат билан банд аҳоли томонидан кўчмас мулк бозорида шакллантирилиши мумкин бўлган умумий харид имкониятлари асосида баҳоланади.

Уй-жойга бўлган потенциал талаб миқдорини аҳоли даромади, жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи, ипотека кредитларининг фоиз ставкаси ва муддатидан келиб чиқиб баҳолаш, шунингдек потенциал талаб миқдори таъсирида шаклланадиган уй-жой нархларининг фундаментал қийматини аниқлаш бир нечта босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич. Аҳоли ихтиёридаги жами ойлик даромад миқдорини ҳисоблашда, меҳнат билан банд жами аҳоли сони солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан кейинги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига кўпайтирилади.

Иккинчи босқич. Жисмоний шахсларнинг мавжуд банк кредитлари бўйича ойлик тўлов миқдори аниқланади. Бунда, аҳолининг банклардан олган кредитлари қолдиғи, шунингдек мазкур кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси ва муддатидан келиб чиқиб, ўртача ойлик кредит тўлов миқдори ҳисобланади.

Учинчи босқич. Аҳолининг уй-жой харид қилиш имкониятлари меҳнат билан банд бўлган аҳоли ихтиёридаги даромад миқдоридан жисмоний шахсларнинг банк кредитлари бўйича ойлик тўловларни айириб ташлаш орқали аниқланади.

Тўртинчи босқич. Аҳолининг уй-жой харид қилиш имкониятлари билан бирга ипотека кредитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ва сўндириш муддати орқали потенциал талаб миқдори аниқланади. Бунда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиқлар, мажбурий тўловлар ва кредит бўйича ойлик тўловларни тўлагандан кейин қоладиган ойлик даромади орқали қанча миқдордаги ипотека кредитларини жалб қилиш имкониятлари баҳоланади.

Бешинчи босқич. Уй-жойларнинг фундаментал нархи потенциал талаб ва модел орқали баҳоланган коэффициентлар орқали қуйидагича ҳисобланади:

$$FP_t = e^{\alpha \cdot \ln(D_t) + \beta}$$

Бу ерда,

FP – уй-жойларнинг фундаментал нархи;

D – потенциал талаб;

α, β – номаълум коэффициентлар;


t – чораклар.

¹³⁶ Cesnak, M., Klasco, J., Kupkovič, P., Moravčík, A., Rychtárik, Š., & Vrbovský, R. (2024). Assessing residential real estate prices in Slovakia: possible approaches and indices. National Bank of Slovakia.


Олтинчи босқич. Номалум коэффициентлар уй-жойларнинг бозор нархи ва потенциал талаб миқдори орасидаги тарихий боғлиқликдан келиб чиқиб, энг кичик квадратлар усули (Ordinary Least Square, OLS) модели орқали аниқланади.

Потенциал талаб модели орқали уй-жойларнинг фундаментал нарhini баҳолашда меҳнат билан банд жами аҳоли сони, аҳоли ихтиёридаги даромади, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи, ипотека кредитларининг фоиз ставкаси ва сўндириш муддати каби омиллар инобатга олинади.

148-чизма. Уй-жой харид қилиш имкониятининг йиллик ўзгариш декомпозицияси



149-чизма. Потенциал талаб миқдорининг йиллик ўзгариш декомпозицияси



Манбалар: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

2025 йил якуни бўйича жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2024 йилга нисбатан 24 фоизга ортди. Меҳнат билан банд бўлган жами аҳоли сони 5 фоизга, ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 19 фоизга ортиши уй-жой харид қилиш имкониятларини оширди. Аҳолининг уй-жой харид қилиш имкониятларининг ортиши, шунингдек банклар томонидан ипотека кредитларини ажратиш шартларининг энгиллашганлиги натижасида кўчмас мулк бозорида юзага келиши мумкин бўлган потенциал талаб миқдори 2025 йил давомида 29 фоизга кўпайди.

Меҳнат билан банд жами аҳоли сонининг ортиши ва уларнинг ўртача ойлик даромадининг кўпайиши ялпи даромад ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатган. Даромаднинг ортиши, шунингдек ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкасининг пасайиши ҳамда сўндириш муддатининг узайиши аҳолининг уй-жой харид қилиш имкониятларини кенгайтириб, кўчмас мулк бозорида юзага келиши мумкин бўлган потенциал талабни оширган. Уй-жойга бўлган потенциал талабнинг ортиши эса, ўз навбатида, кўчмас мулк бозорида уй-жойларнинг фундаментал нархи ўсишига туртки бўлган.

4.2. Капитал бозори

Глобал ноаниқликлар шароитида Ўзбекистон капитал бозорида фаоллик кузатилди. Акция ва корпоратив облигациялар бозорининг сезиларли фаоллашуви билан бирга листингдан ташқари савдо майдончасидаги савдолар кўлами ҳам ортган. Шу билан бирга, тижорат банкларининг капитал бозоридаги иштироки ва уларнинг банк тизимига таъсири ошди. Халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон суверен кредит рейтингининг юқори баҳоланиши ҳамда давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлиликнинг пасайиши мамлакатга нисбатан инвесторларнинг хатар кутилмалари пасайганлиги ва суверен еврооблигацияларга талабнинг ортганидан далолат беради.

Котировкалаш варағидаги эмитентларнинг акциялар нархи фонд биржа савдоларида қимматлашган. 2025 йил якунида UCI индекси 2024 йилга нисбатан 89 бирликка ошиб, 744 кўрсаткични қайд этди. Котировкалаш варағига киритилган акция эмитентлари сонининг 89 тадан 85 тагача пасайишига қарамай, UCI индексидаги¹³⁷ ўсиш акциялар бозор нархининг ортиши¹³⁸ таъсирида юзага келган.

Корпоратив облигациялар бозори кенгаймоқда. 2025 йилда амалга оширилган корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 1,7 трлн сўм миқдорида шаклланиб, 2024 йилга нисбатан 4,5 баробар кўпайди. Шундан, банк облигациялари бўйича 0,9 млрд сўм миқдорида савдолар амалга оширилди. 2025 йилда корпоратив облигациялар бозорида биржа котировкалаш варағидаги эмитентларнинг 26 та инструментлари билан 11,8 мингга яқин битимлар тузилиб¹³⁹, ҳар бир битимнинг миқдори ўртача 144,5 млн сўмда шаклланди.

¹³⁷ UCI куйидаги формула орқали аниқланади:

$$UCI = \frac{Market\ Cap_{current\ date}}{Market\ Cap_{base\ date}} * Base\ index$$

Бу ерда,

Market Cap_{current date} – биржа котировкалари рўйхатида киритилган барча акция эмитентларининг жорий савдо санасидаги сўнгги битим бўйича тизим томонидан ҳисобланган жами капиталлашув даражаси;


Market Cap_{base date} – индекс яратилган санадаги (29.08.2016) биржа котировкалари варақасига киритилган барча акция эмитентларининг сўнгги битим бўйича тизим томонидан ҳисобланган жами капиталлашув даражаси;

Base index – индекс кўрсаткичи учун белгиланган қиймат 1 000 га тенг.


¹³⁸ Республика фонд биржаси. (2026). Савдо натижалари.

¹³⁹ Республика фонд биржаси. (2026). Пресс-релиз: 2025 йил.


150-чизма. Республика фонд биржаси UCI индекси




151-чизма. Республика фонд биржасидаги эмитентлар сони, дона



152-чизма. Ўзбекистонда корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми ва битимлар сони




153-чизма. Листингдан ташқари савдо майдончасидаги савдолар ҳажми ва битимлар сони



Манба: Республика фонд биржаси.


Изоҳ: Uzbekistan Composite Index (UCI) – Республика фонд биржасининг индекси бўлиб, биржа котирувкалаш варағига киритилган акция эмитентларининг умумий ҳолатини акс эттиради. Индекс кийматининг пасайиши котирувкалаш варағига киритилган эмитентлар акциялари нархининг арзонлашгани ва умумий бозор капиталлашувининг камайганини ифодалайди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, биржа котирувкалаш варағида 85 та акция эмитентлари мавжуд бўлиб, шулардан 18 таси тижорат банклари ташкил этади.

154-чизма. Республика фонд биржаси савдоларида котировкалаш варағига киритилган эмитентларнинг қимматли қоғозлари билан тузилган битимлар ҳажми, трлн сўм




155-чизма. Европа ва Марказий Осиё давлатларида* акциялар бозори капиталлашувининг ЯИМга нисбати, %

Европа ва Марказий Осиё давлатлари¹⁴⁰



Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари¹⁴¹



■ Интерквартил оралиқ — Медиана — Ўзбекистон

Манбалар: Жаҳон банки, Республика фонд биржаси, ваколатли давлат органлари ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Акциялар бозори капиталлашуви биржа котировкалари рўйхатида киритилган барча акция эмитентларининг қимматли қоғозлар сони ва уларнинг савдо кундаги ёпилиш нархларининг ўзаро кўпайтмаси орқали аниқланади.

¹⁴⁰ Жаҳон банки таснифининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари гуруҳи бўйича Арманистон, Австрия, Беларус, Болгария, Венгрия, Грузия, Греция, Кипр, Люксембург, Озарбайжон, Польша, Руминия, Россия, Словения, Туркия, Хорватия, Черногория, Чехия, Швейцария, Шимолий Македония, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари инобатга олинган.

¹⁴¹ Халқаро валюта жамғармаси таснифининг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари гуруҳи бўйича Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари инобатга олинган.

Листингдан ташқари савдо майдончаси қамрови кенгайиб бормоқда. 2025 йилда листингдан ташқари савдо майдончасида қарийб 8 трлн сўм миқдорида савдолар амалга оширилган бўлиб, жами биржа савдоларининг 45 фоизини ташкил этди. Листингдан ташқари савдо майдончасидаги эмитентлар сони 2025 йилда 180 тадан 228 тагача кўпайиши савдолар ҳажмининг 2024 йилга нисбатан 3,3 баробарга ортишида ўз ифодасини топди. Шунингдек, ушбу майдончада 2025 йилда амалга оширилган битимлар сони 2024 йилга нисбатан 25 фоизга ортиб, 64,2 мингтани ташкил этди¹⁴².

Ўзбекистон акциялар бозори капиталлашуви ортиб бормоқда. 2025 йил якуни бўйича мамлакат акциялар бозори капиталлашуви 284,6 трлн сўмни ташкил этиб, ЯИМга нисбати 15 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда акциялар бозори капиталлашуви 2025 йилда 17 фоизга ортиди¹⁴³. Ўзбекистонда акциялар бозори капиталлашувининг ЯИМга нисбати Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича интерквartil оралиқнинг 75 процентил чегарасидан юқорида, Европа ва Марказий Осиё давлатлари медианасидан пастда шаклланди.

Банкларнинг фонд биржасидаги фаоллиги ортиб бормоқда. 2025 йил якуни бўйича котировкаланиш варағига киритилган жами эмитентлар қимматли қоғозлари билан тузилган битимлар ҳажми 9,8 трлн сўмни ташкил этди ва ушбу битимларнинг 71 фоизи тижорат банклари ҳисобига тўғри келди. 2025 йилда банкларнинг қимматли қоғозлари бўйича тузилган битимлар 8 фоизга ортиб, 6,9 трлн сўмни ташкил этди¹⁴⁴.

Банкларининг капитал бозорига таъсирчанлиги ошган. 2025 йил якунига кўра, банклардаги қимматли қоғозларнинг соф қиймати 71 трлн сўмни ташкил этди. Хусусан, 2025 йилда банкларнинг қимматли қоғозларга қилган инвестиция миқдорининг 56 фоизга ортиши ҳисобига банк тизими активлари таркибида қимматли қоғозларнинг улуши 2 фоиз бандга ошиб, 8 фоизга етди. Давлат қимматли қоғозларига бўлган талабнинг ортиши иккиламчи савдоларда ушбу қимматли қоғозларнинг номинал қийматига нисбатан бозор нархини қимматлашишида ўз ифодасини топган. Бунинг натижасида, 2025 йилда давлат қимматли қоғозлари даромадлилиги ўртача 15 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 3 фоиз бандга камайган.

¹⁴² Республика фонд биржаси. (2026). Пресс-релиз: 2025 йил.

¹⁴³ Республика фонд биржаси. (2026). Пресс-релиз: 2025 йил.

¹⁴⁴ Республика фонд биржаси. (2026). Пресс-релиз: 2025 йил.


156-чизма. Ўзбекистонда акциялар бозори капиталлашуви ва ЯИМга нисбати



157-чизма. Банк активларида жами қимматли қоғозларнинг улуши ва давлат қимматли қоғозлари даромадлиги, %



158-чизма. Хорижий валютада жойлаштирилган Ўзбекистон суверен еврооблигациялари



Манба: Республика фонд биржаси, Республика валюта биржаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Bloomberg ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: G-спред – облигация ва бенчмарк, яъни АҚШ ғазначилиги облигациялари даромадлиги орасидаги фарқ. Мазкур фарқнинг ортиши ушбу облигациянинг бенчмарк облигацияга нисбатан хатарлилик даражаси ошганини ифодалайди.

Ўзбекистон суверен еврооблигациялари хатарлилик даражаси пасайди. 2025 йил якунида АҚШ долларида жойлаштирилган Ўзбекистон суверен еврооблигацияларнинг даромадлилиги 5–5,5 фоизни ташкил этди ҳамда 2024 йил якунига нисбатан 1–1,5 фоиз бандга пасайди. Шунингдек, бенчмарк еврооблигациялар даромадлилига нисбатан Ўзбекистон еврооблигацияларнинг G-спреди 2024 йил якунига нисбатан 90–130 базис бандга пасайиб, 2025 йил якуни бўйича 140–180 базис банд оралигида шаклланди¹⁴⁵. Бунда, G-спреднинг камайиши халқаро молия бозорларида инвесторлар томонидан Ўзбекистон еврооблигациялари хатарлилик даражаси бенчмарк облигацияларга нисбатан пастроқ баҳоланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, 2025 йил июнь ойида Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги¹⁴⁶ ва 2025 йилнинг ноябрь ойида S&P Global халқаро рейтинг агентлиги томонидан¹⁴⁷ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли суверен кредит рейтинги “BB-”дан “BB”га кўтарилди. Суверен кредит рейтинги юқори баҳоланганлиги Ўзбекистон учун ташқи молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришга, банкларнинг активлар сифати яхшиланишига, шунингдек ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларининг пасайишига замин яратади.

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. (2026). Статистика - қўллик маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси суверен халқаро облигацияларининг котиловкалари.

¹⁴⁶ Fitch Ratings. (2025). Republic of Uzbekistan.

¹⁴⁷ S&P Global. (2025). Uzbekistan Upgraded To 'BB' On Strong Growth And Economic Reforms; Outlook Stable.

V. Банк тизими бўйича макро стресс-тест

5.1. Макроиктисодий сценарийлар

Асосий сценарий жорий макроиктисодий ҳолат асосида шакллантирилган. Асосий сценарийда мамлакат иқтисодий ўзгаришларининг жорий тенденцияси келгуси даврларда ҳам сақланиб қолиши натижасида юзага келадиган эҳтимолий иқтисодий ҳолат ифодаланган. Хусусан, мамлакат иқтисодий ўсишининг юқори даражада давом этиши, секинлашган инфляция шароитида паст фоиз ставка муҳитининг юзага келиши, кредитлар бўйича дефолт эҳтимолининг қуйи даражада сақланиб қолиши инobatга олинган (4-илова).


Хатарли сценарийда макромолиявий шароитларнинг қатъийлашиши ҳамда хавф омилларининг кучайиши ҳисобга олинган. Ташқи геосиёсий ноаниқликлар таъсирида таъминот занжиридаги узилишлар ва хомашё нархларининг ортиши натижасида ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилаши, шунингдек мамлакатда таклиф ҳажмининг қисқариши хатарли сценарийда ўз ифодасини топган. Жумладан, хатарли сценарийни шакллантиришда юзага келиш эҳтимоли паст бўлишига қарамай, салбий таъсири юқори даражадаги хатарлар (tail risks) эътиборга олинган.

Хатарли сценарий бўйича ЯИМ ҳажмининг реал ҳисобда қисқариш мумкинлиги инobatга олинган. GaR модели¹⁴⁸ натижасига кўра, 2026 йил якунида хатарли сценарий бўйича реал ЯИМ ўсиш суръати манфий 0,7 фоизгача пасайиши мумкинлиги қайд этилган. Бунда, молиявий цикл индекси¹⁴⁹ ва реал ЯИМнинг тарихий қийматларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий ўсиш суръати GaR модели орқали баҳоланди. 2026 йил якунига кўра, хатарли сценарий бўйича даврий тизимли хатарларни қамраб олиш мақсадида GaR моделининг беш фоизли қийматида молиявий цикл индексига уч стандарт четланиш миқдорида қўшимча шок берилган.

¹⁴⁸ Хатарларни ҳисобга олган ҳолдаги иқтисодий ўсиш (Growth at Risk) модели методологияси 2024 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

¹⁴⁹ Молиявий цикл индекси методологияси 2023 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

159-чизма. Реал ЯИМ ўсиш суръати бўйича GaR модели натижалари



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Эҳтимоллик зичлик функцияси тасодифий миқдорнинг маълум оралиқдаги эҳтимоллик зичлигини¹⁵⁰ ифодалайди. Кумулятив тақсимот функцияси тасодифий миқдорнинг маълум бир қийматни қабул қилиш эҳтимоллик даражасини¹⁵¹ ифодалайди ва эҳтимоллик зичлик функциясидан интеграл олиш орқали аниқланади.

Глобал инфляциян босим хатарли сценарий бўйича юқори фоиз ставка муҳитини юзага келтириши мумкин. Хатарли сценарийда дунёнинг етакчи марказий банклари томонидан юқори инфляцияни жиловлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсати халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларни оширади. Бу эса, ташқи молиялаштириш харажатларининг ортиши натижасида хорижий валютадаги ички кредит фоиз ставкалари ўсишига босимни юзага келтиради. Шунингдек, хатарли сценарий бўйича юқори инфляцияни пасайтириш мақсадида Ўзбекистон Марказий банки томонидан асосий ставканинг оширилиши мамлакатда юқори фоиз ставканинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Хатарли сценарий бўйича юқори фоиз ставканинг юзага келиши ва иқтисодий ўсишнинг пасайиши кредит хатари ортишига таъсир кўрсатади. Миллий валютада кредитлар реал фоиз ставкасининг ортиши қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини оширса, иқтисодий ўсишнинг қисқариши қарз олувчилар тўлов қобилиятини пасайтиради. Хусусан, хатарли

¹⁵⁰ Эҳтимоллик зичлиги белгиланган оралиқ бирлигига тўғри келадиган тасодифий миқдорнинг содир бўлиш эҳтимоллигини ифодалаб, 0 дан кичик бўлмаган қийматларга эга бўлади.

¹⁵¹ Эҳтимоллик даражаси содир бўлиш имконининг миқдорий кўрсаткичи ҳисобланиб, 0 ва 1 оралиғида шаклланади.

сценарийда қарз юки даражаси ортиши вақт ўтиши билан миллий валютадаги кредитлар дефолт эҳтимолининг 2028 йил якунига келиб 25 фоизгача кўтарилишида ўз ифодасини топади. Шунингдек, ёрдамчи регрессион модел натижаси¹⁵² хатарли сценарий бўйича реал ЯИМ ўсиши ҳамда валюта алмашув курсининг вақт ўтиши билан хорижий валютадаги кредитларнинг дефолт эҳтимоли кейинги уч йил давомида 4 фоизгача юқорилаши мумкинлигини кўрсатди.

Кредит йўқотишларининг ортиши фоизли даромад келтирувчи активларни камайтиради. Асосий сценарийда кредитлар ва фоизли даромад келтирувчи активлар ўсишининг сўнгги йиллардаги динамикаси сақланиб қолса-да, хатарли сценарий бўйича мазкур кўрсаткичларда тебранишлар кузатилиши мумкин. Хатарли сценарийга кўра, 2026 йил якуни бўйича пасайган иқтисодий ўсишнинг тиклана бошланиши, шунингдек мамлакатда юқори инфляцион муҳитнинг мавжудлиги номинал ҳисобда кредитлар қолдиғи йиллик ўсишини 2027 йил якунида 20 фоизгача оширади. Шунингдек, хатарли сценарийда йирик кредит йўқотишларининг юзага келиши мумкинлиги банк тизими бўйича фоизли даромад келтирувчи активларнинг йиллик ўсишини 2028 йилда 18 фоиздан 3 фоизгача пасайишига таъсир кўрсатади.


Юқори фоиз ставка муҳити банкларнинг миллий валютадаги соф фоизли даромадига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати ёрдамчи регрессион модели¹⁵³ хатарли сценарий бўйича миллий валютадаги фоизли даромад келтирувчи активлар рентабеллиги 2027 йил якунида 10 фоизни ташкил этиб, 2026 йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоиз бандга ортиши мумкинлигини кўрсатди. Жумладан, 2027 йилда хатарли сценарий бўйича миллий валютадаги депозит фоиз ставкаларининг ортиши ҳисобига фоизли харажатлар кўпайган бўлса-да, миллий валютадаги кредитлар қолдиғи ва кредит фоиз ставкасининг нисбатан тезроқ ўсишининг кутилиши банкларнинг соф фоизли даромадларини ошишига таъсир кўрсатади. Бошқа томондан, 2028 йилда хатарли сценарийда миллий валюта бўйича кредит йўқотишларининг ортиши соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбатини 9 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин.

¹⁵² Кредитларнинг дефолт эҳтимоли (PD) бўйича батафсил маълумот 2025 йил I ярим йиллиги учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.


¹⁵³ Миллий валюта бўйича соф фоизли даромадларнинг фоиз кўринишида даромад келтирувчи жами банк активларига нисбати ушбу кўрсаткичнинг олдинги даврдаги қиймати, кредит ўсиш суръати, миллий валютадаги фоиз ставка маржаси (кредит ва депозит фоиз ставкалари орасидаги фарқ) ҳамда реал ЯИМ ўсишининг сценарийлар бўйича қийматлари асосида келгуси даврлар учун баҳоланди.

160-чизма. Макроиктисодий сценарийлар


Реал ЯИМнинг йиллик ўсиши, %




Кредит қолдиғининг йиллик ўсиши, %




Миллий валютадаги кредитларнинг дефолт эҳтимоли, %




Хорижий валютадаги кредитларнинг дефолт эҳтимоли, %



Миллий валютадаги соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати, %



Хорижий валютадаги соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати, %




— Амалдаги — Асосий — Хатарли


Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

161-чизма. Макроиктисодий сценарийлар¹⁵⁴


Миллий валюта бўйича соф фоизли даромад, трлн сўм




Хорижий валюта бўйича соф фоизли даромад, трлн сўм




Соф фоизсиз даромад, трлн сўм




Соф фоизсиз даромадларнинг жами активларга нисбати, %



Фоизли даромад келтирувчи активларнинг йиллик ўсиши, %



Операцион харажатлар, трлн сўм



— Амалдаги — Асосий — Хатарли

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

¹⁵⁴ Макроиктисодий сценарийлар кўрсаткичларнинг прогнозларини ифода этмайди. Балки, юзага келиш эҳтимоли жуда паст бўлган юқори даражадаги хатарлар (tail risks) хатарли сценарийларни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон тижорат банкларининг жиддий хатарларга бардошлилигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган.

Хатарли сценарий бўйича молиялаштириш харажатларининг ортиши банкларнинг хорижий валютадаги соф фоизли даромадига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ёрдамчи регрессион модел¹⁵⁵ натижаси хатарли сценарий бўйича хорижий валютадаги соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати 2028 йил якунида 1,7 фоизгача пасайиши мумкинлигини кўрсатди. Бунда, хатарли сценарийда миллий валютанинг қадрсизланиши ва хорижий валютада юқори фоиз ставкадаги депозитларнинг жалб этилиши хорижий валютадаги фоизли даромад келтирувчи активлар рентабеллигини пасайишига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланди.

Мамлакат иқтисодий ривожланиши банкларнинг соф фоизсиз даромадини оширади. Иқтисодий ўсишнинг ортиши банкларда молиявий операциялар кўламини кенгайтириб, банк хизматларига бўлган юқори талаб ҳисобига соф фоизсиз даромад миқдорини кўпайтиради. Жумладан, хатарли сценарий бўйича 2026 йил якунидаги иқтисодий пасайиш соф фоизсиз даромадларнинг жами активларга нисбатини 3,7 фоизгача қисқаришида ўз аксини топди. Шунингдек, ёрдамчи регрессион модел натижаси¹⁵⁶ кейинги даврлардаги иқтисодий фаолликнинг тикланиши таъсирида хатарли сценарий бўйича банкларнинг соф фоизсиз даромадлари жами активларга нисбатан 2027–2028 йиллар давомида 4,6 фоизгача юқорилаши мумкинлигини кўрсатди.


¹⁵⁵ Хорижий валюта бўйича соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбатининг сценарийлар асосида кейинги даврлардаги қийматини баҳолаш учун ушбу кўрсаткичнинг олдинги даврдаги қиймати, хорижий валютадаги кредит ва депозит фоиз ставкалари ҳамда валюта алмашинув курси кўрсаткичларидан фойдаланилади.

¹⁵⁶ Соф фоизсиз даромадларнинг жами активларга нисбати келгуси даврлар учун ЯИМ ўсиши ва валюта алмашинув курсининг сценарийлар бўйича қийматларидан фойдаланиб баҳоланди.

5.2. Тўлов қобилияти макро стресс-тести

Макро стресс-тест натижалари хатарли сценарий бўйича капитал монандлик коэффицентлари пасайиши мумкинлигини кўрсатди. Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича “юқоридан пастга” макро стресс-тести¹⁵⁷ орқали банкларнинг тўлов қобилияти баҳоланди. Бунда, 2028 йил якуни бўйича капитал монандлик коэффицентлари асосий сценарийда ўсганлиги ва хатарли сценарийда капитал буферларини инобатга олган ҳолда ўрнатилган минимал капитал талабларидан пастда шаклланиши кузатилди.

162-чизма. I даражали асосий капитал бўйича макро стресс-тест натижалари




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Макро стресс-тест натижаларида бошқа таъсирлар сифатида қимматбаҳо қоғозлар бўйича йўқотишлар, миллий валюта курсининг қадрсизланиши, уй-жой бўйича йўқотишлар, солиқлар ва дивидендлар инобатга олинган.

¹⁵⁷ “Юқоридан пастга” макро стресс-тест воситаси макроиктисодий сценарийлар асосида банк тизими барқарорлигини баҳолаш инструменти ҳисобланади. Бунда, барча банклар учун бир хил сценарийлар, фаразлар ва моделлар ишлатилади.

163-чизма. Жами регулятив капитал бўйича макро стресс-тест натижалари




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Банк тизими бўйича юқори даромадлилик асосий сценарий бўйича I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти оширувчи омил бўлди. 2028 йил якуни бўйича соф фоизли даромад I даражали асосий капитал монандлик коэффициентига 16,3 фоиз бандлик, соф фоизсиз даромад 14,9 фоиз бандлик ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Кредит бўйича йўқотишларнинг ортиши ва амалга ошириладиган операцион харажатларнинг I даражали асосий капитал монандлик коэффициентига салбий таъсирлари мос равишда 2,6 ва 9,9 фоиз бандларни ташкил этиши кутилади.


I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти хатарли сценарий бўйича 2028 йил якунида 5,6 фоизгача пасайиши мумкин. Хатарли сценарий бўйича кредит йўқотишлари ва операцион харажатлари биргаликда I даражали асосий капитал монандлик коэффициентига 17,3 фоиз бандлик салбий, соф фоизли ва фоизсиз даромадлар 29,6 фоиз бандлик ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, хатарли сценарийда таваккалчиликка тортилган активларнинг ортиши I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти пасайишига таъсири 17,3 фоиз бандни ташкил этди.

164-чизма. Капитал етарлилиги бўйича макро стресс-тест натижалари, %

I даражали асосий капитал




Жами регулятив капитал




165-чизма. Банк секторининг капитал монандлик коэффиценти оралиқлари ва жами активлардаги улушлари тақсимоти, % (2029 йил 1 январь ҳолатига)

I даражали асосий капитал



Жами регулятив капитал



—○— Асосий сценарий —○— Хатарли сценарий

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Капитал монандлик коэффиценти оралиқларида жойлашган банкларнинг жами активлардаги улушлари йиғилиб бориш тартибида ўрнатилган.


Асосий сценарий бўйича кредит йўқотишларининг паст шаклланиши ва даромаднинг ортиши сабабли банк тизимида тўлов қобилияти яхшиланиши мумкин. 2028 йил якунида жами регулятив капитал монандлик коэффициентининг сезиларли ортишида соф фоизли даромад 19,6 фоиз бандлик, шунингдек соф фоизсиз даромад 17,1 фоиз бандлик ижобий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, кредитлар бўйича йўқотишларнинг салбий таъсири 0,8 фоиз бандни ташкил этган шароитда, операция харажатлар ва таваккалчиликка тортилган активлар мос равишда 11,4 ва 11 фоиз бандлик салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хатарли сценарийда кредитлар бўйича йўқотишлар банкларнинг тўлов қобилиятини пасайишида асосий таъсир этувчи омиллардан бири бўлди. Кредит бўйича йўқотишлар жами регулятив капитал монандлик коэффициентининг пасайишига таъсири 29 фоиз бандни ташкил этган бўлса, операция харажатларнинг ортиши 10,8 фоиз бандлик салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, соф фоизли ва фоизсиз даромадларнинг ортиши жами регулятив монандлик коэффициентига ижобий таъсири мос равишда 19,5 ва 15,2 фоиз бандлар бўлди.


Хатарли сценарий бўйича шокларнинг банклар капиталига таъсири вақт тафовути билан намоён бўлиши мумкин. Асосий сценарий бўйича I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти 2028 йил якунида 19 фоизга, жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 25 фоизгача ортиши мумкин. Шунингдек, макро стресс-тест натижаси хатарли сценарий бўйича банк тизими жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 2028 йил якунида 6,8 фоизгача пасайиши мумкинлигини кўрсатди.

Асосий сценарий бўйича тизимли аҳамиятга молик бўлмаган айрим банклар капитал буфер талабларини бажара олмаслиги мумкин. 2028 йил якуни бўйича I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти барча банкларда 4,5 фоиздан, жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 8 фоиздан юқори шаклланиши мумкин. Шунингдек, I даражали асосий капитал миқдори таваккалчиликка тортилган активларининг 8,5 фоизидан кичик банкларнинг активлари жами банк тизими активларининг 4 фоизини ташкил этиши мумкин. Капитал буферларини инобатга олганда жами регулятив капитал монандлик коэффициенти ўрнатилган 12 фоиздан кичик банкларнинг банк тизимидаги улуши 7 фоизда шаклланиши кутилади.

166-чизма. Банклар кесимида макро стресс-тест натижалари*, % (2029 йил 1 январь ҳолатига)



167-чизма. Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича левераж коэффиценти, %**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Жами регулятив ва I даражали асосий капитал монандлик коэффицентларида 0–60 фоиз оралигида жойлашган банклар инobatга олинган. Шунингдек, яшил ранг ўрнатилган капитал буферларини инobatга олган ҳолда жами регулятив капитал етарлилигига (тизимли аҳамиятга молик банклар учун 13 фоиз, бошқа банкларга 12 фоиз) ҳамда I даражали асосий капитал етарлилигига (тизимли аҳамиятга молик банклар учун 9,5 фоиз, бошқа банкларга 8,5 фоиз) қўйилган минимал талабларни асосий ва хатарли сценарийлар бўйича бажара оладиган, жигаранг ушбу талабларни хатарли сценарийда, кизил ранг асосий сценарийда ҳам бажара олмайдиган банкларни ифодалайди.

**Левераж коэффицентларида 0–50 фоиз оралигида жойлашган банклар инobatга олинган. Шунингдек, яшил рангли пуфакчалар левераж коэффиценти (3 фоиз) қўйилган минимал талабни асосий ва хатарли сценарийлар бўйича бажара оладиган, жигаранг эса ушбу талабларни хатарли сценарийда бажара олмайдиган банкларни ифодалайди.

Хатарли сценарийда минимал капитал монандлик талабларини бажара олмаслиги мумкин бўлган банклар мавжуд. 2028 йил якунига кўра жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 8 фоиздан кичик бўлган банклар активларининг жами банк тизими активларидаги улуши хатарли сценарий бўйича 60 фоизни ташкил этиши мумкин. Шунингдек, хатарли сценарий бўйича банк тизими активларининг 46 фоизига тўғри келувчи банкларда I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти буферларни инобатга олмагандаги минимал 4,5 фоизлик капитал талабидан паст бўлиши мумкин.


Асосий сценарийда тизимли аҳамиятга молик банкларнинг тўлов қобилияти бўйича муаммолар юзага келмайди. 2028 йил якунида I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти капитал буферларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган минимал талаблардан¹⁵⁸ паст бўлиши мумкин бўлган банклар сони асосий сценарийда 2 тани, хатарли сценарийда 12 тани ташкил этади. Шунингдек, асосий сценарий бўйича тизимли аҳамиятга молик бўлмаган фақат 3 та банк капитал буферларини инобатга олган ҳолда жами регулятив капитал монандлик коэффициентига ўрнатилган минимал 12 фоизлик талабни 2028 йил якуни бўйича бажара олмаслиги мумкин. Хатарли сценарий бўйича 17 та банкда капитал буферларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган минимал талабларни¹⁵⁹ бажариш учун етарли жами регулятив капитал мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Банк тизими бўйича левераж коэффициенти хатарли сценарийда ўрнатилган минимал талабдан юқори бўлиши кутилади. Макро стресс-тест натижаларига кўра, 2028 йил якунида банк тизими бўйича левераж коэффициенти асосий сценарий бўйича 16 фоизни, хатарли сценарий бўйича 4,8 фоизни ташкил этиши мумкин. Шунингдек, 2028 йил якунида асосий сценарийда барча банклар левераж коэффициенти бўйича минимал талабларни бажарса, хатарли сценарий бўйича 6 та банкнинг левераж коэффициенти 3 фоизлик ўрнатилган талабдан пасайиши мумкин.


¹⁵⁸ Капитал буферларини ҳисобга олган ҳолда I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти тизимли аҳамиятга молик банкларда 9,5 фоиздан, бошқа банкларда эса 8,5 фоиздан юқори бўлиш талаб этилади.

¹⁵⁹ Капитал буферларини ҳисобга олган тизимли аҳамиятга молик банкларда жами регулятив капитал миқдори таваккалчиликка тортилган активларнинг 13 фоизидан, бошқа банкларда эса 12 фоизидан юқори бўлиш керак.

168-чизма. Сценарийлар бўйича яратилиши лозим бўлган капитал миқдорининг ЯИМга нисбати, %



169-чизма. Хатарли сценарийда банк секторининг ROA декомпозицияси, %




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Хатарли сценарий бўйича капитал етарлилик талабларини бажариш учун сезиларли қўшимча капитал киритиш талаб этилиши мумкин. 2028 йил якуни бўйича хатарли сценарийда ўрнатилган капитал буферларини инобатга олган ҳолда жами регулятив капитал етарлилигига қўйилган минимал талабни бажариш учун банклар томонидан яратилиши зарур бўлган капитал миқдори ЯИМнинг 4,6 фоизини ташкил этиши мумкин. Асосий сценарий бўйича минимал капитал талабларини бажаришда қийинчиликка дуч келиши мумкин бўлган банклар кўламининг пастлиги ҳисобига яратилиши лозим бўлган қўшимча капитал миқдори ЯИМга нисбатан кичик улушга эга.

Хатарли сценарий бўйича активлар рентабеллигидаги салбий ҳолат кредит йўқотишлари таъсирида юз бериши мумкин. 2026–2027 йиллар давомида хатарли сценарийда соф фоизли ва фоизсиз даромадларнинг активларга нисбатан кўпроқ ўсиши, кутилаётган кредит йўқотишларининг нисбатан пастроқ эканлиги банк тизими бўйича активлар рентабеллигининг мусбат шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Активлар ўсиши билан деярли бир хил шаклланиши кутилаётган операцион харажатлар ҳамда юзага келиши мумкин бўлган юқори кредит йўқотишлари таъсирида 2028 йил якунига келиб активлар рентабеллиги манфий ҳисобда 13 фоизгача пасаяди.

170-чизма. Банк дефолтининг йўқотишлари капиталга боғланган ҳолатдаги тарқалиш хатари (2029 йил 1 январь ҳолатига)



171-чизма. Банк дефолтининг йўқотишлари умуман қайтмаслиги ҳолатидаги тарқалиш хатари (2029 йил 1 январь ҳолатига)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Жами регулятив ва I даражали асосий капитал монандлик коэффициентлари 60 фоиздан кичик, бошқа банклар олдида мажбуриятларга эга ҳамда хатарли сценарий бўйича ўрнатилган капитал буферларини инобатга олган ҳолда жами регулятив капитал етарлилигига ҳамда I даражали асосий капитал етарлилигига қўйилган минимал талабларни бажарган банклар инобатга олинган. Яшил ранг ўрнатилган капитал буферларини инобатга олган ҳолда жами регулятив капитал етарлилигига (тизимли аҳамиятга молик банклар учун 13 фоиз, бошқа банкларга 12 фоиз) ҳамда I даражали асосий капитал етарлилигига (тизимли аҳамиятга молик банклар учун 9,5 фоиз, бошқа банкларга 8,5 фоиз) қўйилган минимал талабларни бажара оладиган банкларни ифодалайди. Жигарранг эса ушбу минимал талабларни бажара олмайдиган банкларни кўрсатади.

Хатарли сценарий бўйича банк дефолтининг банк тизимига тарқалиш хатари баҳоланди. Хатарли сценарийда капитал монандлик талабларини бажара олмайдиган банкларнинг бошқа банклар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги сабабли юзага келадиган тарқалиш хатари капиталга боғланган¹⁶⁰ ва умуман қайтмаслик ҳолатлари¹⁶¹ бўйича таҳлил қилинган. Бунда, банк дефолтининг йўқотишлари туфайли бошқа банкларда дефолт ҳолатлари юзага келмай қолгунга қадар тарқалиш хатари таҳлили амалга оширилган.

Банк дефолти таъсирида юзага келадиган тарқалиш хатарининг кўлами пастлигича қолмоқда. Макро стресс-тест натижасига кўра, хатарли сценарийда капитал буферларини инобатга олган ҳолда I даражали асосий капитал монандлиги минимал талаблардан пастда шаклланадиган банкларнинг бошқа банклар олдидаги молиявий мажбуриятларини капиталга боғланган ҳолда бажара олмаслик ҳолати қўшимча 3 та банкнинг дефолтига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, жами регулятив капитал монандлик коэффиценти бўйича ўрнатилган талаблардан пастда шаклланадиган банкларнинг бошқа банклар олдидаги мажбуриятини бажара олмаслиги фақат 1 та банкнинг капитал монандлик коэффиценти минимал талабдан пасайишига олиб келиши мумкин.


Хатарли сценарийда банк дефолтининг йўқотишлари умуман қайтмаслик ҳолатидаги тарқалиш хатари юқори шаклланиши мумкин. Хатарли сценарий бўйича минимал капитал талабларини бажара олмаган банкларнинг бошқа банклар олдидаги мажбуриятларини бутунлай қайтара олмаслиги I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти капитал буферларини инобатга олган ҳолда минимал талаблардан пастда шаклланиши мумкин бўлган банклар сонини яна 6 тага ошириши мумкин. Жами регулятив капитал монандлик коэффиценти бўйича банкларнинг дефолтга учраши 3 та банкда ўрнатилган минимал капитал талабларини бажара олмаслик ҳолатларини юзага келтириши мумкин.

¹⁶⁰ Банк дефолтининг йўқотишлари капиталга боғланган ҳолатидаги тарқалиш хатари ёндашувида банклар тарқалиш хатаридан қанча йўқотиши дефолтга учраши мумкин бўлган банкнинг капитал монандлик коэффиценти қийматига боғланади. Бунда, дефолтга учраши мумкин бўлган банкнинг капитал монандлик коэффиценти қанчалик паст даражада бўлса, бу банк билан молиявий алоқалари (кредит ажратган ёки депозит жойлаштирган) бўлган банк пропорционал равишда кўп зарар кўради.


¹⁶¹ Банк дефолтининг йўқотишлари умуман қайтмаслиги ҳолатидаги тарқалиш хатари ёндашувида банклар дефолтга учраш эҳтимоли юқори яъни капитал монандлик коэффиценти кўрсаткичи минимал талабдан паст бўлган банкка ажратган жами кредитлари ёки депозитларини йўқотади.

172-чизма. Концентрация хавфи бўйича стресс-тест натижалари, %

I даражали асосий капитал



Жами регулятив капитал



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳ: Концентрация хавфи сифатида ҳар бир банк бўйича энг йирик битта қарз олувчининг дефолтга учраши инобатга олинган.

Банк тизими тўлов қобилияти хатарли сценарийга қўшимча шок бериш орқали баҳоланди. Кредит портфелидаги юқори концентрация хавфи ҳамда уй-жой нархлари пасайиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг банк тизимига таъсири хатарли сценарийга қўшимча шок бериш орқали таҳлил этилди. Бунда, ҳар бир банк бўйича энг йирик қарз олувчининг муваффақиятсизлиги оқибатида юзага келадиган йўқотишларнинг банклар капитал монандлигига таъсирини баҳолаш орқали кредит портфелининг концентрация хавфи таҳлил қилинган. Таҳлилларда энг йирик қарз олувчининг муваффақиятсизлиги оқибатида ажратилган банк кредитларининг 50 фоизи қайтмаслиги ҳисобга олинган. Бундан ташқари, хатарлар шароитида уй-жой нархи (House price at risk, HaR) модели натижаларидан фойдаланиб, хатарлар таъсирида қўчмас мулк нархларининг пасайиши туфайли ипотека кредитлари бўйича кредит хатарининг ортиши таҳлил қилинди.

Кредит концентрацияси хавфи банкларнинг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. 2028 йил якуни бўйича хатарли сценарийга кўра, кредит портфелида энг юқори улушни эгаллаган қарз олувчиларнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатига дуч келиши банк тизими I даражали асосий ҳамда жами регулятив капитал монандлик коэффициентларини 1,4 фоиз бандга қисқаришига олиб келиши мумкин. Хатарли сценарийда концентрация хавфи таъсирида I даражали асосий капитал монандлик коэффициенти 4,6 фоизгача, жами регулятив капитал монандлик коэффициенти 5,9 фоизгача пасайиши мумкин.

Кўчмас мулк нархлари пасайиши орқали қўшимча шок беришда NaR модели натижаларидан фойдаланилди. NaR модели натижалари 2026 йил якуни бўйича 1 фоиз эҳтимоллик билан хатарлар таъсирида уй-жой нархлари 10 фоизга пасайиши, қўшимча шокларни инобатга олган ҳолда уй-жой нархларидаги тузатишлар 17 фоизни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатди. Бунда, гаров қийматининг арзонлашиши ҳисобига қарз олувчилар томонидан LTV кўрсаткичи 120 фоиздан юқори бўлган кредитларнинг шартли равишда қайтарилмаслиги фараз қилинган.

173-чизма. Кўчмас мулк бозорида нархларнинг пасайиш сценарийларига асосан ипотека кредити бўйича LTV кўрсаткичининг тақсимланиши, % 2026 йил




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳ: LTV кўрсаткичи оралиқларида жойлашган кредитларнинг жами ипотека кредитлардаги улушлари йиғилиб бориш тартибида ўрнатилган.

174-чизма. Кўчмас мулк бозорида нархларнинг 10 фоизга пасайиши, %

I даражали асосий капитал




Жами регулятив капитал




175-чизма. Кўчмас мулк бозорида нархларнинг 17 фоизга пасайиши, %

I даражали асосий капитал



Жами регулятив капитал



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Уй-жой нархлари арзонлашининг ипотека кредитлари бўйича йўқотишга таъсири жуда паст баҳоланмоқда. Уй-жой нархларининг 10 фоизга арзонлашиши ҳисобига 2025 йилда ажратилган ипотека кредитлари таркибида LTV кўрсаткичи 120 фоиздан юқори шаклланадиган кредитларнинг улуши 1 фоизни, LTV кўрсаткичи 100 фоиздан юқори кредитларнинг улуши 4 фоизни ташкил этиши мумкин. Кўчмас мулк бозоридаги нархларнинг 17 фоизга арзонлашиши кредит тўлашдан кўра гаровдан воз кечиш эҳтимоли баланд бўлган LTV кўрсаткичи 120 фоиздан юқори кредитларнинг ипотека кредитларидаги улуши 4 фоизда шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, уй-жойларнинг 17 фоизга пасайиши 2025 йилда ажратилган кредитларнинг 34 фоизида етарли гаров таъминотининг мавжуд бўлмаслигига олиб келиши мумкин.


Хатарли сценарий бўйича уй-жой нархларининг 10 фоизга ёки 17 фоизга пасайиши банк тизимининг тўлов қобилиятига деярли таъсир кўрсатмайди. 2028 йил якуни бўйича кўчмас мулк бозорида нархларнинг 10 фоизга арзонлашини ипотека кредитлари дефолт эҳтимолига таъсири жуда паст ҳисобланмоқда. Уй-жой бозор нархларининг хатарли сценарий бўйича 17 фоизга пасайиши, 2028 йил якунида банклар ипотека кредит портфелининг дефолт эҳтимолини 1,1 фоиз бандга ортишига сабаб бўлиши мумкин. Банкларда хатарли сценарий бўйича кредит хатарининг ортиши таъсирида юзага келадиган уй-жой йўқотишлари капитал монандлик коэффициентларини 0,2 фоиз бандга пасайтириб, 2029 йил 1 январь ҳолатига I даражали асосий ва жами регулятив капитал монандлик коэффициентлари мос равишда 5,4 ва 6,7 фоизларда шаклланиши кутилади.

6-ҳавола. Хатарлар шароитида уй-жой нархлари

Хатарлар шароитида уй-жой нархлари (House Price at Risk, HaR)¹⁶² модели орқали кўчмас мулк бозорига таъсир этувчи жорий кўрсаткичлар динамикаси орқали келгуси даврлардаги уй-жой нархларининг эҳтимолий ўзгаришлари баҳоланади. HaR натижалари молиявий барқарорликни таҳлил қилишда фойдаланиладиган эрта огоҳлантириш кўрсаткичи сифатида уй-жой нархларининг хатарлар таъсирида келгуси даврларда қай даражада ўзгариши мумкинлигини миқдорий жиҳатдан аниқлаш имконини беради.

HaR модели икки босқичда амалга оширилади. Бунда, ушбу модел кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни квантил регрессия модели¹⁶³ орқали баҳолаш ва келгуси даврлардаги уй-жой нархлари ўсишининг шартли узлуксиз тақсимотини яратиш босқичларини ўз ичига олади (5-илова).

176-чизма. Уй-жой нархларининг кейинги бир йилдаги ўсиш суръати бўйича HaR модели натижалари



Манбалар: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Эҳтимолий зичлик функцияси тасодифий миқдорнинг маълум оралиқдаги эҳтимолий зичлигини¹⁶⁴ ифодалайди. Кумулятив тақсимот функцияси тасодифий миқдорнинг маълум бир қийматни қабул қилиш эҳтимолий даражасини¹⁶⁵ кўрсатади ва эҳтимолий зичлик функциясидан интеграл олиш орқали аниқланади.

¹⁶² Hafemann, L. (2023). Technical Paper. A house prices at risk approach for the German residential real estate market. Deutsche Bundesbank.

¹⁶³ Квантил регрессия модели методологияси 2024 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

¹⁶⁴ Эҳтимолий зичлиги – белгиланган оралиқ бирлигига тўғри келадиган тасодифий миқдорнинг содир бўлиш эҳтимоли. Эҳтимолий зичлиги 0 дан кичик бўлмаган қийматларга эга бўлади.

¹⁶⁵ Эҳтимолий даражаси – содир бўлиш имконининг миқдорий кўрсаткичи. Эҳтимолий даражаси 0 ва 1 оралиғида шаклланади.

Дастлабки босқичда, уй-жой нархлари динамикасига таъсир этувчи статистик аҳамиятга эга кўрсаткичлар сифатида тўрт чорак олдинги даврдаги уй-жой нархларининг йиллик ўзгариши ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг йиллик ҳисобда ўсиши бўйича боғлиқликлар квантил регрессия модели ёрдамида турли квантиллarda баҳоланади:

$$y_t^\tau = \alpha^\tau + \beta^\tau X_{t-4} + \gamma^\tau y_{t-4} + \epsilon_t^\tau$$

Бу ерда,

y_t^τ – t даврдаги уй-жой нархларининг ўсиши;

X_{t-4} – t даврдан тўрт чорак олдинги муддат бўйича жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг йиллик ўсиши;

y_{t-4} – t даврдан тўрт чорак олдинги муддат бўйича уй-жой нархларининг ўсиши;

$\alpha^\tau, \beta^\tau, \gamma^\tau$ – номаълум коэффицентлар;

ϵ_t^τ – нисбий хатолик;

τ – квантил даражаси.

Квантил регрессия модели орқали уй-жой нархлари ва унга таъсир этувчи кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик турли квантил даражалари ($\tau = \{10; 25; 50; 75; 90\}$) бўйича баҳолангандан сўнг, келгуси даврлар учун уй-жой нархлари ўсишининг шартли узлуксиз тақсимоти аниқланади.

Шартли узлуксиз тақсимотни аниқлаш шартли квантил регрессияларнинг баҳоланган дискрет қийматларига эгри-т (skew-t) тақсимот функциясини мослаштириш орқали амалга оширилади. Бунда, эгри-т тақсимоти ўртача, стандарт четланиш, эгрилик ва эркинлик даражаси параметрлари ёрдамида тавсифланади ва студент-т тақсимоти¹⁶⁶ ёрдамида ҳосил қилинади.

Баҳоланган эгри-т тақсимотининг 1 фоиз эҳтимоллик бўйича аниқланган қийматлари NaR моделининг натижаси сифатида фойдаланилади. Бунда, NaR модели орқали кўрсаткичлар таъсирида келгуси даврларда юзага келиши мумкин бўлган уй-жой нархларидаги экстремал тузатишлар даражаси миқдорий баҳоланади. Шунингдек, ушбу модел орқали қўшимча шокларни инобатга олган ҳолдаги 1 фоиз эҳтимолликдаги уй-жой нархлари бўйича тузатишларни баҳолашда уй-жой нархлари динамикасига таъсир этувчи кўрсаткичларнинг хатарли сценарийдаги қийматларидан фойдаланилади.

NaR модели натижаларига кўра, 2026 йил якуни бўйича 1 фоиз эҳтимоллик билан хатарлар таъсирида уй-жой нархлари 10 фоизга пасайиши, қўшимча шокларни инобатга олган ҳолда уй-жой нархларидаги тузатишлар 17 фоизни ташкил этиши мумкин.

¹⁶⁶ Студент-т тақсимоти – тасодифий миқдорнинг стандарт четланиши маълум бўлмаганда ўртача кўрсаткични баҳолашда фойдаланиладиган симметрик тақсимот тури.

5.3. Ликвидлилик макро стресс-тести

Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича ўтказилган ликвидлилик макро стресс-тести банк тизимида ижобий пул кирими¹⁶⁷ сақланиб қолишини кўрсатди. Асосий сценарийда пул оқими кўрсаткичлари Базел кўмитаси тавсиялари асосида ишлаб чиқилган коэффицентлар орқали ҳисобланган. Хатарли сценарий бўйича юзага келиши мумкин бўлган хатарлар таъсирида асосий сценарийга нисбатан банкларда юқорироқ пул чиқими ва камроқ пул киримининг кузатилиши ҳисобга олинган (6-илова).


Хатарли сценарийда глобал молиявий шароитларнинг қатъийлашиши ҳамда банкларда кредит хавфининг ортиши инobatга олинган. Хатарли сценарий бўйича геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши натижасида юзага келадиган юқори фоиз ставка муҳити қимматли қоғозларнинг бозор нарҳини арзонлашишига олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, банк активлари таркибидаги давлат қимматли қоғозлари бўйича пул киримини камайтиради. Шунингдек, хатарли сценарийда иқтисодий ўсишнинг секинлашиши ва кредит фоиз ставкаларининг ортиши қарз олувчиларнинг банклар олдидаги мажбуриятини бажаришни қийинлашишига сабаб бўлади. Кредитларнинг дефолт эҳтимолининг ортиши ҳамда кредит йўқотишларининг юзага келиши натижасида банклар томонидан ажратилган кредитларнинг қайтарилиши бўйича пул кирими қисқаради (7-илова).

Ликвидлилик макро стресс-тестида омонатчилар хулқ-атворида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар инobatга олинган. Хатарли сценарий бўйича банкларда кредит йўқотишларининг ортиши, тўлов қобилиятининг пасайиши ҳамда молиявий кўрсаткичларни ёмонлашиши омонатчилар қарорларига таъсир этиши мумкин. Жумладан, банклардаги кафолатланадиган омонатлар чегарасининг ўрнатилганлиги¹⁶⁸ ва банк тизимида кузатилиши мумкин бўлган салбий ўзгаришлар туфайли омонатчилар хулқ-атворида юзага келадиган ўзгаришлар таъсирида кафолатланмаган омонатларнинг қайтариб олиниши хатарли сценарийда ҳисобга олинган.

¹⁶⁷ Соф пул кирими пул кирими ва пул чиқими орасидаги фарқ.

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 февралдаги “Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги 1031–сонли Қонуни.

177-чизма. Банк тизими активлари ва мажбуриятларининг муддатлари бўйича таркиби, %




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳ: Банк балансининг пассив қисми жами мажбуриятлар ва жами капиталдан таркиб топган.

Банк тизими бўйича активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари орасидаги номуносиблик даражаси янада яхшиланди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, миллий валютадаги банк тизими активлари таркибида 1 йилгача бўлган активларнинг улуши 47 фоизни ташкил этган. Миллий валютадаги мажбуриятлар ва капиталнинг 42 фоизи 1 йилгача бўлган қисқа муддатли мажбуриятлар ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, хорижий валютадаги активларнинг 57 фоизи 1 йилгача бўлган активлар улушига тўғри келган шароитда, мажбуриятларнинг 46 фоизида қайтариш муддати 1 йилгача бўлган муддатни ташкил этмоқда. Миллий ва хорижий валюталар бўйича қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун етарли активлар билан таъминланганлиги ликвидлилик хатарини пасайтиради.

178-чизма. Соф пул киримининг жами активларга нисбати*, % (2027 йил 1 январь ҳолатига)



179-чизма. Банклар қирқимида жами валюталар бўйича ликвидлик стресс-тести натижалари, % (2027 йил 1 январь ҳолатига)**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Чизмадаги тўртбурчак шакл ликвидлик макро стресс-тести натижаларига кўра, 2026 йил якуни бўйича соф пул киримини активларга нисбатининг банк тизими бўйича қиймати ва банклар орасида ушбу нисбатнинг минимал қийматига эга бўлган банк кўрсаткичи ўртасидаги фарқни ифодалайди. Банк тизими ва минимал кўрсаткичга эга бўлган банк кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, тўртбурчак шакли ҳам шунчалик узун бўлади. Вертикал қора чизикнинг энг юқори нуқтаси 2026 йил якунига қадар бир йил давомида вақт оралиқлари бўйича соф пул киримини жами активларга нисбатининг максимум қийматига эга бўлган, унинг қуйи нуқтаси эса ушбу нисбатнинг минимум қийматига эга бўлган банкларнинг кўрсаткичларини ифодалайди. Шунингдек, қора доира 2026 йил якуни бўйича банк тизими бўйича соф пул киримини банк тизими активларига нисбатини кўрсатади.

**Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича соф пул киримининг банк жами активларига нисбати 75 фоизгача, соф пул киримининг юқори ликвидли активларга нисбати 240 фоизгача бўлган банклар инobatга олинган. Яшил ранг миллий валютадаги мусбат соф пул киримини ўзида акс эттирувчи банкларни ифодалайди.


Асосий сценарий бўйича банк тизимида ликвидлилик муаммоси юзага келмайди. Ликвидлилик макро стресс-тести натижасига кўра, 2027 йил 1 январь ҳолатида банк тизими бўйича соф пул киримининг жами активларга нисбати барча валюталарда 22 фоизни, миллий ва хорижий валюталар бўйича мос равишда 22 ва 23 фоизларни ташкил этиши мумкин. Шунингдек, 2026 йил якунида асосий сценарийга кўра барча банкларда жами валюталар бўйича ижобий соф пул кирими кузатилиши кутилади.

Хатарли сценарийда соф пул кирими банк тизими бўйича мусбат ҳолатда сақланиб қолди, айрим банкларда эса бу ҳолатнинг манфий даражаси кузатилди. 2027 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк тизими бўйича соф пул киримининг жами активларга нисбати барча валюталарда 12 фоиз, миллий валютада 7 фоиз ва хорижий валютада 20 фоизни ташкил қилиши мумкин. Шунингдек, хорижий валюта бўйича банкларда кузатилиши мумкин бўлган манфий соф пул киримининг активларга нисбати энг паст ҳолатда 46 фоиз, миллий валютада 7 фоиз даражада шаклланиши мумкин. Ликвидлилик муаммоси энг юқори даражада кузатилиши мумкин бўлган банкларда ҳам кутилаётган манфий соф пул киримини қоплашга етарли активларининг мавжудлиги банк тизими бўйича ликвидлилик хатарини бартараф эта олади.


Жами валюталар бўйича хатарли сценарийда айрим банкларда манфий соф пул кирими юзага келиши мумкин. 2026 йил якунида асосий сценарийда барча банклар жами валюталар бўйича ижобий соф пул кирими эга бўлиши мумкин. Хатарли сценарий бўйича айрим банкларда юзага келиши мумкин бўлган манфий соф пул кирими банк тизими юқори ликвидли активларининг 9 фоизини, жами активларининг эса 2 фоизини ташкил этишини кутиш мумкин.

Асосий сценарийда банкларда миллий валютадаги ликвидлилик муаммоси билан боғлиқ хатарлар мавжуд эмас. Ликвидлилик макро стресс-тести натижаси асосий сценарий бўйича 2027 йил 1 январь ҳолатига кўра, барча банкларда ижобий соф пул кирими кузатилиши мумкинлигини кўрсатди.

180-чизма. Банклар қирқимида миллий валюта бўйича ликвидлик стресс-тести натижалари*, % (2027 йил 1 январь ҳолатига)



181-чизма. Банклар қирқимида хорижий валюта бўйича ликвидлик стресс-тести натижалари, % (2027 йил 1 январь ҳолатига)**




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Изоҳлар: *Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича миллий валютадаги соф пул киримининг банк жами активларига нисбати 75 фоизгача, соф пул киримининг юқори ликвидли активларга нисбати 210 фоизгача бўлган банклар инobatга олинган. Яшил ранг миллий валютадаги мусбат соф пул киримини, жигарранг манфий соф пул киримини ўзида акс эттирувчи банкларни ифодалайди.

**Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича хорижий валютадаги соф пул киримининг банк жами активларига нисбати 75 фоизгача, соф пул киримининг юқори ликвидли активларга нисбати 400 фоизгача бўлган банклар инobatга олинган. Яшил ранг хорижий валютадаги мусбат соф пул киримини, жигарранг манфий соф пул киримини ўзида акс эттирувчи банкларни ифодалайди.

182-чизма. Банклар қирқимида энг йирик депозитор маблағларининг улуши*, % (2026 йил 1 январь ҳолатига)



183-чизма. Банклар қирқимида хатарли сценарий асосида энг йирик депозиторнинг ўз маблағини қайтариб олиш фарази бўйича стресс-тест натижалари, % (2027 йил 1 январь ҳолатига)**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳлар: *Депозитор сифатида юридик ва жисмоний шахслар инobatга олинган.

**Миллий ва хорижий валюталардаги соф пул киримининг банк жами активларига нисбати 70 фоизгача, соф пул киримининг юқори ликвидли активларга нисбати 400 фоизгача бўлган банклар инobatга олинган. Яшил ранг мусбат соф пул киримини, жигарранг манфий соф пул киримини ўзида акс эттирувчи банкларни ифодалайди.

Айрим банкларнинг хорижий валюта бўйича соф пул кирими асосий сценарийда манфий шаклланиши мумкин. 2026 йил якунига кўра, асосий сценарий бўйича хорижий валютадаги манфий соф пул кирими юқори ликвидли активларнинг 10 фоизини ташкил этиши мумкин. Хатарли сценарий бўйича хорижий валютадаги манфий соф пул кирими хорижий валютадаги жами активларнинг 6 фоизини, юқори ликвидли активларнинг 28 фоизини ҳосил қилиши мумкин.

Депозит концентрацияси билан боғлиқ хатарлар таъсиридаги банкларнинг ликвидлилик ҳолати хатарли сценарийга кўшимча шок бериш орқали баҳоланди. Миллий ва хорижий валюталар бўйича тижорат банклари депозит портфелидаги энг йирик депозиторлар томонидан банкларга жойлаштирган маблағларнинг қайтариб олиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш учун шартли равишда хатарли сценарийга кўшимча шок берилди.

Тижорат банклари хорижий валютадаги депозит портфелининг концентрацияси нисбатан юқорироқ шаклланган. 2025 йил якунига кўра, банкларнинг миллий валютадаги энг йирик депозитори маблағларининг банк тизими жами депозит портфелидаги улуши¹⁶⁹ 18 фоизда, миллий валютадаги депозит портфелидаги улуши эса 23 фоизда шаклланди. Шунингдек, банклардаги хорижий валюта бўйича энг йирик депозитор маблағлари банк тизими жами депозит портфелининг 6 фоизини, хорижий валютадаги депозит портфелининг 23 фоизини ташкил этди.

Энг йирик депозиторларнинг ўз маблағини қайтариб олиш фарази бўйича стресс-тест натижалари банкларда ликвидлилик даражаси пасайиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Хатарли сценарий бўйича ҳар бир банкдаги энг йирик депозитор ўз маблағини қайтариб олишини инобатга олган ҳолда стресс-тест натижасига кўра, 2026 йил якунида банк тизими бўйича юзага келиши мумкин бўлган манфий соф пул кирими миллий валютадаги юқори ликвидли активларнинг 46 фоизини ва жами активларнинг 10 фоизини ташкил этади. Хорижий валюта бўйича концентрация хатари таъсирида стресс-тест натижалари банк тизимида ижобий соф пул киримининг хорижий валютадаги юқори ликвидли активларга нисбати 55 фоиздан 14 фоизгача камайиши мумкинлигини кўрсатди.


¹⁶⁹ Энг йирик депозиторларнинг жами депозитлардаги улуши банклар қирқимида ҳисобланган энг йирик депозиторлар маблағлари йиғиндисининг банк тизими бўйича депозит портфелига нисбати сифатида аниқланган.

VI. Макропруденциал сиёсат

6.1. Макропруденциал сиёсат воситалари


Ўзбекистонда макропруденциал сиёсат воситалари Базел III стандартлари асосида тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, капитал консервация буфери, контрциклик капитал буфери ва тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери амалиётга жорий этилди. Шунингдек, банклар капиталининг монандлигига қўйиладиган минимал талаблар Базел III стандартларига мувофиқлаштирилди. Бундан ташқари, қарздорларга йўналтирилган макропруденциал воситалар, жумладан қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати, кредитнинг гаровга нисбати ҳамда қарзнинг даромадга нисбати бўйича бевосита талаблар жорий этилди ва такомиллаштирилди (8-илова).

184-чизма. Ўзбекистонда қўлланилаётган макропруденциал сиёсат воситаларидаги асосий ўзгаришлар



Манба: Марказий банк.

185-чизма. Макропруденциал сиёсат индекси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Макропруденциал сиёсат индексининг ортиши макропруденциал сиёсатнинг қатъийлаштирилганлигини, аксинча пасайиши енгиллаштирилганлигини ифодалайди.

2025 йилда қарздорларга йўналтирилган воситаларни такомиллаштириш орқали макропруденциал сиёсат қатъийлаштирилди. 2025 йил 24 июлдан эътиборан кредитнинг гаровга нисбати бўйича бевосита талаблар автокредитлар учун 75 фоиз, ипотека кредитлари учун 80–85 фоиз даражаларида ўрнатилиши макропруденциал сиёсат индексини ортишида ўз ифодасини топди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштириладиган ипотека кредитларини ўртача ойлик даромадини белгиланган тартибда аниқлаш имконияти мавжуд жисмоний шахсларга ажратишда кредитни гаровга нисбати 85 фоиздан ошмаслик талаби белгиланди.

Қарздорларга йўналтирилган макропруденциал сиёсат воситалари кенгайтирилди. Шунингдек, 2025 йилдан жисмоний шахсларга ажратилган барча кредит турлари бўйича қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати талаби 50 фоизгача қатъийлаштирилди. Шу билан бирга, банклар томонидан аҳолига истеъмол кредитлари ҳамда микроқарзлар ажратишда қарз юки хавфини камайтириш учун қарзнинг даромадга нисбати кўрсаткичи бўйича талаблар ҳам жорий этилди. 2026 йил 1 мартдан бошлаб қарзнинг даромадга нисбати кўрсаткичи ўртача ойлик даромадини аниқлаш имконияти мавжуд

бўлган қарз олувчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга 8 баробардан, ўртача ойлик даромадини тегишли тартибда аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаганда 5 баробардан ортмаслик талаби белгиланди¹⁷⁰.

Кредит портфели диверсификациясини таъминлаш мақсадида айрим кредит турлари бўйича қўшимча концентрация талаблари жорий этилди. Банклар кредит портфели таркибида автокредитлар учун амалдаги концентрация талабига қўшимча равишда, 2025 йил 24 июлдан бошлаб микроқарзлар, овердрафтлар ва кредит карталарига нисбатан ҳам концентрация чекловлари белгиланди. Бунга кўра, микроқарзлар, овердрафтлар ва кредит карталари миқдори кредит қолдиғининг энг кўпи билан 25 фоизини ташкил этиши мумкинлиги белгилаб берилди. Шу билан бирга, банклар фаолиятида кескин чекловларни олдини олиш мақсадида қўшимча талабларга мувофиқ бўлмаган банкларга кредит портфели таркибини 2028 йил якунига қадар босқичма-босқич белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш имконияти берилди.

1-жадвал. Банклар капитали учун ўрнатилган минимал талаблар ва буферлар, %

Кўрсаткичлар	2026 йил 1 январга қадар	2026 йил 1 январдан эътиборан
I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти	6	4,5
I даражали капитал монандлик коэффиценти	8	6
Жами регулятив капитал монандлик коэффиценти	13	8
Капитал консервация буфери	3 (I даражали капитал таркибида)	2,5
Контрциклик капитал буфер	-	1,5
Тизимли аҳамиятга молик банклар ¹⁷¹ учун капитал буфер	-	1


Манба: Марказий банк.

Изоҳ: Бунда микромолия банклари мустасно. Микромолия банклари учун 2026 йил 1 январдан I даражали асосий капиталнинг монандлик коэффиценти 8 фоиздан, I даражали капитал ва регулятив капиталнинг монандлик коэффицентлари эса мос равишда 10 ва 13 фоиздан кам бўлмаслик талаблари ўрнатилган.


¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 22 апрелдаги “Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори кийматларига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3697–сонли қарори.

¹⁷¹ 2026 йил учун Ўзмиллийбанк, Агробанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Халқ банки, Ипотека-банк, Капиталбанк ва Асакабанк тизимли аҳамиятга молик банклар белгиланган.

186-чизма. Ўзбекистон молиявий цикл индекси¹⁷²



187-чизма. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути, фоиз банд



■ Ижобий буферни ўрнатиш даври

Манба: Миллий статистика қўмитаси ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Молиявий цикл индексининг ошиши иктисодиётда ўсиш даврини, аксинча тушиши иктисодиётни қисқариш даврини кўрсатади.

Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути бўйича ижобий капитал буферни ўрнатиш давлари учун мазкур тафовутнинг 2 фоиз банддан юқори бўлган даврлар инобатга олинган. Ўзбекистон молиявий цикл индекси бўйича ижобий капитал буферни ўрнатиш давлари учун унинг энг юқори қийматга эга давлари ҳисобга олинган.

Тижорат банклари учун контрциклик капитал буфер даражаси 1,5 фоиз миқдорида ўрнатилди. Халқаро молия ташкилотларининг тавсиялари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган Банклар учун контрциклик капитал буфер даражасини белгилаш асосларига¹⁷³ мувофиқ миқдорий ёндашувлар ёрдамида ССуВ ставкаси ҳисобланди. Хусусан, самарали кўрсаткичлар ўзининг тарихий ўртача қиймати атрофида шаклланганлиги, банк активларининг ортиб бориши, кредитлар ажратиш қўламининг барқарорлиги, муаммоли кредитлар ўсишининг секинлашганлиги мамлакатда молиявий циклнинг стандарт хатар муҳити кузатилганлигидан далолат берди. Марказий банк миқдорий ёндашувлар натижасини инобатга олган ҳолда, стандарт хатар муҳитида 2026

¹⁷² Молиявий цикл индексини ҳисоблаш методологияси 2023 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2025). Банклар учун контрциклик капитал буфер даражасини белгилаш асослари.

йил 1 январдан банклар учун ССуВ талабларини ижобий даражада ўрнатиш бўйича қарор қабул қилди¹⁷⁴. Ушбу буфер даражасини ошириш ёки пасайтириш (realizable buffer) даврий хатарларни олдини олиш имконини беради ҳамда макропруленциал воситалар самарадорлигини оширади (9-илова).

Молиявий цикл индексининг кескин ўзгаришларсиз шаклланиши стандарт хатар муҳитида ижобий буферни ўрнатилишини асослайди. Сўнги йилларда кескин ўзгаришларсиз шаклланаётган молиявий цикл индекси мамлакатда стандарт хатар муҳити мавжуд эканлигидан далолат беради. Шунингдек, хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати манфий тафовути 2025 йил якунида 4 фоиз бандни ташкил этди. Хусусан, хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ва ўзининг узоқ муддатли трендидаги ўзгаришлар ижобий ССуВ кечикиш билан ўрнатилганлигини ифодалайди.


Таркибий тизимли хатарларни олдини олиш мақсадида тизимли аҳамиятга молик банклар учун 1 фоизлик қўшимча капитал буфери белгиланди. 2026 йил 1 январдан эътиборан тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан келиб чиқиши мумкин бўлган хатарларнинг мамлакат банк тизими ва реал иқтисодиётга салбий таъсирини олдини олиш учун маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буферлари амалиётга жорий этилди¹⁷⁵. Жумладан, ушбу буфер тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп хатарларни тўпланишини олдини олишга ҳамда юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни юқори сифатли капитал ҳисобига қоплаш имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Банклар учун капитал консервация буфери Базел III стандартлари асосида жорий этилди. Банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва тўлов қобилиятини янада яхшилаш мақсадида минимал капитал монандлик коэффициентлари қатори капитал консервация буфери 2026 йилдан эътиборан Базел III стандартларига мослаштирилди. Хусусан, капитал консервация буфери таваккалчиликка тортилган активларнинг 2,5 фоизи миқдоридан I даражали асосий капитал кўринишида шакллантириш зарурлиги белгиланди (10-илова).

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2025). Пресс-релизлар: Банклар учун контрциклик капитал буфер даражаси белгиланди.

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 28 октябрдаги “Банклар капиталининг монандлигига қўйилган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3697–сонли қарори.

188-чизма. Капитал монандлик коэффиценти оралиқлари ва жами активлардаги улушлари тақсимоти, % (2026 йил 1 январь ҳолатига)







Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.





Изоҳ: Капитал монандлик коэффицентлари оралиқларида жойлашган банкларнинг жами активлардаги улушлари йиғилиб бориш тартибида ўрнатилган.


Банклар Базел III стандартлари асосида ўрнатилган минимал капитал монандлик ва капитал буфер талабларига тўлиқ жавоб бермоқда. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, тизимли аҳамиятга молик банкларнинг I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти капитал буферларини инобатга олган ҳолда ўрнатилган минимал 9,5 фоизлик, бошқа банкларда эса 8,5 фоизлик талабдан юқори шаклланди. Шунингдек, 2026 йил бошида барча банкларнинг жами регулятив капитал монандлик коэффиценти 13 фоиздан юқори бўлди.

6.2. Хатарлар ва энгиллаштирувчи чоралар

Ўзбекистон молиявий барқарорлиги учун асосий хатарлар ва уларни энгиллаштирувчи чоралар	Хатар даражаси ва ўзгариши	
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда
<p>Геосиёсий нобарқарорлик таъсирида глобал молиявий шароитларнинг қатъийлашиши</p> <p>Халқаро миқёсда юзага келган кескинликлар, жумладан Яқин Шарқ минтақасидаги вазият туфайли глобал инфляцион кутилмаларнинг ортиши ҳамда юқори фоиз ставка муҳитининг сақланиб қолиши молиявий шароитларни қатъийлашишига сабаб бўлади. Бу эса, мамлакатга халқаро молия бозорларидан маблағларни жалб этишни қийинлаштиради ва ташқи қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш харажатларини оширади. Натижада, мамлакатга капитал оқими секинлашади, бюджет тақчиллигини молиялаштириш харажатлари ошади ҳамда хорижий кредит линиялари орқали мамлакат иқтисодиётига ажратиладиган кредит фоиз ставкаларининг ортиши юзага келади.</p> <p>Бундан ташқари, геосиёсий нобарқарорлик шароитида халқаро логистика занжирларидаги узилишлар, транспорт ва суғурта тарифларининг қимматлашиши ҳамда ёқилғи нархларининг ўсиши ташқи савдо айланмасини қисқартиради. Хусусан, Ўзбекистон экспорт маҳсулотларининг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги пасайиши ва юқори импорт нархлари таъсирида ички инфляцион босим ортиши мумкин. Товар нархларининг ўзгарувчанлиги таъсирида ташқи савдо дефицитининг кенгайиши, шунингдек капитал ҳаракатининг либераллашувининг дастлабки таъсири ҳисобига мамлакат резидентларининг хорижий валютада ташқи инвестиция киритиш имкониятининг яратилиши ички валюта бозорида босимни юзага келтиради ва ташқи молиялаштириш имкониятлари чекланган шароитида мамлакат иқтисодиётнинг глобал ташқи шокларга нисбатан сезgirлигини ортишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар молиявий ҳолатининг ёмонлашиши ушбу корхоналарнинг ўз мажбуриятларини бажариши бўйича тўлов қобилиятини пасайтириб, банк активлари сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, хорижий валютадаги депозитлар ва кредитлар йиллик ўсиш суръатининг хорижий валюта эквивалентида тезлашганлиги ҳамда соф очиқ валюта позициясининг кенгайиши юзага келиши мумкин бўлган бўлган валюта хатарларига банк тизими таъсирчанлигини оширади.</p>		

Ўзбекистон молиявий барқарорлиги учун асосий хатарлар ва уларни энгиллаштирувчи чоралар	Хатар даражаси ва ўзгариши	
	Қисқа муддатда	Ўрта муддатда
<p>Хатарни энгиллаштирувчи чоралар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - консолидациялашган бюджет тақчиллигининг белгиланган юқори чегарасига қатъий риоя қилинишини таъминлаш; - тизимли хатар буферини жорий этиш; - инвестицион муҳитни яхшилаш ҳисобига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш имкониятларини ошириш; - халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларнинг юқори шароитида мамлакат капитал бозорини ривожлантириш орқали ички молиялаштиришни кенгайтириш; - ташқи савдо бўйича халқаро логистика йўналишларини диверсификация қилиш, шунингдек қўшни давлатлар билан савдо интеграциясини кучайтириш. 		
<p>Микроқарзлар бўйича кредит хатарининг ортиши</p> <p>Банклар кредит портфелида микроқарзлар бўйича муаммоли кредитларнинг ортиб бориши кредит хатарини юқорилашига ва натижада кредит йўқотишларининг кўпайишига олиб келади. Шунингдек, микроқарз олувчилар қарз юкининг ортиши туфайли қарздорларнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатида ушбу кредитни ажратишда гаров таъминотининг талаб этилмаслиги ҳисобига тижорат банкларида кредит йўқотишлари юзага келиши мумкин.</p> <p>Хатарни энгиллаштирувчи чоралар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қарз юки талаблари доирасида қарз юки кўрсаткичини инобатга олмасдан кредит ажратиш бўйича истисно ҳолатларини микроқарзларга нисбатан татбиқ этмаслик; - минимал истеъмол харажатларидан келиб чиққан ҳолда, микроқарз олиш учун зарур бўлган минимал ойлик даромад миқдорини ўрнатиш. 		

<p>Кибер хатарларнинг ортиб бориши</p> <p>Тўлов тизимлари ҳамда рақамлаштириш жараёни жадаллашиши билан бирга кибер хатарларнинг содир бўлиши ҳам ошиб бормоқда. Ушбу турдаги хатарнинг ошиши молия тизимига бўлган ишончнинг сусайишига ва натижада молия тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, кибер хужумлар, ахборот хавфсизлигининг бузилиши ҳамда ахборотларни ўғирлаш кўринишидаги операцион хатарларнинг ортиши молия тизими иштирокчиларининг ташқи ҳодисалар таъсиридаги молиявий йўқотишларини оширади.</p> <p>Хатарни енгиллаштирувчи чоралар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шубҳали транзакцияларни аниқлашда сунъий интеллект орқали кузатиш тизимини жорий этиш ва шубҳали ҳисобланган транзакциялар учун чекловларни ўрнатиш; - молия тизими иштирокчилари томонидан бардошли ахборот хавфсизлиги тизимларини такомиллаштириб бориш; - кибер хужумлар ва фирибгарлик бўйича аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш. 		
<p>Иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавотирларнинг ортиши</p> <p>Иқлим ўзгариши натижасида келиб чиқадиган хавфлар бизнес вакиллари ҳамда жисмоний шахслар учун йирик йўқотишларни келтириб чиқариши ва бу орқали молиявий тизимга таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, мамлакат иқтисодиётидаги муҳим тармоқларнинг иқлим ўзгаришига боғлиқ моддий ва ўтиш хавфларига заифлиги ортиши мумкин.</p> <p>Хатарни енгиллаштирувчи чоралар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқлим ўзгаришининг моддий ва ўтиш хавфларини банклар молиявий ҳолатига таъсирини иқлим стресс-тести воситаси ёрдамида баҳолаш; - иқлим ўзгариши билан боғлиқ хатарларга заиф тармоқлар учун нисбатан қатъийроқ ва аксинча яшил инвестицион лойиҳалар учун пастроқ капитал талабларини белгилаш. 		



Изоҳ: Яшил, сариқ ва қизил ранглр билан кўрсатилган белгининг йўналиши хатар даражасининг ўзгаришини ифодалайди.

7-ҳавола. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ моддий хавфлар

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ моддий хавфлар мавжуд бўлиб, иқтисодиёт ва инфратузилма барқарорлиги учун хатарларни юзага келтириши мумкин. Мамлакатнинг шарқий ва жанубий қисмлари сейсмик фаол ҳудудда жойлашганлиги сабабли зилзила хавфи мавжуд. Шу билан бирга, қуруқ иқлим шароити сув танқислиги ва қурғоқчилик хавфларини кучайтириши ва натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг қисқариши, ишсизликнинг ошиши ва аҳоли даромадларининг камайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, дарё ва шаҳар тошқинлари, ер кўчиши, экстремал иссиқлик каби хавфлар ҳудудлар кесимида турлича намоён бўлиб, инфратузилма ва аҳоли фаровонлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқлим хатарлари юқори бўлган ҳудудларга банклар томонидан ажратилган кредитларда йўқотишлар вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг шарқий ва жанубий ҳудудлари сейсмик фаолликка нисбатан юқорироқ таъсирчанликка эга. Ўзбекистон Ҳиндистон ва Евроосиё тектоник плиталари¹⁷⁶ туташган нуқтага яқин жойлашганлиги сабабли сейсмик фаол ҳудуд ҳисобланади¹⁷⁷. Хусусан, геологик ва тектоник омиллар таъсирида Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри зилзила хавфи юқорироқ бўлган ҳудудлар қаторига киради. Мамлакатнинг қолган ҳудудлари зилзила хавфининг ўртача даражаси билан тавсифланган.

Ғарбий ҳудудларда қуруқ иқлим шароити сув танқислиги хавфини кучайтириши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро ҳудудларида ёғингарчиликнинг камлиги ҳамда ернинг шўрланиши туфайли иқлим хавфи мавжуд. Ўзбекистоннинг ғарбий ҳудудларида жануби-шарқий ҳудудларига нисбатан деярли 10 баравар камроқ ёғингарчилик кузатилади¹⁷⁸. Бундан ташқари, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси энг шўрланган ҳудудлар ҳисобланиб, ўртача ва кучли шўрланган ерларнинг улуши мос равишда 41 ва 40 фоизларни ташкил этади. Мазкур ерларнинг шўрини ювиш учун катта миқдорда сув талаб қилинади¹⁷⁹. Ёғингарчилик камлиги сабабли қишлоқ хўжалигида суғориш масаласи муҳим саналади ва мавжуд сув ресурсларининг деярли 90 фоизи ушбу соҳада ишлатилади¹⁸⁰. 2024 йилда қишлоқ хўжалиги номинал ЯИМнинг 18 фоизини¹⁸¹ ва умумий бандликнинг 23 фоизини¹⁸² ташкил этган. Шунингдек, Ўзбекистонда демографик ўсиш ва саноатлашув ҳисобига ер усти ва ер ости сувларига бўлган талаб ортиб бормоқда, иқлим ўзгариши таъсирида эса сув таъминоти қисқариб бормоқда. Хусусан, 2050 йилда мамлакатнинг икки асосий дарёси Амударё ва Сирдарё оқимлари мос равишда 5 фоиз ва 15 фоизга камайиши мумкин. 2030 йилда йиллик

¹⁷⁶ Тектоник (литосфера) плиталари ернинг ташқи қатламини ташкил этувчи ва бир-бирига нисбатан ҳаракатланувчи катта бўлакларидир.

¹⁷⁷ World Bank. (2024, June). Uzbekistan - General Water Security Assessment.

¹⁷⁸ World Bank. (2024, May). Uzbekistan Climate Adaptation and Resilience Assessment.

¹⁷⁹ Khanal, S., C. Nolet, M. Tursunov, J.E. Hunink, D. de Condappa. (2023, May). Climate Change Risk Mapping of the Amu Darya River Basin, Uzbekistan. Future Water Report 257.

¹⁸⁰ World Bank. (2025, May). Uzbekistan to Modernize Its Irrigation Infrastructure with World Bank Support.

¹⁸¹ Миллий Статистика Қўмитаси. (2024). Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми.

¹⁸² Миллий Статистика Қўмитаси. (2024). Бандларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши.

сув танқислигининг умумий ҳажми 7 миллиард куб метрга, 2050 йилда 15 миллиард куб метрга етиши кутилмоқда¹⁸³. Ўз навбатида, кутилаётган ўртача ҳароратнинг ошиши бўғланишнинг ва сувга бўлган талабнинг ортишига олиб келиши мумкин.

Иқлим ўзгариши таъсирида дарё тошқин хавфлари ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг аксарият қисмларида дарё тошқинлари хавфи мавжуд. Дарё тошқинлари хавфи мамлакатнинг катта қисмида, хусусан йирик сув объектлари ва дарёларнинг юқори оқими яқинидаги ҳудудларда сақланиб қолмоқда¹⁸⁴. Тошкент шаҳрининг жануби-шарқий қисмида дарё тошқини хавфи паст даражада баҳоланган¹⁸⁵. Қор эриши ҳисобига юзага келадиган дарёларнинг энг юқори оқимлари йил давомида тахминан бир ойга эртароқ кузатилиши кутилмоқда. Бу кучли ёғингарчилик ҳолатлари ва дарёлардаги асосий оқимлар билан бир вақтга тўғри келиш эҳтимолини ошириб, тошқин хавфларини янада кучайтириши мумкин¹⁸⁶.

Аксарият шаҳарларда сув тошқинлари хавфи мавжуд. Хоразм, Жиззах ва Андижон вилоятлари ўрта хавф даражасида баҳоланган. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти паст хавф тоифасига киритилган. Қолган барча ҳудудлар юқори хавф гуруҳига мансуб бўлиб, шаҳар тошқинлари, дарё тошқинлари ҳамда каттиқ ёғингарчиликлар натижасида юзага келиши мумкин. Бу хавф дренаж тизимларининг ҳолати ва сув ўтказмайдиган қопламаларнинг кенг тарқалгани туфайли янада кучайиши мумкин. Шаҳарларда асфальт йўллар ва бетон йўлкалар каби сув ўтказмайдиган юзаларнинг ортиб бориши сувнинг ерга сингишини чеклайди. Бу эса, паст ҳудудларда сув тўпланиши ва тошқинлар юзага келиш эҳтимолини оширади. Ҳозирги кунда, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда истиқомат қилмоқда¹⁸⁷. Шаҳарларда сув тошқинлари хавфини камайтиришда яшил ҳудудларни кенгайтириш ва дренаж тизимларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Истироҳат боғлари ва хиёбонлар каби яшил ҳудудлар ёмғир сувини сингдириш ва унинг оқимини секинлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда ер кўчишининг юқори хавф даражаси тоғли минтақаларда жамланган. Мамлакат ҳудудининг 90 минг км² қисми тоғлар билан қопланган бўлиб, ушбу ҳудуднинг 17 фоизи ер кўчиши хавфига мойил ҳисобланади ва кўчкиларнинг тахминан 65-70 фоизи қор эриши, ёғингарчилик ва ер ости сувлари таъсирида, 20-25 фоизи зилзилалар оқибатида, 15-20 фоизи эса техноген омиллар¹⁸⁸ сабабли юзага келади¹⁸⁹. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Наманган ва Андижон каби ҳудудларда тик рельеф, кучли ёғингарчилик ҳамда сейсмик фаоллик сабабли юқори кўчки хавфи мавжуд. Навоий вилояти ўртача хавф даражасига киритилган бўлиб, бу унинг

¹⁸³ World Bank. (2023, November). Uzbekistan Country Climate and Development Report.

¹⁸⁴ Ҳудудлар кесимида айрим туманлар ўрта, паст ёки жуда паст даражадаги тошқин хавфга эга. Масалан, Навоийда фақат иккита кичик туман юқори хавф даражасига эга, бошқа туманлар паст ёки жуда паст хавфга эга дея баҳоланган.

¹⁸⁵ ADB. (2023, August). Incorporating climate resilience in urban planning and policy making: Focus on Armenia, Georgia, and Uzbekistan.

¹⁸⁶ World Bank. (2022, April). Toward a Prosperous and Inclusive Future: The Second Systematic Country Diagnostic for Uzbekistan.

¹⁸⁷ Миллий Статистика Қўмитаси. (2025). Ўзбекистон Республикасида демографик ҳолат.

¹⁸⁸ Техноген омиллар — бу инсон фаолияти, саноат ишлаб чиқариши, техника ёки технологик жараёнлар натижасида юзага келадиган авария ва ҳалокатлардир. Уларга транспорт ҳалокатлари, кимёвий авариялар, ёнғинлар, портлашлар ва энергетика тизимидаги носозликлар кирди.

¹⁸⁹ World Bank and GFDR. (2020, January). Disaster Property Insurance in Uzbekistan: Overview and Recommendations.

тоғли ҳудудлари нисбатан камлиги билан изоҳланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри каби текис ҳамда чўл ҳудудларда кўчки хавфи паст даражада бўлиб, бунга рельефнинг текислиги ва йирик тоғ тизмалари мавжуд эмаслиги сабаб бўлади.

Экстремал иссиқлик билан боғлиқ иқлим хавфи энергетика, транспорт ва меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мамлакат бўйлаб юқори ҳарорат хавфи кенг тарқалган бўлса-да, ҳудудларнинг деярли барчаси ўртача хавф даражасида баҳоланмоқда. Юқори хавф даражасига эга ҳудуд Сурхондарё бўлиб, ғарбдан, шимолдан ва шарқдан ўраб турган тоғлар ҳаво массаларининг эркин кириб келишига тўсқинлик қилади ва ҳудудда юқори ҳароратнинг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Қуруқ иқлим шароитига эга Ўзбекистон аллақачон ҳарорат ўзгаришларига дуч келди ва ҳарорат ошиши давом этгани сайин, иқлимий босим янада кучайиши кутилмоқда. 1950 йилдан 2020 йилгача мамлакатдаги ўртача ҳарорат 2,9°C га ошган. Прогнозларга кўра, ушбу аср охиригача яна 1,21°C дан 1,94°C гача ошиши кутилмоқда¹⁹⁰. Умумий хавф даражаси ўртача бўлса-да, ҳарорат ошиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, ўртача ҳисобда ҳаво ҳароратининг бир даражага кўтарилиши электр энергияга бўлган талабни 0,5–8,5 фоизга оширади. Бунда, асосий омиллардан бири тижорий ва турар-жой биноларининг совутиш тизимлари ҳисобланади. Бундай талабнинг ошиши электр энергия тизимига босимни янада кучайтиради¹⁹¹. Шунингдек, экстремал иссиқлик транспорт инфратузилмаси учун хавфларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, экстремал иссиқлик меҳнат унумдорлигини пасайтиради, хусусан, кучли иссиқ кунларда қурилиш соҳасидаги унумдорлик 20–30 фоизгача камайиши мумкин¹⁹².


¹⁹⁰ World Bank. (2023, November). Uzbekistan Country Climate and Development Report.

¹⁹¹ World Bank and Asian Development Bank (2021). Climate Risk Country Profile: Uzbekistan.


¹⁹² World Bank. (2025, June). Unlivable. How Cities in Europe and Central Asia Can Survive – and Thrive – in a Hotter Future.

189-чизма. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ моддий хавфлар

Зилзила хавфи




Сув танқислиги хавфи




Дарё тошқини хавфи





Шаҳарларда сув тошқини хавфи



Ер кўчиш хавфи



Экстремал иссиқлик хавфи



Манба: ThinkHazard.

Изоҳ: Вилоятлар бўйича баҳолаш жараёнида ҳар бир вилоят таркибидаги туманлар орасида аниқланган энг юқори хавф даражасини танлаш орқали умумлаштирилган.

Иқлим ўзгариши харитаси

2-жадвал. Ўзбекистон учун иқлим ўзгариши бўйича маълумотлар панели

	Кўрсаткич	Бирлиги	Охири даврдан олдинги қиймати	Охири даврдаги қиймат	Охири давр	Ўзгариш
Иқлим кўрсаткичлари	Жами иссиқхона газ чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂)* эквивалентида	211,4	227,5	2024	↑
	Аҳоли жон бошига жами иссиқхона газ чиқиндилари	тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	5,7	6,1	2024	↑
	Жами иссиқхона газ чиқиндиларининг реал ЯИМга нисбати	килограмм, 2024 йил нархларида ҳар 1 млн сўм қийматида нисбатан	146,8	148,2	2024	↑
	Қишлоқ хўжалигида иссиқхона газ чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	51,9	52,2	2024	↑
	Саноат ишлаб чиқариш ва маҳсулотлардан фойдаланиш жараёнидаги иссиқхона газ чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	10,3	10,3	2023	→
	Энергетика тармоқларида иссиқхона газ чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	147,3	145,3	2023	↓
	Чиқиндиларни йўқ қилиш жараёнида иссиқхона газ чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	6,9	7,1	2024	↑
	Ўрмон хўжалиги ва ерлардан фойдаланишнинг иссиқхона газ чиқиндиларига таъсири	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	-3,4	-3,4	2023	→
	Бошқа тармоқлардаги иссиқхона газчиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	0,3	0,3	2023	→
	Иқлим ўзгариши хатарлари Ўзбекистон билан умумий бўлган давлатларда** жами иссиқхона газ чиқиндилари	млрд тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	44,4	44,9	2024	↑
	Жами углерод диоксида чиқиндилари	млн тонна	132,6	148,5	2024	↑
	Жами метан чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	64,4	64,3	2024	↓
	Қишлоқ хўжалигида метан чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	37,6	37,8	2024	↑
	Саноат ишлаб чиқариш ва маҳсулотлардан фойдаланиш жараёнидаги метан чиқиндилари	минг тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	0,9	0,9	2023	→
	Энергетика тармоқларида жами чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	19,7	18,7	2023	↓
	Чиқиндиларни йўқ қилиш жараёнида жами чиқиндилари	млн тонна, углерод диоксида (CO ₂) эквивалентида	6,3	6,4	2024	↑
	Жами энергия самарадорлиги***	Фоиз	4,5	4,2	2024	↓

Кўрсаткич	Бирлиги	Охири даврдан олдинги қиймати	Охири даврдаги қиймат	Охири давр	Ўзгариш	
Иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатувчи ер қатлами индекси (CALCI)****	Индекс	99,04	98,98	2022	↓	
Ҳаво ҳароратининг базавий қийматига (1951–1980 йиллардаги ўртача) нисбатан ўзгариши	Целсий	2,4	2,1	2024	↓	
Сув танқислиги кўрсаткичи	Индекс		3,1	2024		
Жами чучук сув истеъмолида қишлоқ хўжалигининг улуши	Ҳоиз	91	92	2022	↑	
Реал иқтисодий кўрсаткичлар	Қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши	Ҳоиз	9,6	15,7	2024	↑
	Жами электр энергия истеъмолида саноатнинг улуши	Ҳоиз	30,2	31,1	2024	↑
	Жами электр энергия истеъмолида қишлоқ хўжалигининг улуши	Ҳоиз	11,7	11,3	2024	↓
	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш харажатларининг ЯИМдаги улуши	Ҳоиз	0,34	0,36	2024 Н1	↑
	Иқлим ўзгаришларига ижобий таъсир хусусиятига эга давлат бюджети харажатларининг***** ЯИМдаги улуши	Ҳоиз	3,2	2,4	2024	↓
	Кам углеродли технология маҳсулотлари экспортининг ЯИМдаги улуши	Ҳоиз	0,1	0,1	2023	→
	Кам углеродли технология маҳсулотлари импортининг ЯИМдаги улуши	Ҳоиз	1,8	3,2	2023	↑
	Кам углеродли технология маҳсулотлари савдосининг ЯИМдаги улуши	Ҳоиз	1,9	3,3	2023	↑
	Қайта тикланувчи энергия манбалари томонидан электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми	млрд кВт соат	7,5	13,0	2024	↑
	Электр энергия нархларининг ўсиши	Ҳоиз	67,0	18,8	2025	↓
	Қазиб олинган субсидия учун ажратилган субсидия миқдори	млрд АҚШ доллари	13,2	14,5	2022	↑

Иқлим билан боғлиқ молиявий кўрсаткичлар	“Яшил” суверен халқаро облигациялар ҳажми	млн АҚШ доллари	348,4	873,4	2025	↑
	Саноат соҳасига ажратилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	Фоиз	28,8	23,6	2025	↓
	Қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	Фоиз	9,4	10,1	2025	↑
	Курилиш соҳасига ажратилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	Фоиз	2,4	3,1	2025	↑
	Транспорт ва коммуникация соҳасига ажратилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	Фоиз	6,2	5,6	2025	↓
	Тошкент шаҳрида ажратилган кредитларнинг Ўзбекистон бўйича жами кредитлардаги улуши	Фоиз		47,0	2025	
	Банк тизими активлари таркибида номолиявий ташкилотларига ажратилган кредитларнинг улуши	Фоиз	45,7	41,1	2025	↓
	Банк тизими активлари таркибида жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитларининг улуши	Фоиз	8,8	8,6	2025	↓
	Умумий суғурта хизматларининг оммалаштириш даражаси	Промилле	6,2	7,0	2025	↑

Манбалар: ХВЖ, Европа комиссияси, Жаҳон табиат жамғармаси, Миллий статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва Марказий банк ҳисоб-китоби.

Изоҳ: Кўрсаткичдаги ижобий ўзгариш яшил ранг, салбий ўзгариш қизил ранг ҳамда ўзгаришсиз ҳолатлари сариқ ранг билан кўрсатилган белгилар орқали ифодаланган. Шунингдек, ушбу белгиларнинг йўналиши кўрсаткичлар қийматидаги ўзгаришларни англатади.

*Углерод диоксида (CO_2) эквиваленти – бошқа газлар миқдорини бир хил глобал иситиш потенциалига эга бўлган эквивалент миқдордаги углерод диоксидига айлантириш орқали, турли хил иситиқхона газлари эмиссиясини уларнинг глобал иситиш потенциалига (global-warming potential, GWP) асосланган ҳолда солиштириш учун ишлатиладиган метрик ўлчовдир. Углерод диоксида эквивалентлари одатда миллион метрик тонна углерод диоксида эквивалентларида ифодаланади. Маълум бир газ учун углерод диоксида эквиваленти тонна бирлигидаги ушбу газ ҳажмини тегишли глобал иситиш потенциалига қўпайтириш орқали аниқланади.

**Иқлим ўзгариши хатарлари Ўзбекистон билан умумий бўлган давлатлар¹⁹³ сифатида Афғонистон, Россия, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари инobatга олинган.

***Жами энергия самарадорлиги жами ёкилги-энергетика ресурслари истеъмоли бирлигига тўғри келадиган ЯИМ миқдорини белгилайди.

****Иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатувчи ер қатлами индекси (Climate Altering Land Cover Index, CALCI) иқлим ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ер қатламидаги ўзгаришларни баҳолашда фойдаланилади. Бунда ўрмонларнинг кесилиши, урбанизация даражаси ва қишлоқ хўжалиги ерларининг кенгайиши каби ер қатламидаги ўзгаришлар даражаси инobatга олинади. Барча мамлакатлар бўйича ер

¹⁹³ Kollenda, P., Logan, S., & Wang, D. (2025). Finding your Peers: Comparing Countries on a Level Playing Field. World Bank Paper.

Мамлакатларни қиёслаш бўйича давлатларни аниқлаш учун давлатларнинг жойлашган ўрни, ўзаро савдо айланмаси, даромади, хусусан аҳоли жон бошига ЯИМ миқдорини инobatга олиш мақсадга мувофиқ.

коплами маълумотларининг 2015 йилдан бошлаб эълон қилинганлиги сабабли, ушбу давр индекс учун базавий йил сифатида танланган (2015 йил = 100).

****Иқлим ўзгаришларига ижобий таъсир кўрсатувчи давлат бюджети харажатлари хусусиятига кўра, иқлимга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни олдини олиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш харажатларини ўз ичига олади. Булар иссиқхона газлари чиқиндиларини қисқаришига олиб келадиган чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган харажатлар, шунингдек иқлим ўзгаришларининг муқаррар оқибатлари билан боғлиқ йўқотишларни олдини олиш ёки камайтириш мақсадида иқлим ўзгаришларига ўз вақтида мослашиш харажатларини ифодалайди.

Ўзбекистон учун иқлим ўзгариши бўйича маълумотлар панели мамлакатда иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўтиш¹⁹⁴ хавфларининг ошганлигини, шунингдек ушбу хавфларнинг молия тизимига таъсири кучайганини намоён этмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг жами иссиқхона газ чиқиндилари 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 7,6 фоизга ортиб, 227,5 млн тонна углерод диоксида эквивалентини ташкил этди¹⁹⁵. Реал ЯИМ бирлигига¹⁹⁶ тўғри келадиган жами иссиқхона газ чиқиндилари ҳажми эса, 2024 йилда қарийб 0,15 тоннада шаклланиб, 2023 йилга қараганда 1 фоизга кўпайди. Шу билан бирга, мамлакатда умумий энергия самарадорлигининг 2023 йилдаги 4,5 фоиздан 2024 йилда 4,2 фоизга пасайиши кам углеродли иқтисодиётга ўтиш жараёнида энергия соҳасидаги ислохотлар билан боғлиқ ўтиш хавфлари бўйича хавотирлар кучайганлигидан далолат беради.

Бунда асосан, қишлоқ хўжалигининг иқлим ўзгариш хавфларига заифлиги ортган. Хусусан, қишлоқ хўжалигида жами иссиқхона газларининг кўпайиши, ушбу секторнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ моддий хавфлардан¹⁹⁷ ташқари ўтиш хавфларига нисбатан ҳам таъсирчанлигини оширади. Бундан ташқари, жами чучук сув истеъмолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши¹⁹⁸ мазкур тармоқнинг сув ресурслари билан боғлиқ хатарларга юқори даражада таъсирчан эканини кўрсатиб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга нисбатан заифлигини кучайтиради. Шунингдек, жами банк тизими кредит портфели таркибида қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитларнинг улуши 2025 йилда 9,1 фоиздан 10,1 фоизгача ошди¹⁹⁹. Бу эса ўз навбатида, кам углеродли иқтисодиётга ўтиш чора-тадбирлари²⁰⁰ таъсирида ушбу тармоқда юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишлар туфайли банк тизимида кредит хатари эҳтимолининг нисбатан ортганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, жами чучук сув истеъмолининг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилмоқда.

¹⁹⁴ Ўтиш хавфлари кам углеродли иқтисодиётга ўтиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, иқлим ўзгаришини енгиллаштириш ва мослашишга қаратилган технология, қонунчилик ва мамлакат сиёсатидаги ўзгаришлар молиявий активлар ва мажбуриятлар қийматига таъсир қилиши мумкин.

¹⁹⁵ European Commission. (2025). GHG emissions of all world countries.

¹⁹⁶ 2024 йил нархларидаги ЯИМ миқдорининг ҳар 1 млн сўм қийматига нисбатан тўғри келадиган жами иссиқхона газ чиқиндилари ҳисобланган.

¹⁹⁷ Моддий хавфлар, яъни иқлим ўзгариши билан боғлиқ экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг кескинлашуви ва тез-тез такрорланиши билан боғлиқ иқтисодий харажатлар молиявий активлар қийматини пасайтириши ёки мажбуриятларни ошириши мумкин.

¹⁹⁸ World Bank. (2024). Annual freshwater withdrawals, agriculture (% of total freshwater withdrawals).

¹⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2026). Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича улуши.

²⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 7 июлдаги “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги ЎРҚ-1073–сонли Қонуни.

Ўзбекистонда ҳаво ҳарорати ўртача базавий қийматига²⁰¹ нисбатан 2,1°C га ошганлиги кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳаво ҳарорати Париж келишуви доирасида глобал исиш даражасини саноатгача бўлган даврдаги ўртача ҳароратга нисбатан 2°C дан сезиларли паст ушлаб туриш талабига²⁰² нисбатан юқориқ ўсмоқда. Бу эса, мамлакатда иқлим ўзгариши билан боғлиқ моддий хавфларнинг сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

²⁰¹ Ҳаво ҳароратининг базавий қиймати сифатида 1951–1980 йиллардаги ўртача ҳаво ҳарорати инобатга олинган.

²⁰² United Nations. (2015). Paris Agreement.

3-жадвал. Эрта огоҳлантирувчи кўрсаткичлар харитасида фойдаланилган кўрсаткичлар тафсири

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути	Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг ўз трендидан юқори шаклланиши даврий тизимли хатарларнинг ортиб бораётганини ифодалайди.	Хусусий секторга амалда ажратилган кредитларнинг номинал ЯИМга нисбати ва унинг унинг узок муддатли тренди ўртасидаги тафовут. Узок муддатли тренд чораклик маълумотлар учун мўлжалланган 400 000 силлиқлаш параметридан фойдаланган ҳолда бир томонлама НР фильтри ёрдамида аниқланади.	+	Фоиз банд
Миллий валютадаги кредитлар ва ғазначилик облигацияларнинг фоиз ставкалари орасидаги фарк	Миллий валютадаги кредитлар ва ғазначилик облигациялари фоиз ставкалари орасидаги фаркнинг кенгайиши кредит таваккалчилиги мукофотининг (credit risk premium) ошганлигидан далолат бериб, банклар кредит хатарини юқорирок баҳолаётганини кўрсатади.	Жами миллий валютадаги ўртача кредит фоиз ставкаси ва ғазначилик облигацияларининг ўртача фоиз ставкаси орасидаги тафовут.	+	Фоиз банд
Молиявий шароитлар индекси (FCI)	Молиявий шароитлар индексининг ортиши мамлакатда молиявий шароитларнинг қатъийлашганини англатиб, келгусида реал иқтисодий ўсишнинг секинлашиши мумкинлигидан далолат беради.	Молиявий шароитлар индексининг якуний натижаси банк сектори, валюта бозори, ташқи сектор ва макроиктисодий кўрсаткичларни ифодаловчи субиндексларни РСАдан фойдаланган ҳолда бирлаштириш орқали ҳисобланади.	+	Индекс

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Жами кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути	Кредитнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг ўз трендидан юқори шаклланиши умумий қарз юкининг ортиб бораётганидан далолат бериб, даврий тизимли хатарларнинг тўпланиб бораётганлигини ифодалайди.	Жами кредитлар қолдигининг номинал ЯИМга нисбати ҳамда ушбу кўрсаткичининг НР фильтр орқали аниқланган узок муддатли тренди ўртасидаги тафовут. Узок муддатли трендни НР фильтр орқали баҳолашда чораклик маълумотлар учун мўлжалланган 400 000 силлиқлаш параметридан фойдаланилади.	+	Фоиз банд
Номинал ЯИМ тафовути	Номинал ЯИМ микдорининг ўз трендидан ортда қолиши мамлакат иқтисодиётининг потенциалидан тўлиқ фойдаланилмаган-лиги, иқтисодий фаолликнинг сусайганлиги ва тизимли хатарларнинг тўпланиб бораётганлигидан далолат беради.	Номинал ЯИМ микдорининг амалдаги ва узок муддатли тренди ўртасидаги фарқ. Узок муддатли трендни НР фильтр орқали баҳолашда чораклик маълумотлар учун мўлжалланган 400 000 силлиқлаш параметридан фойдаланилади.	-	Фоиз банд
Молиявий стресс индекси (FSI)	Молиявий стресс индексининг юқори шаклланиши молия тизимида стресс даражасининг ошганлигини кўрсатади.	Индекснинг якуний натижаси пул бозори, ички валюта бозори, банк секторини ифодаловчи субиндексларнинг қийматлари ва уларнинг мос улушлари кўпайтмаларининг йиғиндиси орқали аниқланади.	+	Индекс
Кредитнинг ЯИМга нисбати ўсиш суръати	Кредитнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг ошиши мамлакатда қарз юки даражаси юқорилаганидан далолат бериб, кредит йўқотишлари хавфининг ортишини ифодалайди.	Жами кредитлар қолдигининг номинал ЯИМга нисбати кўрсаткичининг йиллик ўсиш суръати.	+	Фоиз банд

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Жорий операциялар ҳисоби балансининг ЯИМга нисбати	Жорий операциялар ҳисоби тақчиллигининг ЯИМга нисбатини ортиши мамлакат иқтисодиётининг ташқи хатарларга нисбатан таъсирчанлиги ошганлигидан далолат беради.	Жорий операциялар ҳисоби сальдоси миқдорини номинал ЯИМ ҳажмига нисбати.	-	Фоиз
Молиявий цикл индекси	Молиявий цикл индексининг ошиши иқтисодиётнинг ўсиш даврида молия бозор иштирокчиларининг таваккалчиликка бўлган мойиллиги ортиши ва тизимли хатарларнинг тўпланиб боришидан далолат беради.	Кўрсаткичлар Z-score усули орқали стандартлаштирилган кўринишга келтирилади ва РСАдан фойдаланган ҳолда молиявий цикл индексига бирлаштирилади.	+	Индекс
Кредитнинг депозитга нисбати	Кредитнинг депозитга нисбати кўрсаткичининг юқори даражада шаклланиши кредитлар ажратишда банкларнинг барқарор бўлмаган молиялаштириш манбаларига боғланиб қолиши туфайли ликвидлилик хавфининг ортишини ифодалайди.	Кредитлар қолдиғини депозитлар қолдиғига нисбати.	+	Фоиз
Капитал рентабеллиги (ROE)	Капитал рентабеллигининг пасайиши тижорат банкларининг даромадлилик кўрсаткичлари камайиб, молиявий йўқотишларнинг кузатилганидан далолат беради.	Банк тизими бўйича солиқ тўлагандан кейинги соф фойданинг жами капиталга нисбати орқали аниқланади.	-	Фоиз
Муаммоли кредитларнинг (NPL) ўсиш суръати	Муаммоли кредитлар ўсишининг тезлашиши кредит портфели сифатининг ёмонлашиши ҳамда кредит йўқотишлари эҳтимолининг ортишидан далолат беради.	Муаммоли кредитлар қолдиғининг бир йил олдинги қийматига нисбатан йиллик ўсиш суръати ҳисобланади.	+	Фоиз

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Банк тизими активларининг ЯИМга нисбати	Ушбу кўрсаткичнинг ортиши реал иқтисодиёт ва банк тизими ўзаро боғлиқлик даражасининг ортганини ифодалаб, банк тизимида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири юқорилашини англатади.	Банк тизими жами активларининг номинал ЯИМга нисбати.	+	Фоиз
Соф баркарор молиялаштириш меъёри коэффицентини (NSFR)	Соф баркарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг камайиши банкларда ликвидлик муаммоси ошганлигини ифодалаб, мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишда банкларда қийинчиликларнинг юзага келиши мумкинлигини ифодалайди.	Баркарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини баркарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати.	-	Фоиз
Ликвидликни қоплаш меъёри коэффицентини (LCR)	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффицентининг камайиши банкларда ликвидлик муаммоси ошганлигини ифодалаб, кейинги 30 кун ичида қутилаётган соф чиқимни қоплаш учун юқори ликвидли активларнинг етарлилик даражасининг пасайганини англатади.	Юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати.	-	Фоиз
Жами банк кредитлар қолдиғининг ўсиши (YoY)	Кредитлар қолдиғининг юқори суръатларда ўсиши банк активлари таркибда юқори таваккалчилик даражасига эга активлар кўламининг ортиб бораётганини ифодалайди.	Жами кредитлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръати.	+	Фоиз

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Хорижий валютадаги кредитларнинг улуши	Кредит портфелида долларлашув даражаси юқори бўлиши валюта бозоридаги ўзгаришлар натижасида банкларда кредит йўқотишларининг ортиши мумкинлигидан далолат беради.	Юридик шахсларга хорижий валютада ажратилган кредитлар қолдиғининг жами кредитларга нисбати.	+	Фоиз
Активлар рентабеллиги (ROA)	Активлар рентабеллигининг пасайиши тижорат банкларининг даромадлилик кўрсаткичлари камайиб, молиявий ҳолати ёмонлашганидан далолат беради.	Банк тизими бўйича солиқ тўлағунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбатини ҳисоблаш орқали аниқланади.	-	Фоиз
Левераж коэффиценти	Левераж коэффицентининг камайиши жами банк активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини пасайганлигини ифодалаб, юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплашда банклар тўлов қобилиятини ёмонлашганидан далолат беради.	I даражали капитални жами активлар ҳажмига нисбати орқали аниқланади.	-	Фоиз
I даражали асосий капитал монандлик коэффиценти	I даражали асосий капитал монандлик коэффицентининг камайиши банкларнинг тўлов қобилиятини пасайганлигини ифодалаб, тизимли хатарларга бардошлиги ёмонлашганини ифодалайди.	I даражали асосий капитални таваккалчиликка тортилган активларга нисбати орқали аниқланади.	-	Фоиз
Жами активларда юқори ликвидли активларнинг улуши	Жами активлар таркибида юқори ликвидли активларнинг камайиши банк тизимида ликвидлилик хавфининг ортишини ифодалайди.	Юқори ликвидли активларнинг жами активларга исбати.	-	Фоиз

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Валюта позицияси	Валюта позицияси абсолют қийматининг юқорилаши хорижий валютадаги кескин ўзгаришлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган банк йўқотишлари ортишини ифодалайди.	Тижорат банкларининг хорижий валютадаги талаблари миқдори унинг хорижий валютадаги мажбуриятлари миқдорига тенг бўлмаган ҳолатдаги талаблар ва мажбуриятлар орасидаги фарк.	+	Миқдор
Банк секторининг концентрация даражаси (активлар бўйича)	Банк секторидаги концентрация ва рақобат даражасини ифодаловчи Херфиндаль-Хиршман индекси (ННІ) кўрсаткичининг ортиши, банк тизимида рақобат даражасининг пасайгани ва концентрация хавфининг юқорилаганини ифодалайди.	Банк тизими активлар бўйича Херфиндаль-Хиршман индекси (ННІ) ҳар бир банк активларининг жами банк тизими активларидаги улуши квадратларининг йиғиндиси.	+	Индекс
Нобарқарор молиялаштириш коэффициенти	Улгуржи молиялаштириш манбалари эгаларининг банклар молиявий ҳолати ва молиявий бозордаги бошқа инвестицион имкониятларни доимий кузатиб бориши туфайли, банк тизимида юзага келган ноаниқлар даврида ушбу маблағлар йирик миқдорда қайтариб олинади. Шу сабабли, ушбу коэффициентнинг ошиши ликвидлилик муаммоларининг юзага келиш эҳтимолининг ортишини ифодалайди.	Аҳоли омонатларидан ташқари бошқа банк мажбуриятларининг жами активларга нисбати.	+	Фоииз
Жами мажбуриятлар таркибида нобарқарор молиялаштиришнинг улуши	Молиявий тизимдаги ўзгаришларга улгуржи молиялаштириш маблағларининг юқори таъсирчанлиги туфайли, юзага келган ноаниқлар даврида ушбу маблағларнинг катта миқдорда қайтариб олинади. Шу сабабли, банкларнинг жами мажбуриятлар	Аҳоли омонатларидан ташқари бошқа банк мажбуриятларининг жами мажбуриятларга нисбати.	+	Фоииз

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
	таркибида улгуржи молиялаштириш манбалари улушининг ортиши юзага келиши мумкин бўлган ликвидлик муаммоларининг ошишини ифодалайди.			
Уй хўжалик-лари кредитлари қолдиғининг ўсиши	Чакана кредитларнинг юқори суръатларда ўсиши қарз олувчиларнинг қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини ошиши туфайли келгусида истеъмол харажатларининг камайиши ва иқтисодиётда ялпи талабнинг қисқаришига сабаб бўлади. Бу эса, келгусида қарздорларнинг молиявий ҳолати ёмонлашиши натижасида банкларда кредит йўқотишларини оширади.	Жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръати.	+	Фоиз
Корпоратив кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути	Юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг номинал ЯИМга нисбатининг ўз трендига нисбатан юқори шаклланиши корпоратив сектор бўйича қарз юки ва даврий тизимли хатарларнинг юқорилаётганини ифодалайди.	Юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг номинал ЯИМга нисбати ва унинг узок муддатли тренди ўртасидаги тафовут. Узок муддатли тренд чораклик маълумотлар учун мўлжалланган 400 000 силлиқлаш параметридан фойдаланган ҳолда бир томонлама НР фильтри ёрдамида аниқланади.	+	Фоиз банд
Уй хўжаликларининг ЯИМга нисбати тафовути	Чакана кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг ўз трендидан юқори шаклланиши аҳоли қарз юки даражаси ва даврий тизимли хатарларнинг ортиб бораётганини ифодалайди.	Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг номинал ЯИМга нисбати ва унинг узок муддатли тренди ўртасидаги тафовут. Узок муддатли тренд чораклик маълумотлар учун мўлжалланган 400 000 силлиқлаш параметридан фойдаланган ҳолда бир	+	Фоиз банд

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
		томонлама НР фильтри ёрдамида аниқланади.		
Жами кредитлар таркибида корпоратив кредитлар улуши	Ушбу кўрсаткичнинг ортиши банк кредит портфелида юридик шахслар бўйича концентрация хавфи ошганини англатиб, корхоналарнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши туфайли банкларнинг кредит йўқотишлари эҳтимоли ортишини ифодалайди.	Юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг жами кредитларга нисбати.	+	Фоиз
Корпоратив кредитларнинг ўсиш суръати	Корпоратив кредитларнинг юқори суръатларда ўсиши реал иқтисодиётда юзага келиши мумкин бўлган хатарлар натижасида йирик қарздорлар тўлов қобилиятининг ёмонлашиши туфайли банкларда сезиларли кредит йўқотишлари эҳтимолини оширади.	Юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг йиллик ўсиш суръати.	+	Фоиз
Жами кредитлар таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг улуши	Кредит портфелида чакана кредитлар улушининг ортиши қарздорларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши натижасида банкларда кредит йўқотишлари эҳтимоли ошириши мумкин.	Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг жами кредитлар қолдиғига нисбати.	+	Фоиз
Жисмоний шахслар бўйича қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати	Жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг ортиши аҳолининг қарз юки даражаси юқорилаганидан далолат бериб, қарз олувчиларнинг кредитларни ўз вақтида тўлай олмаслик ва кредит йўқотишлари юзага келиш эҳтимолини оширади.	Банкдан кредит олган жисмоний шахсларнинг банк, нобанк ва номолиявий ташкилотлар билан тузилган амалдаги кредит ва қарз шартномалари бўйича жами ойлик тўлов миқдорининг ойлик даромадга нисбати.	+	Фоиз

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
Уй-жой нархининг аҳоли ихтиёридаги даромадга нисбати	Уй-жой нархларининг аҳоли ихтиёридаги даромадга нисбатан юқори суръатларда ўсиши уй-жой нархларининг шаклланишида фундаментал омилларга боғлиқ бўлмаган бошқа омилларнинг таъсири юқорилигини ифодалайди.	Уй-жойлар ўртача бозор нархларининг аҳоли ихтиёридаги даромадга нисбати.	+	Микдор
Ипотека кредитларининг ўсиш суръати	Ипотека кредитлари қолдигининг юқори суръатларда ўсиши кўчмас мулк бозорида юзага келиши мумкин бўлган хатарларга банк тизими таъсирчанглигининг ошганлигини англатади.	Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари қолдигининг йиллик ўсиш суръати.	+	Фоиз
Ипотека кредитлари қолдиги бўйича левераж	Мамлакат ЯИМига нисбатан ипотека кредитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши жисмоний шахсларнинг ипотека кредитлари бўйича қарз юки даражаси ошганлигидан далолат беради.	Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари қолдигининг номинал ЯИМга нисбати.	+	Фоиз
Уй-жой нархларининг ўсиш суръати	Уй-жой нархлари йиллик ўсиш суръати абсолют қийматининг юқори даражада ошиши кўчмас мулк бозорида ўзгарувчанликни ошганлигини ва хатарларни йиғилиб бораётганлигини далолат беради.	Республика бўйича ўртача уй-жой нархларининг йиллик ўсиш суръати.	+	Фоиз
Ўзбекистон суверен еврооблигациялар G-спреди	Ўзбекистон суверен еврооблигациялари G-спредининг ортиши бенчмарк облигацияларга нисбатан хатарлилик даражаси ортганлиги, шунингдек халқаро молия бозорларида инвесторларнинг	Хорижий валютада жойлаштирилган Ўзбекистон суверан облигациялари даромадлиги ва бенчмарк облигациялар даромадлиги ўртасидаги фарқ. Барча еврооблигациялар бўйича умумий G-спред	+	Фоз банд

Кўрсаткич номи	Мохияти	Тавсифи	Таъсир ишораси	Ўлчов бирлиги
	мамлакат суверен қарзи бўйича талаб қиладиган хавф мукофоти ошганлигидан далолат беради.	кўрсаткичини аниқлашда ҳар бир еврооблигация бўйича G-спред ва облигациялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тортилган арифметик ўртача ҳисобланади.		

Изоҳ: (+) кўрсаткичнинг ўсиши молиявий заифликларнинг ортишини, (-) эса кўрсаткичнинг ўсиши молиявий заифликларнинг аксинча камайишини ифодалайди.

Экстремал қийматлар назариясига асосланган ёндашув

Экстремал қийматлар назариясига (Extreme Value Theory, EVT) асосланган ёндашув банк тизимида салбий таъсир қилувчи хатарларнинг экстремал қийматларини миқдорий жиҳатдан аниқлашга ва ушбу хатарларнинг тизим орқали тарқалишини таҳлил қилишга қаратилган²⁰³. Хусусан, ушбу ёндашув валюта курсининг тарихий ўзгарувчанлигидан келиб чиқиб, валюта курсининг кейинги даврда юзага келиши мумкин бўлган экстремал қийматларини баҳолаш имконини беради.

EVT асосида баҳоланган валюта курсининг ўзгариши банк балансидаги хорижий валютадаги активлар ва хорижий валютадаги мажбуриятларнинг сўмдаги номинал қийматини ўзгаришига олиб келади. Ушбу ўзгаришлар таъсирида хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги номуносиблик туфайли банкларга салбий таъсир кузатилиши мумкин. Шу билан бирга, валюта курси хатари туфайли ҳосил бўладиган йирик йўқотишлар таъсирида айрим банкларда юзага келган дефолт ҳолатларининг тарқалиш хатарини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳам таҳлил қилинади.

Валюта курси ўзгарувчанлиги логарифмик шаклда қуйидагича аниқланади:

$$r_t = \log\left(\frac{FX_t}{FX_{t-1}}\right) = \log(FX_t) - \log(FX_{t-1})$$

Бу ерда,

$r_t - t$ даврдаги валюта курси логарифмик ўзгарувчанлиги;

$FX_t - t$ даврдаги миллий валюта курсининг хорижий валютадаги номинал қиймати;

$FX_{t-1} - (t - 1)$ даврдаги миллий валюта курсининг хорижий валютадаги номинал қиймати.

Асосий эътибор миллий валюта курсининг қадрсизланишига қаратилганлиги сабабли валюта курси ўзгарувчанлиги манфий ишора билан қайта аниқланади ва $y_t = -r_t$ деб белгиланади²⁰⁴. Валюта курси манфий ўзгарувчанлигининг динамикаси қуйидаги кўринишда стохастик жараён²⁰⁵ сифатида моделлаштирилади:

²⁰³ Nikzad, R. (2011). Extreme Value Theory with an Application to Bank Failures through Contagion. University of Ottawa.

²⁰⁴ Titov, C. (2022). Forecasting Exchange Rate Value-at-Risk and Expected Shortfall: A GARCH-EVT Approach. School of Economics and Management, Lund University.

²⁰⁵ Стохастик жараён – бу вақт давомида тасодифийлик таъсирида ривожланиб борадиган жараён.

$$y_t = \mu_t + \varepsilon_t$$

$$\varepsilon_t = z_t \sigma_t$$

Бу ерда,

y_t – валюта курсининг манфий ўзгарувчанлиги;

μ_t – шартли ўртача;

σ_t – шартли стандарт оғиш;

$z_t \sim F(0, 1)$ – стандарт Стюдент-т тақсимотига²⁰⁶ эга бўлган мустақил ва бир хил тақсимланган тасодикий жараён.

Шартли ўртача ва шартли дисперсия қийматлари ($t - 1$) вақтгача бўлган маълумотлар тўпламига нисбатан баҳоланади ва ушбу маълумотлар тўплами G_{t-1} орқали белгиланади. Шартли ўртача μ_t ва шартли дисперсия σ_t^2 қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$\mu_t = E(y_t | G_{t-1})$$

$$\sigma_t^2 = Var(y_t | G_{t-1})$$

Бу ерда, $E(y_t | G_{t-1})$ ва $Var(y_t | G_{t-1})$ мос равишда шартли ўртача ва шартли дисперсияни билдиради.

EVT ёндашуви учун маълумотлар мустақил ва бир хил тақсимланган бўлиши талаб қилинади. Мустақил ва бир хил тақсимланган қолдиқларга яқинлашиш учун вақт қаторларига авторегрессив ҳаракатланувчи ўртача (Autoregressive Moving Average, ARMA) ва турли умумлаштирилган авторегрессив шартли ҳетероскедастиклик (Generalized Autoregressive Conditional Heteroskedasticity, GARCH) моделларидан бири қўлланилади.

Авторегрессив (Autoregressive, AR) модел – бу вақт қаторининг жорий қийматини унинг ўтган даврдаги қийматлари ёрдамида тушунтирувчи статистик модел ҳисобланади. AR моделига кечиккан тасодикий

²⁰⁶ Стандарт Стюдент-т тақсимоти қуйидаги кўринишдаги эҳтимоллик зичлик функциясига эга бўлади:

$$t_v(x) = \frac{\Gamma\left(\frac{v+1}{2}\right)}{\sqrt{\pi v} \Gamma\left(\frac{v}{2}\right)} \left(1 + \frac{x^2}{v}\right)^{-\frac{v+1}{2}}$$

$$v = t - 1$$

$$\Gamma(p) = \int_0^{\infty} x^{p-1} e^{-x} dx$$

Бу ерда,

$t_v(x)$ – эҳтимоллик зичлик функцияси;

v – эркинлик даражаси;

t – намуна ҳажми;

$\Gamma(p)$ – Гамма функцияси.

хатоликларни (ε_{t-j}) қўшиш орқали авторегрессив ҳаракатланувчи ўртача (ARMA) модели ҳосил қилинади. Вақт қаторининг ARMA(r,s) тасвири қуйидагича ифодаланади:

$$y_t = c + \sum_{i=1}^r \varphi_i y_{t-i} + \sum_{j=1}^s \gamma_j \varepsilon_{t-j} + \varepsilon_t$$

Бу ерда,

y_t – маълумотларнинг i даврдаги қиймати;

c – ўзгармас сон;

y_{t-i} – маълумотларнинг i давр олдинги даврдаги қийматлари;

ε_{t-j} – тасодифий хатоликларнинг j давр олдинги даврдаги қийматлари;

φ_i, γ_j – номаълум коэффициентлар.

Кўпгина молиявий вақт қаторларининг тарихий дисперсияси вақт ўтиши билан ўзгариш хусусиятига эга. Яъни, ушбу кўрсаткичларда вақт ўтиши билан ўзгарувчан шартли ҳетероскедастикликни²⁰⁷ кузатилади.

Умумлаштирилган авторегрессив шартли ҳетероскедастиклик (GARCH) модели эса, молиявий вақт қаторларининг ўзгарувчан хусусиятларини аниқлаш усули ҳисобланади. GARCH моделида мусбат ва манфий тасодифий хатоликлар дисперсияга симметрик таъсир қилади. Бунда, GARCH(p,q) моделининг шартли дисперсияси қуйидагича ифодаланади:

$$\sigma_t^2 = \omega + \sum_{i=1}^p \alpha_i \varepsilon_{t-i}^2 + \sum_{j=1}^q \beta_j \sigma_{t-j}^2$$

$$\sum_{i=1}^p \alpha_i + \sum_{j=1}^q \beta_j < 1$$

$$\omega > 0, \alpha_i \geq 0, \beta_j \geq 0$$

Бу ерда,

ε_{t-i} – i давр олдинги даврлардаги тасодифий хатоликлар;

σ_{t-j}^2 – j давр олдинги даврлардаги шартли дисперсиялар;

$\omega, \alpha_i, \beta_j$ – коэффициентлар.

Юқоридаги тенгликдаги коэффициентларнинг барчаси номанфий деб қабул қилиниши манфий бўлмаган дисперсияни таъминлаш учун зарур. Шартли дисперсия тенгламасидаги α_i коэффициенти олдинги даврдаги тасодифий хатоликлар шартли дисперсияга қанчалик таъсир қилишини

²⁰⁷ Ҳетероскедастиклик – бу тасодифий ўзгарувчилар кетма-кетлигининг дисперсияси вақт қаторининг турли нукталарида бир хил бўлмай, ўзгариб турадиган ҳолатдир.

кўрсатади. Шу билан бирга, β_j коэффиценти шартли дисперсиянинг барқарорлик даражасини кўрсатади.

GARCH моделларида энг кенг тарқалган ёндашув фақат биринчи тартибли тасодифий хатоликлар ва шартли дисперсия кечикишларидан фойдаланиш ҳисобланади. Стандарт GARCH(1,1) модели қуйидагича ифодаланади:

$$\sigma_{t+1}^2 = \omega + \alpha \varepsilon_t^2 + \beta \sigma_t^2.$$

Бундан ташқари, интеграцияланган GARCH (Integrated GARCH) модели стандарт GARCH моделига ўхшаш бўлиб, мусбат ва манфий тасодифий хатоликлар дисперсияга симметрик таъсир қилади. GARCH модели билан фарқи шундаки, IGARCH моделида α_i ва β_j коэффицентларининг йиғиндиси бирга тенг:

$$\begin{aligned} \sigma_t^2 &= \omega + \sum_{i=1}^p \alpha_i \varepsilon_{t-i}^2 + \sum_{j=1}^q \beta_j \sigma_{t-j}^2 \\ \sum_{i=1}^p \alpha_i + \sum_{j=1}^q \beta_j &= 1 \end{aligned}$$

Бу ерда,

$$\omega > 0, \alpha_i \geq 0, \beta_j \geq 0;$$

ε_{t-i} – i давр олдинги даврлардаги тасодифий хатоликлар;

σ_{t-j}^2 – j давр олдинги даврлардаги шартли дисперсиялар.

GJR-GARCH (Glosten, Jagannathan and Runkle GARCH) модели асимметрик GARCH модели бўлиб, манфий тасодифий хатоликлар мусбат тасодифий хатоликларга қараганда шартли дисперсияга кўпроқ таъсир қилади. GJR-GARCH(p,q) моделининг шартли дисперсияси қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned} \sigma_t^2 &= \omega + \sum_{i=1}^p (\alpha_i + \gamma_i I_{t-i}) \varepsilon_{t-i}^2 + \sum_{j=1}^q \beta_j \sigma_{t-j}^2 \\ I_{t-i} &= \begin{cases} 1, \text{ агар } \varepsilon_{t-i} < 0 \\ 0, \text{ агар } \varepsilon_{t-i} \geq 0 \end{cases} \end{aligned}$$

Бу ерда,

$$\omega > 0, \alpha_i \geq 0, \gamma_i \geq 0, \beta_j \geq 0;$$

ε_{t-i} – i давр олдинги даврлардаги тасодифий хатоликлар;

$\sigma_{t-j}^2 - j$ давр олдинги даврлардаги шартли дисперсиялар.

Экспоненциал GARCH (Exponential GARCH) модели кенг кўлланиладиган асимметрик GARCH моделларидан бири бўлиб, шартли дисперсияни логарифмик кўринишда моделлаштиради. EGARCH(p,q) модели қуйидагича ифодаланади:

$$\ln(\sigma_t^2) = \omega + \sum_{i=1}^p \left(\frac{\alpha_i \varepsilon_{t-i} + \gamma_i |\varepsilon_{t-i}|}{\sigma_{t-i}} \right) + \sum_{j=1}^q \beta_j \log(\sigma_{t-j}^2)$$

Бу ерда,

$\varepsilon_{t-j} - i$ давр олдинги даврдаги тасодифий хатоликлар;

$\sigma_{t-j}^2 - j$ давр олдинги даврлардаги шартли дисперсиялар.

Дастлаб юқорида келтирилган $\varepsilon_t = z_t \sigma_t$ ушбу тенгликдаги ε_t ни ўрнига қўйиш ёрдамида EGARCH(p,q) моделини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\ln(\sigma_t^2) = \omega + \sum_{i=1}^p (\alpha_i z_{t-i} + \gamma_i |z_{t-i}|) + \sum_{j=1}^q \beta_j \log(\sigma_{t-j}^2)$$

Бу ерда, α_i ва β_j ларга ҳеч қандай чекловлар қўйилмайди ва γ мусбатлиги талаб қилинади. Шартли дисперсия логарифмига мусбат тасодифий хатоликнинг таъсири ($\alpha_i + \gamma_i$) ва салбий тасодифий хатоликнинг таъсири ($\alpha_i - \gamma_i$) кўринишда бўлади.

Даражали GARCH (Power GARCH) модели асимметрик GARCH моделларидан бўлиб, шартли дисперсияни δ даражали шаклда моделлаштиради. PGARCH(p,q) моделининг шартли дисперсияси қуйидагича ифодаланади:

$$\sigma_t^\delta = \omega + \sum_{i=1}^p (\alpha_i |\varepsilon_{t-i}| + \gamma_i \varepsilon_{t-i})^\delta + \sum_{j=1}^q \beta_j \sigma_{t-j}^\delta$$

Бу ерда,

$\omega > 0, \alpha_i \geq 0, -1 < \gamma_i < 1, \beta_j \geq 0, \delta > 0$;

$\varepsilon_{t-i} - i$ давр олдинги даврлардаги тасодифий хатоликлар;

σ_{t-j} – олдинги даврлардаги шартли стандарт оғишлар.

Юқорида келтирилган барча ARMA-GARCH моделлари комбинацияси максимал эҳтимоллик²⁰⁸ функцияси ёрдамида баҳоланади. Максимал эҳтимоллик функцияси шакли GARCH моделларининг параметрик тузилишига боғлиқ.

EVT камдан-кам учрайдиган ҳодисаларни таҳлил қилиш учун асосий воситадир. Кўплаб параметрик ёндашувлар вақт қаторларини моделлаштиришда нормал тақсимотга яқинлашувдан фойдаланади. Бироқ, молиявий маълумотлардаги экстремал қийматларни бундай усул билан моделлаштиришнинг камчилиги шундаки, нормал тақсимот экстремал ҳодисалар эҳтимолини кам баҳолайди. EVTни моделлаштиришда катта йўқотишларнинг кичик намунасига таянган ҳолда фақат тақсимотнинг экстремал қийматларига эътибор берилади. Бу ёндашув, анъанавий моделлаштириш ёндашувларидан фарқли ўлароқ, бутун тақсимотни эмас, фақат экстремал қийматларни моделлаштиришга қаратилган. Шу тариқа EVT ёндашуви маълумотлар қаторининг экстремал қийматларини моделлаштириш орқали юқоридаги муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилади.

Экстремал қийматлар назариясида катта йўқотишлар маълум бир чегарадан ошиб кетувчи кузатувлар сифатида қаралади. Агар, $X = \{x_1, x_2, \dots, x_T\}$ кетма-кетлик F тақсимот функциясига эга бўлган мустақил ва бир хил тақсимланган маълумотлар кетма-кетлиги, u танланган чегара қиймати бўлган ҳолатда, y танланган чегарадан ошган қийматларни билдирса шартли тақсимот функцияси қуйидагича аниқланади:

$$F_u(y) = p(X - u \leq y | X > u) = \frac{F(y + u) - F(u)}{1 - F(u)}$$

Бу ерда, $x - u = y$ ва $y > 0$.

Агар чегара етарлича юқори қийматга эга бўлса, шартли тақсимот функцияси $F_u(y)$ умумлашган Парето тақсимотига (Generalized Pareto Distribution, GPD) яқинлашади, яъни $F_u(y) \approx G_{\xi, \eta}(y)$. GPD қуйидаги тарзда аниқланади:

$$G_{\xi, \eta}(y) = \begin{cases} 1 - \left(1 + \frac{\xi y}{\eta}\right)^{-\frac{1}{\xi}}, & \xi \neq 0 \\ 1 - \exp\left(-\frac{y}{\eta}\right), & \xi = 0 \end{cases}$$

²⁰⁸ Максимал эҳтимоллик баҳоси – бу кузатилган маълумотлар асосида тузилган эҳтимоллик функциясини максималлаштириш орқали модел параметрларини баҳолаш усули.

Бу ерда,

ξ – шакл параметри (shape parameter);

η – масштаб параметри (scale parameter).

Чегара қийматини танлаш масаласи чегарадан ошган қийматлар ёндашувида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ушбу тадқиқотда чегара сифатида йўқотишлар тақсимотининг 85-95% даражадаги квантиллари орасидаги қийматлар қараб чиқилади. Ҳар бир танланган чегара учун GPD тақсимоти моделларга алоҳида мослаштирилади ва моделнинг мослиги Anderson-Darling (AD²⁰⁹) ҳамда Cramer-von Mises (CvM) тестлари ёрдамида баҳоланади. Шунингдек, ҳар бир ҳолатда GPD параметрларининг (ξ ва η) статистик аҳамиятлилиги ҳам таҳлил қилиниб, оптимал чегара танланади.

$F(u)$ ва $G_{\xi,\eta}(y)$ лар бирлаштирилиб, $x > u$ учун умумий тақсимот функция куйидагича ифодаланади:

$$F(x) = (1 - F(u))G_{\xi,\eta}(y) + F(u) \approx 1 - \frac{k}{T} \left(1 + \frac{\xi(x - u)}{\eta} \right)^{-\frac{1}{\xi}}$$

Бу ерда,

k – чегарадан ошган кузатувлар сони;

T – умумий намуна ҳажми.

GPD параметрлари максимал эҳтимоллик усули ёрдамида баҳоланади. Тақсимот $F(x)$ учун олдиндан белгиланган ишонч даражасидаги максимал йўқотиши (Value at Risk, VaR) қиймати куйидагича баҳоланади:

$$VaR_q^{EVT} = u + \frac{\eta}{\xi} \left[\left(\frac{T(1 - q)}{k} \right)^{-\xi} - 1 \right]$$

Бу ерда,

u – чегара қиймати;

η – GPD нинг масштаб параметри (scale parameter);

ξ – GPD нинг шакл параметри (shape parameter);

T – умумий намуна ҳажми;

q – ишонч даражаси;

k – чегарадан ошган кузатувлар сони.

Юқоридаги ифода стандартлаштирилган қолдиқлар (z) учун VaR(95) қийматини баҳолайди. Динамик ўзгарувчанлик модели доирасида манфий ўзгарувчанлик қийматлари куйидагича ифодаланади:

²⁰⁹ Nemukula, M., & Sigauke, C. (2020). A Point Process Characterisation of Extreme Temperatures: an Application to South African Data. Springer.

$$VaR_{q,t+1} = \mu_{t+1} + \sigma_{t+1} VaR_q^{EVT}$$

Бу ерда, μ_{t+1} ва σ_{t+1} ARMA-GARCH модели асосида баҳоланган қилинган қийматлар. Баҳоланган VaR_q^{EVT} қийматидан ошган йўқотишларнинг ўртача қиймати (Expected Shortfall, ES) қуйидагича баҳоланади:

$$ES_q^{EVT} = \frac{VaR_q^{EVT}}{1 - \xi} + \frac{\eta - \xi u}{1 - \xi}.$$

Динамик ўзгарувчанлик модели доирасида ES қиймати қуйидагича ифодаланади:

$$ES_{q,t+1} = \mu_{t+1} + \sigma_{t+1} ES_q^{EVT}.$$

Ушбу яқуний формула ёрдамида $t + 1$ давр учун миллий валюта курси манфий логарифмик ўзгарувчанлигининг экстремал қийматлардаги прогнози баҳоланади.

Баҳоланган экстремал қийматлардаги валюта курси ўзгарувчанлиги таъсирида банклар балансида ўзгаришлар юзага келади. Миллий валюта курсининг қадрсизланиши ҳисобига банкларнинг хорижий валютадаги активлари хорижий валютадаги мажбуриятларидан юқори бўлган банкларда узун валюта мавқеи ошади. Аксинча, хорижий валютадаги активлари хорижий валютадаги мажбуриятларидан паст бўлган банклар қисқа валюта позициясида ортиш кузатилади.

Миллий валюта курсининг қадрсизланиши ҳисобига банклар активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги миқдори банкнинг капитал қийматидан ошиб кетган тақдирда банк дефолт ҳолатига учраган деб қаралади. Банк дефолт бўлган тақдирда, банклараро боғлиқлик ҳисобига тарқалиш хатари юзага келади. Дефолтга учраган банкнинг ўз олдидаги мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги оқибатида, мазкур банкка нисбатан кредитор мавқеида турган банкларнинг активлари қиймати камаяди. Бу эса банклараро тарқалиш хатари туфайли кредитор банкларда кредит йўқотишлари юзага келиши мумкинлигини англатади.

Банклараро тарқалиш хатарини аниқлаш учун банклараро мажбуриятлар матрицасидан фойдаланилади. Агар банк тизимида бир-бирига кредит бериши ёки депозит жойлаштириши мумкин бўлган N та банк бўлса, банклараро мажбуриятлар ($N \times N$) матрицаси қуйидагича ифодаланади:

$$X = \begin{bmatrix} 0 & \cdots & x_{1j} & \cdots & x_{1N} \\ \vdots & \ddots & \vdots & \ddots & \vdots \\ x_{i1} & \cdots & 0 & \cdots & x_{iN} \\ \vdots & \ddots & \vdots & \ddots & \vdots \\ x_{Ni} & \cdots & x_{Nj} & \cdots & 0 \end{bmatrix}$$

Бу ерда,

x_{ij} – j банкнинг i банк олдидаги мажбуриятларини ифодалайди;

$\sum_j x_{ij}$ – i банкнинг бошқа банклардан олиниши лозим бўлган умумий маблағларини ифодалайди;

$\sum_i x_{ij}$ – j банкнинг бошқа банклар олдидаги умумий мажбуриятларини ифодалайди.

Ушбу модел маълумотларга қўлланилди ва таҳлил жараёнида икки турдаги танлов амалга оширилди. Биринчи босқичда беш хил GARCH моделларининг ичида параметрларнинг статистик аҳамиятлилиги ҳамда моделларнинг маълумотларга мослиги AIC (Akaike Information Criterion) ва BIC (Bayesian Information Criterion) орқали баҳоланди. Қиёсий таҳлил натижаларига кўра, EGARCH модели маълумотларга энг яхши мослашган модел сифатида танлаб олинди.

Иккинчи босқичда стандартлаштирилган қолдиқлар учун оптимал чегара аниқланди. Энг яхши мосликни таъминловчи чегара сифатида 92 фоизли квантил танлаб олинди. Ушбу чегарадан ошган қийматлар учун GPD тақсимот параметрлари статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги ҳамда GPD моделини моделлаштиришда тақсимотнинг мослиги AD ва CvM тестлари орқали белгиланди.

Уй-жойларнинг фундаментал нархини аниқлашнинг потенциал талаб модели

Кўчмас мулк бозорида уй-жойлар фундаментал нархини ҳисоблашнинг потенциал талаб (Potential Demand) модели иқтисодиётда банд бўлган жами аҳоли томонидан яратилиши мумкин бўлган талабга асосланади. Бунда, аҳоли ихтиёридаги жами даромаддан аҳолининг мавжуд кредитлари қолдиғи бўйича ойлик тўловлар миқдорини чегириб ташлаш орқали аҳолининг уй-жой сотиб олиш қобилияти аниқланади²¹⁰:

$$PC_t = ADI_t - DB_t$$

Бу ерда,

PC – харид қилиш қобилияти;

ADI – аҳоли ихтиёридаги жами даромад;

DB – аҳоли кредитлари бўйича ойлик тўлов миқдори;

t – чораклар.

Аҳоли ихтиёридаги жами ойлик даромад миқдори солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан кейинги аҳоли ихтиёридаги ўртача ойлик даромадни меҳнат билан банд бўлган аҳоли сонига кўпайтириш орқали ҳисобланади:

$$ADI_t = DI_t * EP_t$$

Бу ерда,

ADI – аҳоли ихтиёридаги жами ойлик даромад;

DI – аҳоли ихтиёридаги ўртача ойлик даромад;

EP – меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони;

t – чораклар.

Аҳолининг мавжуд кредитлари бўйича ойлик тўлов миқдори жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг умумий ҳажми, ўртача тортилган фоиз ставкаси ва муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади:

²¹⁰ Cesnak, M., Klasco, J., Kupkovič, P., Moravčík, A., Rychtárik, Š., & Vrbovský, R. (2024). Assessing Residential Real Estate prices in Slovakia: Possible Approaches and Indices. NBS Occasional Paper.

$$DB_t = VL_t * \frac{r_{1,t}(1 + r_{1,t})^{n_{1,t}}}{(1 + r_{1,t})^{n_{1,t}} - 1}$$

Бу ерда,
DB – кредитлар бўйича ойлик тўлов миқдори;
VL – жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи;
*r*₁ – жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи бўйича ўртача тортилган ойлик фоиз ставкаси;
*n*₁ – жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи бўйича ўртача тортилган ойлик тўлов муддати;
t – чораклар.

Кўчмас мулк бозорида юзага келиши мумкин бўлган потенциал талаб миқдори аҳолининг харид қобилиятидан келиб чиқиб аниқланади:

$$D_t = PC_t * \frac{(1 + r_{2,t})^{n_{2,t}} - 1}{r_{2,t}(1 + r_{2,t})^{n_{2,t}}}$$

Бу ерда,
D – потенциал талаб;
PC – харид қилиш қобилияти;
*r*₂ – жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача тортилган ойлик фоиз ставкаси;
*n*₂ – жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача тортилган ойлик тўлов муддати;
t – чораклар.

Уй-жойларнинг фундаментал нархи потенциал талаб ва модел бўйича баҳоланган коэффициентлар орқали ҳисобланади:

$$FP_t = e^{\alpha * \ln(D_t) + \beta}$$

Бу ерда,
FP – уй-жойларнинг фундаментал нархи;
D – потенциал талаб;
α, β – номаълум коэффициентлар;
t – чораклар.

Уй-жойларнинг бозор нархи ва потенциал талаб миқдори ўртасидаги тарихий боғлиқликдан келиб чиқиб, номаълум коэффициентлар энг кичик квадрат усули (Ordinary Least Square, OLS) модели орқали аниқланади. Бунда, модел натижаси статистик аҳамиятга эга бўлиши учун моделдаги ўзгарувчиларнинг натурал логарифмланган қийматидан фойдаланилади:

$$\ln (MP_t) = \alpha * \ln (D_t) + \beta$$

Бу ерда,

MP – уй-жойларнинг бозор нархи;

D – потенциал талаб;

α, β – номаълум коэффициентлар;

t – чораклар.

Энг кичик квадратлар усули моделининг асосий хоссасига кўра, номаълум параметрлар эрксиз ўзгарувчининг ҳақиқий қиймати ва унинг ушбу модел орқали баҳоланадиган қиймати орасидаги фарқлар квадратлари йиғиндисининг энг кичик қиймати бўйича аниқланади²¹¹:

$$u_t = \ln (MP_t) - (\alpha * \ln (D_t) + \beta)$$

$$\sum u_t^2 = \sum (\ln (MP_t) - (\alpha * \ln (D_t) + \beta))^2$$

$$\sum u_t^2 = f(\alpha, \beta) \rightarrow \min$$

Функциянинг минимумини аниқлаш учун α ва β номаълум коэффициентлари бўйича хусусий ҳосилалар олинади ҳамда нолга тенглаштирилади:

$$\alpha \text{ бўйича: } \frac{\partial f}{\partial \alpha} = -2 \sum \ln(D_t) * (\ln (MP_t) - \beta - \alpha * \ln (D_t)) = 0$$

$$\beta \text{ бўйича: } \frac{\partial f}{\partial \beta} = -2 \sum (\ln (MP_t) - \beta - \alpha * \ln (D_t)) = 0$$

Тенгламаларни соддалаштириб, қуйидаги тенгламалар системаси кўринишига келтирилади:

²¹¹ Gujarati, D.N. (2009). Basic Econometrics Fifth Edition. McGraw-Hill.

$$\begin{cases} n\beta + \alpha \sum D_t = \sum MP_t \\ \beta \sum D_t + \alpha \sum D_t^2 = \sum (D_t * MP_t) \end{cases}$$

$$\beta = \frac{\sum MP_t - \alpha \sum D_t}{n}$$

$$(\overline{MP_t} - \alpha \overline{D_t}) \sum PD_t + \alpha \sum D_t^2 = \sum (D_t * MP_t)$$

$$\alpha = \frac{\sum (D_t * MP_t) - n \overline{MP_t} * \overline{D_t}}{\sum D_t^2 - n * \overline{D_t}^2}$$

$$\begin{cases} \alpha = \frac{\sum ((D_t - \overline{D_t}) * (MP_t - \overline{MP_t}))}{\sum (D_t - \overline{D_t})^2} \\ \beta = \overline{MP_t} - \alpha * \overline{D_t} \end{cases}$$

Ушбу тенгламалар системаси бўйича номаълум коэффициентлар аниқланади. Уй-жойларнинг фундаментал нархи потенциал талаб ва модел бўйича баҳоланган номаълум коэффициентлардан келиб чиқиб аниқланади.

Уй-жойларнинг бозор нархи ва модел орқали баҳоланган фундаментал нархлар орасидаги фарқ кўчмас мулк бозорида таклиф этилаётган нархларнинг фундаментал омиллардан четга чиқишини ифодалайди. Бунда, кўчмас мулк бозоридаги талабни белгиловчи муҳим омиллар сифатида меҳнат билан банд бўлган жами аҳоли сони, аҳоли ихтиёридаги даромади, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи, ипотека кредитларининг фоиз ставкаси ва сўндириш муддати ҳисобланади.

4-жадвал. Тўлов қобилияти бўйича юқоридан пастга қаратилган (top-down) макро стресс-тест воситаси тафсири

Асосий параметрлар	<p>Жами 34 та тижорат банклари, шундан 7 таси тизимли аҳамиятга молик банклар инобатга олинган. 2026 йил 1 январь ҳолатига, макро стресс-тестда қамраб олинган тижорат банклари активлари банк тизими активларининг 100 фоизини ташкил қилган.</p> <p>Барча тижорат банклари Марказий банк томонидан жорий қилинган капитал монандлик талабларига риоя қилиши лозим.</p>
Вақт қамрови	3 йил (2025 йил якуни – 2027 йил якуни)
Стресс-тест бўйича фаразлар (assumptions)	<p>Динамик баланс:</p> <ul style="list-style-type: none"> – жами кредитлар ва бошқа банк активлари миқдори (Молия вазирлиги ёки Марказий банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, хусусий ташкилотлар қимматли қоғозлари, бошқа банкларга ва Марказий банкка талаблар) сценарийлар бўйича йиллик кредит қолдиғи ўсишига асосан ошиб боради; – активлар таркиби стресс-тест амалга ошириладиган давр давомида ўзгаради; – банклар ўз капиталини тақсимланмаган фойда ҳисобига шакллантиради.
Макроиктисодий сценарийлар	<p>Макроиктисодий сценарийлар кўрсаткичларнинг прогнозларини ифода этмайди. Балки, юзага келиш эҳтимоли жуда паст бўлган юқори даражадаги хатарлар (tail risks) хатарли сценарийларни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон тижорат банкларининг жиддий хатарларга бардошлилигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган.</p> <p>Асосий сценарийда иқтисодий ўзгаришларнинг жорий тенденциялари сақланиб қолиниши натижасида иқтисодиётнинг истиқболдаги эҳтимолий ҳолати ифодаланади.</p> <p>Хатарли сценарийда келгусида юзага келиш эҳтимоли паст ҳамда банк тизими учун салбий таъсири юқори бўлган ички ва ташқи шоклар инобатга олинган.</p> <p>Хатарли сценарий бўйича реал ЯИМ ўсиш суръати Growth-at-Risk (GaR) модели орқали аниқланган. Бунда, иқтисодий ўсиш суръатига таъсир этувчи омиллар сифатида молиявий цикл индекси ҳамда реал ЯИМнинг олдинги даврдаги</p>

	<p>қийматидан фойдаланилган. Хатарларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида хатарли сценарий бўйича реал ЯИМ ўсиш суръатини баҳолашда молиявий цикл индексига уч стандарт четланиш миқдорида қўшимча шок берилган.</p> <p>Инфляция даражаси ва реал ЯИМ ўсиш суръатларининг ўзаро кўпайтмаси асосида аниқланадиган номинал ЯИМ ўсиш суръатига тенг бўлган кредит ўсиш суръати хатарли сценарий бўйича аниқланган.</p> <p>Кредит ва депозит фоиз ставкалари Марказий банк асосий ставкаси таъсирини инобатга олган ҳолда моделлар орқали миллий ҳамда хорижий валюталар бўйича баҳоланган.</p> <p>Сценарийлар бўйича макроиктисодий кўрсаткичларнинг кейинги даврлар учун баҳоланган йиллик кўринишдаги қийматларини ёрдамчи регрессион моделларда фойдаланиш учун Кубик сплайн интерполяцияси орқали чораклик кўринишга ўтказилган.</p>
<p>Регулятив нормативлар</p>	<p>Жами регулятив капитал, CET1 ва Tier 1 учун капитал монандлик талаблари, капитал буферлари, левераж коэффициенти учун минимал талаб ўрнатилган.</p> <p>Банклар кредит таваккалчилиги учун таваккалчиликка тортилган активлар ҳисоб-китобида стандарт ёндашувдан (standardized approach)²¹² фойдаланади.</p> <p>Активлар сифати бўйича 5 хил гуруҳга таснифланади ва улар учун Марказий банк томонидан белгиланган қуйидаги захиралар яратилади²¹³:</p> <ul style="list-style-type: none"> – “стандарт” активлар учун 1 фоиз; – “субстандарт” активлар учун 20 фоиз; – “қониқарсиз” активлар учун 25 фоиз; – “шубҳали” активлар учун 50 фоиз; – “умидсиз” активлар учун 100 фоиз.
<p>Методология ва инобатга олинган хатар турлари</p>	<p>Макроиктисодий сценарийлар асосида фойда ва зарар модули компонентлари баҳоланади.</p> <p>Кредит хатари. Миллий ва хорижий валюталар бўйича кредит портфелидаги дефолт эҳтимоли (probability of default,</p>

²¹² Bank for International Settlements. Calculation of RWA for credit risk, standardized approach.

²¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 27/7–сонли қарори.

PD) ёрдамчи регрессион моделлар орқали макроиктисодий сценарий бўйича келгуси даврлар учун баҳоланади.

Миллий валюта бўйича дефолт эҳтимолини баҳолашда ўзининг давр олдинги қиймати, ЯИМ ўсиши ҳамда миллий валютадаги реал кредит фоиз ставкасининг сценарийлар бўйича қийматларидан фойдаланилади.

Хорижий валюта бўйича дефолт эҳтимоли давр олдинги қиймати, валюта алмашинув курси ва ЯИМ ўсишининг сценарийлар бўйича қийматларидан фойдаланиб келгуси даврлар учун баҳоланади.

Асосий ва хатарли сценарийлар бўйича кредит йўқотишлар ҳажми кредитлар қолдиғи, дефолт эҳтимоли ҳамда дефолт бўйича йўқотишлар (loss given default, LGD) даражаларини ўзаро кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Дефолт бўйича йўқотишлар даражаси сифатида кредит портфелининг захиралар билан таъминланмаганлик даражасидан фойдаланилади. Бунда, яратилган захираларни чегириб ташлаш орқали аниқланган соф кредитларни жами кредитлардаги улуши кредитларни захиралар билан таъминланмаганлик даражаси сифатида ҳисобланади.

Кредит хатарини баҳолашда 9-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (IFRS 9) асосида шакллантирилган жами кредитлар таркибидаги муаммоли кредитлар улуши (NPL) тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Бозор ва валюта хатари. Ўзбекистонда амалдаги тартибга кўра, банклар томонидан ўз ихтиёридаги қимматли қоғозларни бозор нархида қайта баҳолаш талаб қилинмайди. Шу сабабли, қимматли қоғозларнинг баланс қиймати базавий нархларда акс эттирилган. Бозор фоиз ставкаларининг ўзгариши қимматли қоғозлар қийматига таъсир қилмайди.

Бироқ, амалдаги тартибга асосан, маълум вақт давомида даромад келтирмайдиган қимматли қоғозлар учун захираларни яратиш талаб этилади. Шунинг учун, хатарли сценарийда хусусий ташкилотларнинг қимматли қоғозлари учун кўшимча захираларни яратиш инобатга олинган. Шунингдек, макро стресс-тестда хорижий валюта алмашув курсидаги ўзгаришлар сабабли банклар томонидан эълон қилинган валюта позициялари асосида хорижий валютадаги талаб ва мажбуриятларнинг қайта баҳоланишида фойда ёки йўқотишлар ҳам инобатга олинади.

Соф фоизли даромадлар. Соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати миллий ва хорижий валюталар бўйича ёрдамчи регрессион моделлар орқали баҳоланади.

Миллий валюта бўйича соф фоизли даромадларнинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати ушбу кўрсаткичнинг олдинги даврдаги қиймати, кредит ўсиш суръати, миллий валютадаги фоиз ставка маржаси (кредит ва депозит фоиз ставкалари орасидаги фарқ) ҳамда реал ЯИМ ўсишининг сценарийлар бўйича қийматлари асосида келгуси даврлар учун баҳоланади.

Хорижий валюта бўйича соф фоизли даромадни фоизли даромад келтирувчи активларга нисбатининг сценарийлар асосида кейинги даврлардаги қийматини баҳолаш учун ушбу кўрсаткичнинг олдинги даврдаги қиймати, хорижий валютадаги кредит ва депозит фоиз ставкалари ҳамда валюта алмашинув курси кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Миллий ва хорижий валюталар бўйича соф фоизли даромад миқдори фоизли даромад келтирувчи активларнинг ҳамда ёрдамчи регрессион моделлар орқали баҳоланган соф фоизли даромаднинг фоизли даромад келтирувчи активларга нисбати кўрсаткичининг қийматларини ўзаро кўпайтириш орқали аниқланади.

Соф фоизсиз даромадлар. Соф фоизсиз даромаднинг жами активларга нисбати ёрдамчи регрессион модел (satellite model) орқали ЯИМ ўсиши ва валюта алмашув курсининг сценарийлар бўйича қийматларидан фойдаланиб келгуси даврлар учун баҳоланади.

Соф фоизсиз даромад миқдори жами активларни ёрдамчи регрессион модел орқали баҳоланган соф фоизсиз даромаднинг жами активларга нисбати кўрсаткичига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Операцион харажатлар. Ўтган даврларда операцион харажатларнинг жами активларга нисбати кўрсаткичининг деярли ўзгаришсиз шаклланганлиги туфайли, келгуси даврлар учун операцион харажатларнинг ўсиши жами активларнинг ўсиш суръатлари билан бир хил шаклланган.

Жами активларнинг ўсиш суръати жами активлар таркибида юқори улушга эга фоизли даромад келтирувчи активларнинг ўсиш суръатлари билан бир хил бўлиши белгиланган.

	<p>Дивидендлар. Солиқ тўланганидан кейинги соф фойдаси ижобий бўлган банклар томонидан кейинги даврлар учун дивидендлар тўловлари тўланиши инобатга олинади. Солиқ тўланган кейинги соф фойдаси ҳисобидан дивидендларни тўлаш нисбати ҳар бир банк бўйича олдинги даврлардаги дивиденд тўловлари кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланган.</p>
Капитал талаблари	<p>Марказий банк томонидан тижорат банклари учун капитал монандлигига қўйиладиган талабларга кўра (таваккалчиликка тортилган активларга нисбатан фоизда)²¹⁴:</p> <ul style="list-style-type: none"> – I даражали асосий капиталнинг монандлик коэффиценти (СЕТ1): 4,5 фоиз – I даражали капиталнинг монандлик коэффиценти (Tier 1): 6 фоиз – Регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти (CAR): 8 фоиз – Капитал консервация буфери (CCoB): 2,5 фоиз – Контрциклик капитал буфер (CCyB): 1,5 фоиз – Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфер (D-SIB buffer): 1 фоиз. <p>II даражали капитал миқдори I даражали капитал миқдорининг 100 фоиздан ошиб кетган ҳолда, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди. Бундан ташқари, II даражали капиталнинг монандлик коэффиценти киритилган "стандарт" таснифидаги кредитлар бўйича захиралар таваккалчиликка тортилган активларнинг 1,25 фоизидан юқори бўлмаслиги лозим.</p> <p>Лeverаж коэффиценти учун белгиланган минимал талаб 3 фоизни ташкил этади²¹⁵.</p>
Концентрация хатари	<p>Хатарли сценарийга қўшимча шок сифатида банклар бўйича энг йирик қарз олувчиларнинг дефолтга учрашини банк тизими жами капиталига таъсири инобатга олинган. Бунда, дефолтга учраган йирик қарз олувчилар кредит қолдиғининг шартли равишда 50 фоизи банклар томонидан йўқотилиши (loss given default, LGD) фарази инобатга олинади.</p>

²¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 11 январдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 28/22–сонли қарори.

²¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 12/21–сонли қарори.

<p>Активлар нархлари кескин арзонлашишининг банк тизими барқарорлига таъсири</p>	<p>Хатарли сценарийга кўшимча шок бериш сифатида активлар нархлари кескин арзонлашишининг банклар кредит портфели сифатига ҳамда жами капиталига таъсири баҳоланган. Бунда, хатарлар шароитидаги уй-жойлар нархи (House price at risk, HaR) модели орқали кўчмас мулк бозорида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар таъсирида келгуси даврларда уй-жой нархларидаги эҳтимолий тузатишлар даражаси аниқланган. Активлар нархларининг кескин арзонлашиши туфайли кредит таъминоти сифатида жалб этилган активлар нархларининг бозор қийматини камайиши банкларда кредит йўқотишлари эҳтимолини оширади. Бунда, тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари учун гаров сифатида олинган кўчмас мулк бозор қийматининг камайиши ҳисобига LTV кўрсаткичи ортиши инобатга олинган. Шунингдек, уй-жой нархларининг кескин тушиши натижасида кредит миқдорини гаров қийматига нисбати 120 фоиздан юқори бўлган кредитларнинг шартли равишда қарз олувчилар томонидан қайтарилмаслик фарази илгари сурилган.</p>
<p>Тарқалиш хатари</p>	<p>Хатарли сценарийда банк дефолтининг бошқа банкларга тарқалиш хатари банк дефолтининг йўқотишлари капиталга боғланган ҳамда умуман қайтмаслик усуллари бўйича баҳоланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Банк дефолтининг йўқотишлари капиталга боғланган ҳолатидаги тарқалиш хатари ёндашувида банклар тарқалиш хатаридан қанча йўқотиши дефолтга учраши мумкин бўлган банкнинг капитал монандлик коэффиценти қийматига боғланади. Бунда, дефолтга учраши мумкин бўлган банкнинг капитал монандлик коэффиценти қанчалик паст даражада бўлса, бу банк билан молиявий алоқалари (кредит ажратган ёки депозит жойлаштирган) бўлган банк пропорционал равишда кўп зарар кўради. – Банк дефолтининг йўқотишлари умуман қайтмаслиги ҳолатидаги тарқалиш хатари ёндашувида банклар дефолтга учраш эҳтимоли юқори яъни капитал монандлик коэффиценти кўрсаткичи минимал талабдан паст бўлган банкка ажратган жами кредитлари ёки депозитларини тўлиқлигича йўқотади.
<p>Яқуний натижа</p>	<p>Жами банк тизими ва ҳар бир банк бўйича макро стресс-тест ўтказилганидан кейинги капитал монандлик кўрсаткичлари (СЕТ1, Tier 1 ва CAR) ҳамда левераж коэффиценти стресс-тестнинг яқуний натижалари ҳисобланади.</p>

Хатарлар шароитида уй-жой нархлари модели (House Price at Risk, HaR)

Хатарлар шароитида уй-жой нархлари модели (House Price at Risk, HaR) кўчмас мулк бозоридаги салбий ўзгаришларнинг юзага келган шароитида уй-жой нархларидаги тузатишлар даражасини баҳолашга хизмат қилади. HaR²¹⁶ модели икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда таъсир этувчи омилларнинг уй-жой нархларининг ўсишига таъсири турли квантиллер бўйича квантил регрессия модели²¹⁷ орқали баҳоланади. Иккинчи босқичда квантил регрессия модели натижаларидан келиб чиққан ҳолда келгуси даврлардаги уй-жой нархлари ўсишининг шартли узлуксиз тақсимоти ҳосил қилинади.

Квантил регрессия модели

Уй-жой нархлари ўсишига {10; 25; 50; 75; 90} квантиллер бўйича турли кўрсаткичларнинг таъсири квантил регрессия модели орқали баҳоланади:

$$y_t^\tau = \alpha^\tau + \beta^\tau X_{t-h} + \gamma^\tau y_{t-h} + \epsilon_t^\tau$$

Бу ерда,

y_t^τ – t даврдаги уй-жой нархларининг ўсиши;

X_{t-h} – жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг ўсиши;

y_{t-h} – h давр олдинги уй-жой нархларининг ўсиши;

α^τ – ўзгармас сон;

β^τ, γ^τ – номаълум коэффициентлар;

ϵ_t^τ – нисбий хатолик;

τ – квантил даражаси.

²¹⁶ Hafemann, L. (2023). Technical Paper. A house prices at risk approach for the German residential real estate market. Deutsche Bundesbank.

²¹⁷ Квантил регрессия модели методологияси 2024 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида келтирилган.

Квантил регрессия моделидаги номаълум параметрлар нисбий хатоликларнинг абсолют қийматлари вазнли йиғиндисининг энг кичик қийматини баҳолаш орқали аниқланади:

$$Q(\beta^\tau) = \sum_{t:\epsilon_t^\tau \geq 0} \tau |\epsilon_t^\tau| + \sum_{t:\epsilon_t^\tau < 0} (1 - \tau) |\epsilon_t^\tau|$$

Бу ерда,

$Q(\beta^\tau)$ – мақсад функцияси;

τ – квантил даражаси;

ϵ_t^τ – t чоракдаги нисбий хатолик.

Мақсад функциясининг минимал қийматидаги ($Q(\beta^\tau) \rightarrow \min$) номаълум параметрларни аниқлашда математик дастурлашнинг оптималлаштириш моделидаги чизиқли дастурлаш туридан фойдаланилади. Бунда, чизиқли дастурлаш орқали номаълум параметрларнинг оптимал қиймати симплекс усулидан²¹⁸ фойдаланган ҳолда аниқланади²¹⁹.

Келгуси даврдаги уй-жой нархлари ўсишининг шартли узлуксиз тақсимоти

Кейинги даврлардаги уй-жой нархлари ўсиши квантил регрессия модели орқали турли квантиллар бўйича ҳисоблангандан кейинги босқичда уй-жой нархлари ўсишининг шартли узлуксиз тақсимоти яратилади. Уй-жой нархларининг келгуси даврдаги ўсишини тақсимлаш квантил регрессия модели орқали баҳоланган қийматларига Аззалини ва Капитанио томонидан келтирилган кўп ўлчовли асимметрик-t (эгри-t) тақсимотни (Multivariate Skew-t Distribution)²²⁰ мослаштириш орқали ҳосил қилинади.

²¹⁸ Симплекс усули чизиқли дастурлаш масаласини ечишнинг асосий усулларида бири бўлиб, ушбу усулда кетма-кет яқинлашиб бориш орқали мақсад функциясининг максимал ёки минимал қийматини юзага келтирадиган ўзгарувчиларнинг оптимал қиймати топилади.

²¹⁹ Nelder, J.A. & Mead. R. (1965). Simplex method for function minimization. Oxford University Press: The Computer Journal.

²²⁰ Эгри-t (skew-t) тақсимоти – ўртача, стандарт четланиш, эгрилик (skewness) ва эркинлик (freedom) даражаси параметрлари орқали тавсифланадиган асимметрик шаклдаги тақсимот тури бўлиб, ўртачаси нол ва стандарт четланиши бир бўлган Студент-t тақсимоти ёрдамида ҳосил қилинади.

Кўп ўлчовли асимметрик-t тақсимотни ўртача, стандарт четланиш, эгрилик (skewness) ва эркинлик (freedom) даражаси параметрлари орқали тавсифланади²²¹:

$$f(y, \mu, \sigma, \alpha, n) = \frac{2}{\sigma} t\left(\frac{y - \mu}{\sigma}; n\right) T\left(\alpha \frac{y - \mu}{\sigma} \sqrt{\frac{n + 1}{n + \left(\frac{y - \mu}{\sigma}\right)^2}}; n + 1\right)$$

Бу ерда,

y – уй-жой нархлари ўсиши;

α – эгрилик даражаси;

n – эркинлик даражаси;

σ – стандарт четланиш;

μ – ўртача қиймати;

$t(\cdot)$ – эҳтимоллик зичлик функцияси;

$T(\cdot)$ – эҳтимоллик тақсимот функцияси.

Кўп ўлчовли асимметрик-t тақсимоти ўртачаси нол ва стандарт четланиши бир бўлган Студент-т тақсимоти²²² ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда, эгри-т тақсимоти асимметрик шаклда бўлиб, тақсимотнинг эҳтимоллик зичлик функцияси²²³ қуйидаги кўринишда шакллантирилади:

$$f(y, \alpha, n) = \frac{2}{\sigma} t(y; n) T\left(\alpha y \sqrt{\frac{n + 1}{n + y^2}}; n + 1\right)$$

Бу ерда,

y – уй-жой нархлари ўсиши;

α – эгрилик даражаси;

n – эркинлик даражаси;

$t(\cdot)$ – эҳтимоллик зичлик функцияси;

$T(\cdot)$ – тақсимот функцияси.

²²¹ Azzalini, A., & Capitanio, A. (2002). Distributions generated by perturbation of symmetry with emphasis on a multivariate skew t-distribution. University of Padua.

²²² Студент-т тақсимоти – тасодифий миқдорнинг стандарт четланиши маълум бўлмаганда ўртача кўрсаткични баҳолашда фойдаланиладиган симметрик тақсимот тури. Намуна ҳажми қанчалик катта бўлса, ушбу тақсимот нормал тақсимотга яқинлашади.

²²³ Эҳтимоллик зичлик функция бўлиш шarti: $\int_{-\infty}^{\infty} f(x) d(x) = 1$.

Номаълум параметрларнинг оптимал баҳоси кўп ўлчовли асимметрик-т тақсимотнинг тескари тақсимот функцияси ҳамда 10, 25, 50, 75 ва 90 квантилар бўйича баҳоланган уй-жой нархлари ўсиши орасидаги фарқни квадратлари йиғиндисини минималлаштириш орқали аниқланади:

$$\{\hat{\mu}, \hat{\sigma}, \hat{\alpha}, \hat{n}\} = \underset{\tau}{\operatorname{argmin}} \sum \left(\hat{Q}_{y_t|x_{t-h}}(\tau|x_{t-h}) - F^{-1}(\mu, \sigma, \alpha, n) \right)^2$$

Бу ерда,

$\hat{Q}_{y_{t+h}|x_t}(\tau|x_t)$ – квантил регрессия модели орқали баҳоланган уй-жой нархларининг ўсиши;

$F^{-1}(\mu, \sigma, \alpha, n)$ – эгри-т тақсимотнинг тескари тақсимот функцияси.

Корниш-Фишер кенгайтмаси (Cornish-Fisher expansion) ёрдамида эгри-т тақсимотнинг тескари тақсимот функцияси аниқланади²²⁴. Бунда, моментларга асосланган ҳолда Корниш-Фишер кенгайтмаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} F^{-1} \approx z_\tau + \frac{1}{6}(z_\tau^2 - 1)E(X^3) + \frac{1}{24}(z_\tau^3 - 3z_\tau)E(X^4) - \frac{1}{36}(2z_\tau^3 - 5z_\tau)E(X^3)^2 \\ + \dots + \frac{1}{288}(14z_\tau^5 - 103z_\tau^3 + 107z_\tau)E(X^3)^2E(X^4) \\ - \frac{1}{7776}(252z_\tau^5 - 1688z_\tau^3 + 1511z_\tau)E(X^3)^4 + \dots \end{aligned}$$

Бу ерда,

F^{-1} – эгри-т тақсимотнинг тескари тақсимот функцияси;

z_τ – стандарт нормал тақсимотнинг тескари тақсимот функцияси;

$E(X^n)$ – n тартибли моментлар.

Корниш-Фишер кенгайтмаси орқали ҳосил қилинган эгри-т тақсимотнинг тахминий тескари тақсимот функцияси минималлаштириш муаммосига қўйилади ва эгри-т тақсимотнинг номаълум параметрлари аниқланади. Аниқланган эгри-т тақсимотнинг бир ёки беш фоиз эҳтимолликдаги қиймати HaR моделининг натижаси ҳисобланади.

²²⁴ Amedee-Manesme, C., & Barthelémy, F. (2012). Cornish-Fisher Expansion for Real Estate Value at Risk. CergyPontoise University.

5-жадвал. Ликвидлилик стресс-тести тафсири

Асосий параметрлар	<p>Жами 34 та тижорат банклари, шундан 7 таси тизимли аҳамиятга молик банклар инобатга олинган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, ликвидлилик стресс-тестида қамраб олинган тижорат банклари активлари банк тизими активларининг 100 фоизини ташкил қилади.</p> <p>Ликвидлилик стресс-тест учун бошланғич давр: 2026 йил 1 январь.</p>
Вақт қамрови	1 йил (2026 йил 1 январь – 2027 йил 1 январь)
Моҳияти	<p>Ликвидлилик стресс-тестида сценарийлар бўйича банкларда кутилаётган пул оқими асосида банкларнинг ликвидлилик хатарларига бардошлилиги баҳоланади. Хусусан, ликвидлилик стресс-тести ўтказиладиган давр оралиқлари бўйича мос пул киримининг мос пул чиқимидан кам бўлиши банкларда ликвидлилик хатарлари юзага келиши мумкин деб қаралади.</p>
Сценарийлар	<p>Ликвидлилик стресс-тестида асосий ҳамда хатарли сценарийлар бўйича банк тизими ва банклар қирқимида пул оқими кўрсаткичлари таҳлил қилинади.</p> <p>Асосий сценарийда Базел қўмитасининг тавсиялари асосида банклар учун кутилаётган кирим ва чиқим миқдорларини ҳисоблаш коэффициентлари белгиланади. Хусусан, банкларда кутилаётган пул кирими миқдорини ҳисоблаш коэффициентларини белгилашда банк активларининг сифати ҳамда ликвидлилик даражалари инобатга олинади. Кутилаётган пул чиқими миқдорини ҳисоблаш коэффициентлари банк мажбуриятлари хусусиятини инобатга олган ҳолда белгиланади.</p> <p>Хатарли сценарийда ташқи ва ички шоклар таъсирида асосий сценарийга қараганда кутилаётган юқорироқ пул чиқими ҳамда камроқ пул кирими юзага келиш ҳолатлари инобатга олинади. Бунда, кредитлар ва давлат қимматли қоғозлари бўйича камроқ пул кирими, депозитлар бўйича кўпроқ пул чиқими ҳолатларининг юзага келиши баҳоланади.</p> <p>Тўлов қобилияти макро стресс-тести хатарли сценарийси бўйича кредитлар дефолт эҳтимолининг ортиши ҳисобига кредит йўқотишларининг юзага келиши ликвидлилик стресс-тестига интеграция қилинган. Хатарли сценарий бўйича кредит йўқотишларининг ортиши натижасида банклар томонидан ажратилган кредитларнинг қайтиши бўйича пул кирими камаяди.</p>

Бундан ташқари, хатарли сценарий бўйича геосиёсий вазият, савдо тарифлари бўйича беқарорлик ҳамда глобал инфляцион босим қимматли қоғозлар бозор нархининг арзонлашишига таъсир кўрсатади. Жумладан, халқаро молия бозорларидаги ноаниқликлар туфайли инвесторлар нисбатан хавфсиз активларга инвестиция киритишни афзал кўради. Бу эса, хорижий валютада жойлаштирилган Ўзбекистон суверен еврооблигацияларига бўлган талабни камайтириб, қимматли қоғозлар бозор нархининг номинал қийматига нисбатан арзонлашиши сабаб бўлади. Хатарли сценарий бўйича миллий ва хорижий валютадаги давлат қимматли қоғозлари бозор нархининг арзонлашиши банклар активлари таркибидаги давлат қимматли қоғозлари бўйича пул кирими кўрсаткичини пасайтиради. Давлат қимматли қоғозларининг арзонлашиши даражаси тарихий кузатувлар ёндашуви орқали баҳоланди.

Шунингдек, ликвидлилик стресс-тести хатарли сценарийида банклардаги кафолатланадиган омонатлар чегарасининг ўрнатилиши, кредит йўқотишларининг ортиши, тўлов қобилиятининг пасайиши ҳамда банклар молиявий кўрсаткичларининг ёмонлашиши сабабли омонатчилар хулқ-атворида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар таъсирида кафолатланмаган омонатларнинг қайтариб олиниши инобатга олинади. Жумладан, хатарли сценарий бўйича жисмоний шахсларнинг, шунингдек ҳукумат ва давлат корхоналаридан бошқа юридик шахсларнинг кафолатланмаган омонатларини тўлик чиқиб кетиши банкларда пул чиқимини оширади. Жисмоний шахслар омонатлари бўйича умумий пул чиқими коэффициентини ҳисоблашда жисмоний шахслар депозит портфели кафолатланган ва кафолатланмаган қисмларга ажратилади. Бунда, жисмоний шахсларнинг кафолатланган омонатлари бўйича пул чиқими коэффициенти Базел тавсияларида келтирилган асосий сценарийдаги пул чиқими коэффициенти бўйича қолдирилиб, кафолатланмаган депозитлар тўлик қайтариб олиниши фарази инобатга олинган. Юридик шахслар омонатлари бўйича хатарли сценарийида юзага келиши мумкин бўлган пул чиқими коэффициентини баҳолашда юридик шахслар депозит портфели кафолатланган омонатлар, ҳукумат ва давлат корхоналари омонатлари, шунингдек бошқа кафолатланмаган омонатларга ажратилади. Юридик шахсларнинг кафолатланган омонатлари ҳамда ҳукумат ва давлат корхоналари омонатлари бўйича пул чиқими коэффициенти Базел тавсияларида келтирилган асосий сценарийдаги пул чиқими коэффициентлари билан бир хил даражада сақлаб қолинган. Ҳукумат ва давлат корхоналаридан

	ташқари юридик шахсларнинг кафолатланмаган омонатлари тўлиқ қайтарилиши фарази илгари сурилган.
Ликвидлилик ҳолати	Мос вақт оралиқлари бўйича жами валюталар, миллий ва хорижий валюталар қирқимида банкларнинг кутилаётган пул кирими пул чиқимидан кам бўлмаслиги лозим. Хусусан, банкларда муддатлар орасидаги номутаносиблик сабабли ликвидлилик муаммосининг юзага келмаслиги учун, кутилаётган соф пул киримларининг йиғиндиси вақт оралиқларида (time buckets) доимо мусбат бўлиши лозим.
Пул оқими кўрсаткичлари	<p>Банкларнинг кутилаётган ликвидлилик ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида ҳар 30 кунда ликвидлилик стресс-тестлари ўтказилиши мумкин.</p> <p>Ликвидлилик стресс-тестида сценарийлар асосида банкларнинг кутилаётган соф пул кирими миқдори баҳоланади. Турли мос давр оралиқлари бўйича банкларда кутилаётган пул кирими ва пул чиқими ўртасидаги фарқ кутилаётган соф пул киримини ифодалайди. Банкларда юзага келиши мумкин бўлган ликвидлилик хатари кутилаётган соф пул кирими миқдорларини муддатлар бўйича йиғиб бориш орқали таҳлил қилинади.</p> <p>Пул кирими таҳлилида банк активлари таркибидаги кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Марказий банкдаги мажбурий захираларни инобатга олмагандаги маблағлар, қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестициялар, миқдорларга берилган кредит ва лизинглар ҳамда бошқа активлар сўндириш муддатлари бўйича тақсимланади.</p> <p>Муддатлар қирқимида кутилаётган пул кирими миқдорлари банк активлари ҳажмини сценарийлар бўйича белгиланган коэффициентларга (активлар бўйича кутилаётган пул кирими даражалари) мос равишда кўпайтириш орқали аниқланади.</p> <p>Пул чиқими таҳлилида банк мажбуриятлари таркибидаги депозитлар, Марказий банкка ҳамда бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар, олинган кредит ва лизинглар бўйича мажбуриятлар, балансдаги ва балансдан ташқари бошқа мажбуриятларни сўндириш муддатлари бўйича тақсимланади.</p> <p>Муддатлар қирқимида кутилаётган пул чиқими миқдорлари банкларнинг балансдаги ва балансдан ташқари турли мажбуриятлари ҳажмини сценарийлар бўйича белгиланган коэффициентларга (мажбуриятлар бўйича кутилаётган пул чиқими даражалари) мос равишда кўпайтириш орқали аниқланади.</p>

Афзалликлари	Ликвидлилик стресс-тестида LCR ва NSFR кўрсаткичларидан фарқли равишда пул оқими кўрсаткичлари муддатсиз, 1 кундан 7 кунгача, 7 кундан 30 кунгача, 30 кундан 90 кунгача, 90 кундан 180 кунгача, 180 кундан 365 кунгача бўлган вақт оралиқларида таҳлил қилинади. Бу эса, ўз навбатида, келгусида банкларда юзага келиши мумкин бўлган ликвидлилик муаммоларини содир бўлиш даврини аниқлаш имконини беради.
Валюта курси хатари	Хатарли сценарийга қўшимча шок сифатида валюта курсининг кадрсизланишини кутилаётган пул оқимига таъсири баҳоланган. Бунда, тўлов қобилияти бўйича макро стресс-тестининг хатарли сценарийдаги валюта курсига берилган шок ликвидлилик стресс-тестига интеграция қилинган.
Депозит концентрацияси хатари	Хатарли сценарийда энг йирик депозиторнинг ўз маблағини қайтариб олишини қўшимча шок бериш орқали банклар ликвидлилик ҳолатига таъсири баҳоланган. Бунда, ҳар бир банк депозит портфелидаги миллий ва хорижий валюталар бўйича энг йирик депозитор маблағининг чиқиб кетиш фарази инобатга олинган.
Яқуний натижа	<p>Банк тизими ва ҳар бир банк бўйича соф пул кирими кўрсаткичлари (пул кирими ва пул чиқими орасидаги тафовут) ликвидлилик стресс-тестининг яқуний натижалари ҳисобланади.</p> <p>Шунингдек, ликвидлилик муаммоси юзага келиши мумкин бўлган банкларнинг банк тизимига таъсирини баҳолаш мақсадида валюта турлари бўйича манфий соф пул киримига эга бўлган банклар активларининг жами банк тизими активларидаги улуши баҳоланади.</p>

6-жадвал. Ликвидлилик стресс-тестида асосий ва хатарли сценарийлар бўйича пул оқими кўрсаткичлари учун ўрнатилган коэффицентлар

Пул оқими кўрсаткичлари	Асосий сценарий	Хатарли сценарий
I. Пул кирими кўрсаткичлари		
1. Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	100	100
2. Банкнинг Марказий банкдаги маблағлари (мажбурий захирасиз)	100	100
3. Бошқа банклар ва молиявий ташкилотлардан олинган лозим бўлган маблағлар (181 кунгача)	100	100
4. Бошқа банклар ва молиявий ташкилотлардан олинган лозим бўлган маблағлар (181 кундан ортиқ)	50	50
5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар (миллий валютада)	100	85
6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар (хорижий валютада)	100	80
7. Таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларнинг қимматли қоғозлари	85	85
8. ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, ЕТТБ, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки ва Европа Кенгашининг тараққиёт банки томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар	100	100
9. Таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатларнинг етакчи компаниялари қимматли қоғозлари	50	50
10. Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси қимматли қоғозлари	75	65
11. Бошқа қимматли қоғозлар	100	100
12. Мижозларнинг аккредитив ва траст ҳужжатлари билан кафолатланган тратталари бўйича мажбуриятлари, соф	100	100
13. Мижозларнинг банк олдидаги тўланмаган акцептлари бўйича мажбуриятлари, соф	100	100
14. Марказий банкка берилган кредит ва лизинглар, соф (181 кунгача)	100	100
15. Марказий банкка берилган кредит ва лизинглар, соф (181 кундан ортиқ)	50	50
16. Бошқа банкларга берилган кредит ва лизинглар, соф (181 кунгача)	100	100
17. Бошқа банкларга берилган кредит ва лизинглар, соф (181 кундан ортиқ)	50	50
18. Мижозларга берилган кредит ва лизинглар, соф (1 йилгача)	50	50
19. Мижозларга берилган кредит ва лизинглар, соф (1 йилдан 2 йилгача)	50	45
20. Мижозларга берилган кредит ва лизинглар, соф (2 йилдан ортиқ)	50	35
21. РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар	100	100

Пул оқими кўрсаткичлари	Асосий сценарий	Хатарли сценарий
22. Ҳосилавий инструментларнинг ревальвацияси натижасида ўзлаштирилмаган фойда (муддатсиз)	0	0
23. Ҳосилавий инструментларнинг ревальвацияси натижасида ўзлаштирилмаган фойда (муддатли)	100	100
24. Валюта савдоси ва валюта позициялари	100	100
25. Бошқа активлар (муддатсиз)	0	0
26. Бошқа активлар (муддатли)	100	100
27. Гаровга қўйилган юқори ликвидли активлар	100	100
II. Пул чиқим кўрсаткичлари		
1. Аҳолининг талаб қилиб олинганча омонатлари	5	40
2. Кредит таъминоти сифатида жалб этилган аҳоли омонатлари (181 кунгача)	100	100
3. Кредит таъминоти сифатида жалб этилган аҳоли омонатлари (181 кундан ортиқ)	50	50
4. Кредит таъминоти сифатида жалб этилган бошқа депозитлар (181 кунгача)	100	100
5. Кредит таъминоти сифатида жалб этилган бошқа депозитлар (181 кундан ортиқ)	50	50
6. Юридик шахсларнинг талаб қилиб олинганча депозитлари	40	70
7. Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари	40	70
8. Аҳолининг муддатли депозитлари	5	40
9. Жисмоний шахсларнинг банк пластик карталаридаги маблағлари	5	40
10. Юридик шахсларнинг банк пластик карталаридаги маблағлари	40	70
11. Мижозларнинг аккредитив бўйича депозитлари	-5	-40
12. Юридик шахсларнинг бошқа депозитлари	40	70
13. Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар	40	40
14. Марказий банкка тўланиши лозим бўлган бошқа маблағлар (тезкор тўловлар ҳамда клиринг тизимлари)	25	25
15. Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига тўланиши лозим бўлган маблағлар (181 кунгача)	100	100
16. Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига тўланиши лозим бўлган маблағлар (181 кундан ортиқ)	50	50
17. Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари – Депозитлар (181 кунгача)	100	100
18. Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари – Депозитлар (181 кундан ортиқ)	50	50
19. Банк карталаридан амалга оширилган тўловлар бўйича банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар (181 кунгача)	100	100
20. Банк карталаридан амалга оширилган тўловлар бўйича банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар (181 кундан ортиқ)	50	50
21. Бошқа моддалар (181 кунгача)	100	100
22. Бошқа моддалар (181 кундан ортиқ)	50	50
23. Банкнинг тўланмаган акцептлари (181 кунгача)	100	100
24. Банкнинг тўланмаган акцептлари (181 кундан ортиқ)	50	50

Пул оқими кўрсаткичлари	Асосий сценарий	Хатарли сценарий
25. Олинган кредит ва лизинглар (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар (181 кунгача)	5	5
26. Олинган кредит ва лизинглар (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар (181 кундан ортиқ)	2,5	2,5
27. Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар (181 кунгача)	100	100
28. Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар (181 кундан ортиқ)	50	50
29. Субординар қарз мажбуриятлари (181 кунгача)	100	100
30. Субординар қарз мажбуриятлари (181 кундан ортиқ)	50	50
31. РЕПО битимлари бўйича сотилган юқори ликвидли қимматли қоғозлар	100	100
32. РЕПО битимлари бўйича сотилган бошқа қимматли қоғозлар (181 кунгача)	100	100
33. РЕПО битимлари бўйича сотилган бошқа қимматли қоғозлар (181 кундан ортиқ)	50	50
34. Ҳосилавий инструментлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар ва бошқа муддати узайтирилган даромадлар (181 кунгача)	100	100
35. Ҳосилавий инструментлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар ва бошқа муддати узайтирилган даромадлар (181 кундан ортиқ)	50	50
36. Клиринг транзакциялари (181 кунгача)	100	100
37. Клиринг транзакциялари (181 кундан ортиқ)	50	50
38. Бошқа мажбуриятлар (муддатсиз)	0	0
39. Бошқа мажбуриятлар (1 кундан 181 кунгача)	100	100
40. Бошқа мажбуриятлар (181 кундан ортиқ)	50	50
41. Балансдан ташқари мажбуриятлар	5	20

7-жадвал. Ўзбекистонда молия тизими барқарорлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чоралар (2026 йил 1 январь ҳолатига)

Йўналиш	Восита	Амалдаги меъёр	
		Банклар (микромолия банклари мустасно)	Микромолия банклари
Банк тизимида ликвидлиликни таъминлаш	Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши	10%	5%
	Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти	25%	
	Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти (LCR)	100%	
	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти (NSFR)	100%	
Банк тизимида капитал етарлиликни таъминлаш	Регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти	8%	13%
	I даражали капиталнинг монандлик коэффициенти	6%	10%
	I даражали асосий капиталнинг монандлик коэффициенти	4,5%	8%
	Капиталнинг консервация буфери	2,5%	
	Контриклик капитал буфери	1,5%	
	Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери	1%	
Банк тизимида левераж ва хатарга мойилликни камайтириш	Таваккалчилик даражалари	Йиллик фоиз ставка ва бошқа кўрсаткичларга асосланган ҳолда	
	Левераж коэффициенти	3%	
	Концентрация чеклови	25% (автокредит) 25% (микроқарз) 25% (овердрафт ва кредит карта)	
Долларлашув даражасини пасайтириш	Жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар ажратиш чеклови	Хорижий валютада кредитлар ажратилмайди	
	Табақалаштирилган мажбурий резерв нормативлари	4% (миллий валюта) 8,5% (хорижий валюта)	
	Хорижий валюталарда LCR	100%	
	Хорижий валюталарда NSFR	100%	

Қарз юкини тартибга солиш	Қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати (DSTI)	50%	
	Кредит ёки микроқарз бўйича фоиз тўловларининг асосий қарз қолдиғига нисбатан кунлик чеклови	0,25%	
	Кредитнинг гаровга нисбати (LTV)	75% (автокредит) 80% ва 85% (ипотека кредити)	
Йирик таваккалчиликларни олдини олиш	Банкнинг бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори чеклови	25% (I даражали капиталига нисбатан)	5 миллиард сўм
	Банкнинг бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таъминотсиз кредит таваккалчилигининг энг кўп миқдори	5% (I даражали капиталига нисбатан)	
	Банкнинг барча йирик таваккалчиликларининг умумий миқдори чеклови	I даражали капиталининг 5 баробаригача	
	Банкка алоқадор битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори чеклови	15% (I даражали капиталига нисбатан)	5 миллиард сўм
	Банкка алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори чеклови	25% (I даражали капиталига нисбатан)	

Манба: Марказий банк.

8-жадвал. Мамлакатлар бўйича капитал буферлар, RWA нисбатан фоизда (2026 йил 1 январь)

Мамлакат	CCoB	CCyB	SyRB	D-SIB buffer
Австралия	2,5	1	0	1
Австрия	2,5	0	1	0,45–1,75
Албания	2,5	0,5	0	0,5–1
Арманистон	2,5	1,75	0	1,5
Бельгия	2,5	1	6	0,75–1,5
Бирлашган Қироллик	2,5	2	0	1–2
Болгария	2,5	2	3	0,5–1
Венгрия	2,5	1	1	0,5–2
Германия	2,5	0,75	1	0,25–2
Гонгконг	2,5	0,5	0	1–2,5
Греция	2,5	0,25	0	1–1,25
Грузия	2,5	0,5	0	0,5–3
Дания	2,5	2,5	7	1–3
Жанубий Корея	2,5	1	0	1
Ирландия	2,5	1,5	0	0,5–1,5
Исландия	2,5	2,5	2	3
Испания	2,5	0,5	0	0,25–1,25
Италия	2,5	0	1	0,25–1,5
Канада	2,5	0	0	1
Кипр	2,5	1	0	0,5–2,25
Латвия	2,5	1	0	1,25–2
Литва	2,5	1	2	1–2
Лихтенштейн	2,5	0	1	2
Люксембург	2,5	0,5	0	0,5–1
Малайзия	2,5	0	0	0,5–1
Малта	2,5	0	1,5	0,5–2
Молдова	2,5	0	1	0,5–1,5
Нидерландия	2,5	2	0	0,25–2
Норвегия	2,5	2,5	4,5	1–2
Польша	2,5	1	0	0,25–2
Португалия	2,5	0,75	4	0,25–1
Руминия	2,5	1	0–2	0,5–2,5
Саудия Арабистони	2,5	0	0	0,5–2,5
Сингапур	2,5	0	0	2
Словакия	2,5	1,5	0	0,25–2
Словения	2,5	1	0,5	0,25–1,25
Финландия	2,5	0	1	0,5–2,5
Франция	2,5	1	0	0,25–1,5
Хорватия	2,5	1,5	1,5	0,25–2,25
Черногория	2,5	1	1,5	2
Чехия	2,5	1,25	0,5	0,5–2,5
Чили	2,5	0,5	0	1–1,75
Швеция	2,5	2	3	1
Шимолий Македония	2,5	1,75	0	1–3,5
Эстония	2,5	1,5	0	0,5–2
Янги Зеландия	3,5	0	0	2

Манбалар: ваколатли давлат органлари ва Европа тизимли хатарлар кенгаши.

9-жадвал. Ўрнатилган ва келгуси давр учун эълон қилинган контрциклик капитал буфер талаби, RWAга нисбатан фоизда

Мамлакат	2026 йил 1 январдан амалда	Кейинги даврда кучга кириши кутилаётган
Австралия	1	
Австрия	0	
Албания	0,5	
Арманистон	1,75	
Бельгия	1	01.07.2026: ↑1,25
Бирлашган Қироллик	2	
Болгария	2	
Венгрия	1	
Германия	0,75	
Гонконг	0,5	
Греция	0,25	01.10.2026: ↑0,5
Грузия	0,5	15.03.2026: ↑0,75 15.03.2027: ↑1
Дания	2,5	
Жанубий Корея	1	
Ирландия	1,5	
Исландия	2,5	
Испания	0,5	01.10.2026: ↑1
Италия	0	
Кипр	1	14.01.2026: ↑1,5
Чили	0	
Латвия	1	
Литва	1	
Лихтенштейн	0	
Люксембург	0,5	
Малайзия	0	
Мальта	0	
Молдова	0	30.01.2026: ↑0,5 13.05.2026: ↑1,5
Нидерландия	2	
Норвегия	2,5	
Польша	1	30.09.2026: ↑2
Португалия	0,75	
Руминия	1	
Саудия Арабистони	0	25.05.2026: ↑1
Сингапур	0	
Словакия	1,5	
Словения	1	
Финландия	0	
Франция	1	
Хорватия	1,5	01.01.2027: ↑2
Черногория	1	
Чехия	1,25	
Чили	0,5	
Швейцария	0	
Швеция	2	
Шимоллий Македония	1,75	01.10.2026: ↑2
Эстония	1,5	
Янги Зеландия	0	

Манбалар: ваколатли давлат органлари.

Атамалар

Активларнинг шошилиш сатуви – актив эгасининг кредитор талабларини қондириш учун активларини чегирмали нархда мажбуран сотиши.

Даврий тизимли хатар – молиявий ҳамда бошқа иқтисодий субъектлар томонидан проциклик, яъни молиявий циклнинг ўсиш босқичида таваккалчилик даражасини ошириш ва аксинча, пасайиш даврида эса хатардан керагидан ортиқча қочиши сабабли пайдо бўлади. Ушбу проциклик тенденциялар ўзини молиявий институтлардаги (шунингдек, бошқа иқтисодий субъектларда ҳам) ортиқча левераж ҳамда молиявий сектордаги муддатлар ўртасидаги номутаносибликлар натижасида юзага келган кредит ва ликвидлик цикллари шароитида намоён бўлади.

Дефолт ҳолатида йўқотишлар ҳажми – банкнинг қарз олувчи ўз қарзини тўлашга қодир бўлмаганда ёки уни тўлашни истамаганда юзага келадиган молиявий йўқотиш; кредит ёки гаров номинал қийматининг дефолт содир бўлгандан кейин қопланмайдиган қисми.

Ижобий нейтрал контрциклик капитал буфери (рпССуВ) – тизимли хатарлар даражаси юқори бўлмаган шароитларда банклар томонидан контрциклик капиталнинг нолдан юқори бўлган буферни шакллантиришни назарда тутувчи макропруденциал восита ҳисобланади. Ушбу буфер молиявий циклнинг стандарт хатар муҳити фазасида ўрнатилиб, юзага келиши мумкин бўлган тизимли хатарларга нисбатан банк тизими бардошлилигини оширади.

Капитал буферлар – банкларнинг турли шокларга бардошлилигини ошириш мақсадида биринчи даражали асосий капитал таркибида шакллантириладиган ҳамда регулятив капитал меъёрларга қўшимча тарзда жорий қилинадиган талаблар.

Капитал консервация буфери (ССоВ) – банкларда йўқотишларни етарли даражада сифатли капитал билан қоплаш мақсадида капитал монандлик коэффицентларига ўрнатилган минимал талабларга қўшимча равишда жорий этиладиган капитал буфер. Мазкур буфер банкнинг жами таваккалчиликка тортилган активларига нисбатан белгиланиб, I даражали асосий капитал (СЕТ1) шартларига мувофиқ бўлган капитал элементлари ҳисобига шакллантирилади.

Контрциклик капитал буфер – кредит ташкилотлари томонидан сектордаги даврий тизимли хатарлар ортиб бораётганда кейинчалик йўқотишлар юзага келадиган стресс даврида банк тизимининг бардошлилигини ошириш мақсадида тўпланадиган капитал буфер. Мазкур буферлар иқтисодиётни кредитлар билан таъминлаш даражасини бир маромда сақлаб қолиш ҳамда молиявий циклнинг пасайиш давридаги йўқотишларни юмшатишга ҳисса қўшади. Шунингдек, контрциклик капитал буферлари молиявий циклнинг ўсиш даврида кредитларнинг керагидан ортиқча ошиш даражасини камайтиришга хизмат қилади. Мазкур буфер банкнинг жами таваккалчиликка тортилган активларига нисбатан белгиланиб, I даражали асосий капитал (СЕТ1) шартларига мувофиқ бўлган капитал элементлари ҳисобига шакллантирилади.

Кредитнинг гаровга нисбати (LTV) – кредит суммасининг кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган актив қийматига нисбатини ифодаловчи кўрсаткич. Қарз олувчилар олиши мумкин бўлган максимал кредит суммасини гаров қийматига нисбатан чеклаш кредит хатарини пасайтиради.

Кредитнинг дефолт эҳтимоли (Probability of default, PD) – банклар томонидан ажратилган кредитларнинг қарз олувчилар томонидан қайтарилмаслик эҳтимолиги. Кредитларнинг дефолт эҳтимоли орқали банкларда юзага келиши мумкин бўлган кредит йўқотишлари баҳоланади.

Левераж коэффиценти – банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирадиган кўрсаткич бўлиб, банкнинг умумий хатарини назорат қилиш учун фойдаланилади. Унинг асосий мақсади банкнинг ўз капиталидан фойдаланиши мумкин бўлган максимал даражага чеклов ўрнатишдир. Левераж коэффицентида таваккалчиликка тортилган активлар ҳисобга олинмайди ва шу билан капитал монандлик талабларидан фарқ қилади. Бу активларнинг капиталга нисбатан номутаносиб равишда ошиб кетишига қарши оддий ва самарали восита ҳисобланади.

Леверажни камайтириш (Deleveraging) – банклар томонидан ўз қарзларини камайтириш мақсадида амалга ошириладиган жараён. Леверажни камайтириш ихтиёрий бўлганда асосан хатарларни юмшатиш кўзда тутилса, баъзан молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви натижасида келиб чиқадиган банкротликдан қочиш учун ҳам фойдаланилади.

Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти – ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти банкларнинг қисқа муддатли ликвидлик шокларига бардошлилигини оширувчи восита ҳисобланади. Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимига нисбати сифатида аниқланади.

Макро стресс-тест – бутун молиявий тизимнинг хатарли сценарийлардаги ўта хавфли, аммо содир бўлиши мумкин бўлган макроиқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олган тизимли хатар омилларига бардошлилигини ўлчаш ҳамда стресс ҳолати юзага келганда барқарорликни сақлаб қолиш учун етарли капитал ва ликвид активларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган воситалар мажмуи.

Макропруденциал сиёсат – тизимли хатарларни чеклаш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритишини таъминлайдиган буферлар жорий этиш орқали молиявий тизимнинг барқарорлигини оширишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидан иборат. Макропруденциал сиёсат қуйидагилар билан тавсифланади: (а) унинг мақсади тизимли хатарларни чеклашдан иборат; (б) қўлланилиш доираси индивидуал институтларга эмас, балки бутун молиявий тизимга (жумладан, реал ва молиявий секторларнинг ўзаро муносабатларига) қаратилган сиёсатдир; (с) биринчи навбатда, тизимли хатарларнинг манбаларига йўналтириш учун мослаштирилган макропруденциал воситалардан фойдаланади.

Макропруденциал сиёсат воситалари – макропруденциал сиёсатнинг бош ва оралик мақсадларига эришиш учун мўлжалланган воситалар ва чекловлар.

Макропруденциал сиёсатнинг трансмиссион (узатиш) каналлари – макропруденциал сиёсатга доир қарорларнинг молиявий тизим бардошлилигига ва кредит циклига таъсир қилиш каналлари ҳисобланади. Макропруденциал сиёсат воситаларининг қатъийлаштирилиши молиявий тизим ва реал иқтисодиётга нарх, миқдор, бардошлилик ва кутилмалар каналлари орқали узатилади.

Молиявий барқарорлик – банк тизимининг, яъни кредит ташкилотлари ва бозор инфратузилмаларининг юзага келиши мумкин бўлган шокларга бардошли бўлиб, молиявий воситачилик функцияларини бажаришда узилишлар юз бериш эҳтимолини пасайтириш қобилиятидир. Молиявий барқарорликка эришиш деганда, индивидуал молиявий ташкилотларнинг эмас, балки бутун молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлаш тушунилади;

Молиявий тизимнинг хатарларни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ҳамда иқтисодий ресурсларни самарали тақсимлаш, шунингдек, ташқи ва ички шоклар юз беришига қарамасдан молиявий хизматларни узлуксиз кўрсата олиш қобилияти ҳисобланади. Молиявий тизим иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ҳамда кутилмаган молиявий номутаносибликларни бартараф этишга қодир бўлганда барқарор ҳисобланади.

Молиявий цикл – тўғридан-тўғри молиявий тизим сабабли келиб чиқадиган ёки у томонидан кучайтириладиган иқтисодий тебранишлар сифатида қаралиши мумкин. Одатда, молиявий цикл ўзини кредит агрегатлари ва активлар нархлари ўртасидаги биргаликдаги ҳаракат сифатида намоён қилади, бу эса реал иқтисодий ўзгаришларга ҳам таъсир қилиши мумкин.

Риск-профили – портфел учун инвестиция активларини тўғри тақсимлашни аниқлаш учун зарур бўлган баҳолашдир. Индивидуал инвесторлар, молиявий ташкилотлар ёки компаниялар ўзига хос риск-профилларига эга, чунки уларнинг риск аппетитлари психологик факторлар, йўқотишларни қоплаш қобилияти, инвесторларнинг ёши ва бошқа инвестицион мақсадлари бўйича фарқланиши мумкин; бу инвесторнинг таваккалчиликка бўлган муносабатини ифода этади ва инвестицион портфелдаги активларни самарали тақсимоли учун муҳим аҳамиятга эга. Риск-профилидан келиб чиққан ҳолда инвесторларни консерватив, рационал ва агрессив турларга ажратиш мумкин.

Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффицентини – узок давр давомида молиялаштиришнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, банклардан узок муддатли активларни узок муддатли мажбуриятлар билан молиялаштиришни талаб қилади ва шу орқали муддатлар ўртасидаги номутаносиблик (maturity mismatch) даражасини чеклайди. Мазкур воситадан ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентини тўлдирувчи кўшимча талаб сифатида фойдаланилади.

Суғурта хизматларининг оммалашиш даражаси – суғурта секторининг иқтисодиётдаги улушини ҳамда суғурта хизматларининг умумий иқтисодий фаолиятга интеграциялашганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич. Ушбу кўрсаткич жами суғурта мукофотларининг номинал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Суғурта хизматларининг зичлиги – суғурта бозорининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ривожланганлик даражасини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, жами суғурта мукофотларини аҳоли сонига нисбати орқали аниқланади.

Таваккалчиликка тортилган активлар зичлиги – банкнинг таваккалчиликка тортилган активларининг жами активларидаги улушини акс эттирувчи кўрсаткич.

Таркибий тизимли хатар – молия тизими бўйлаб хатарларнинг тақсимланиши ва молиявий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар ҳамда умумий таваккалчиликлар натижасида пайдо бўлувчи хавф.

Тартибга солиш арбитражи – молиявий бозор иштирокчилари чекловларни четлаб ўтиш мақсадида нисбатан камроқ назорат қилинадиган бозор сегментларида ўз фаолиятларини кўчириши ва (ёки) бошлаши натижасида нисбий афзалликларга эга бўлиши.

Тизимли аҳамиятга молик банк – банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк тушунилади; ўз ҳажми, мураккаблиги ва тизимли ўзаро боғлиқлиги натижасида назорат қилиб бўлмайдиган муваффақиятсизлиги бутун банк тизими ҳамда иқтисодий фаолиятда жиддий узилишларга олиб келиши мумкин бўлган банклардир.

Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери – тизимли аҳамиятга молик деб топилган банкларнинг фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган шок ёки йўқотишларга бардошлилигини ошириш мақсадида капиталга қўшимча талаблар жорий этилишидир. Тизимли аҳамиятга эга бўлган банкларнинг тўлов қобилияти юқорилиги нафақат молиявий тизимининг, балки умуман иқтисодиётнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлайди. Мазкур буфер банкнинг жами таваккалчиликка тортилган активларига нисбатан белгиланиб, I даражали асосий капитал (СЕТ1) шартларига мувофиқ бўлган капитал элементлари ҳисобига шакллантирилади.

Тизимли хатар – умумий молия тизимида ёки унинг маълум бир секторида жиддий муваффақиятсизлик натижасида юзага келадиган ва реал иқтисодиёт учун жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган молиявий хизматлар кўрсатишдаги кенг миқёсдаги узилишлар хавфи. Макропруденциал чора-тадбирлар қўллашдан асосий кўзланган мақсад тизимли хатарларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш орқали молиявий инқирозларнинг юзага келиш даврийлиги ва кескинлигини камайтириш ҳисобланади. Тизимли хатарлар одатда икки хил кўринишда намоён бўлади: таркибий ва даврий тизимли хатарлар.

Тизимли хатар буфери – контрциклик капитал буфери ёки тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буферлари каби макропруденциал воситалар орқали қамраб олинмаган тизимли хатарлар мавжуд бўлганда, уларни бартараф этишга қаратилган восита. Мазкур буфер умумий даражадаги тизимли хатарларни ёки банк таваккалчиликлари тўпламларига боғланган хатарларни бартараф қилиш учун ишлатилиши мумкин.

“Таназзулга учрамоқ учун ҳаддан зиёд йирик” ташкилот – маълум бир молиявий ташкилот юқори даражада тизимли аҳамиятга эга эканлигини ҳамда унинг қулаши бутун молиявий тизимда нобарқарорликни ва умуман иқтисодиётнинг инқирозга учрашига олиб келишини англатади.

Қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати (DSTI) – қарз олувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган жами қарзга хизмат кўрсатиш тўловларининг қарз олувчи ихтиёридаги жами даромадга нисбатини ифодаловчи кўрсаткич. Қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чеклови қарз олувчиларнинг даромадига нисбатан қарзга хизмат кўрсатиш тўловларини чеклаш орқали қарз олувчиларнинг бардошлилигини оширишга қаратилган макропруденциал восита ҳисобланади.

Қарзнинг даромадга нисбати (DTI) – жисмоний шахсларнинг кредит/қарз суммасининг даромадга нисбатан баравар миқдорда чекловчи кўрсаткич.

Қатъий қоидага асосланмаган (мослашувчан) бошқарув – макропруденциал воситалар молиявий тизимга турлича таъсир қила олишини инобатга олган ҳолда, мазкур воситаларни фаоллаштириш ёки фаолсизлантириш ҳамда уларнинг даражаларини мослаштириш бўйича макропруденциал сиёсат қарорлари фақатгина қатъий қоидаларга таянмаслиги ва шу орқали марказий банк учун қарор қабул қилиш жараёнига сифат омиллари ва асослантирилган эксперт хулосаларини инобатга олиш учун юқори даражадаги ихтиёрийлик имкониятининг берилиши.

I даражали асосий капитал (СЕТ1) – энг юқори сифатли регулятив банк капитали бўлиб, банкнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткич. Мазкур капитал юзага келадиган йўқотишларни тезда қоплаш имкониятига эга бўлган элементлардан иборат бўлиб, банкларнинг тўлов қобилиятини ифодалайди.